




НАЗАРМАТ



ТУМ ва
ТУМХАҲ



*Шеърлар
Ҳикоялар
Қиссалар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1997

Масъул муҳаррирлар:

У. ҚУЧҚОР, З. ДУСТМАТОВ

Мусаввир

ОЛИМХОН ВОСИХОНОВ

Назармат

Гул ва гулхан: Шеърлар. Ҳикоялар. Қиссалар. —
Т.: Шарқ, 1997. 336 б.

Таниқли шоир Назармат узининг табаррук саксон ёшлигида азиз китоб-хонларга сарҳисоб туплам тузиб, уни «Гул ва гулхан» деб номлабди. Бунда рамзий маъно бор. Гул ва гулхан — ҳаёт ва хотира. Бу — ярим асрдан ортиқ ижоди давомида эрку адолатни, меҳру муҳаббатни куйлаб келастган забардаст шоиримиз қалбининг акс садосидир. Бу — бугуннинг: юртимиз узра келастган мустақиллик баҳори чечакларининг уфоридан маст булган; кечанинг: «тусиқли кечмиш» хотиралари ва буюк жангтоҳларда тукилган муқаддас қонлар тимсоли булмиш қирмизи лозазорлар гулхани оташидан охи қўкка урлаётган қалбнинг акс садосидир.

Шоирнинг ёшлиги урта ва олий билимгоҳларда, йигитлик даври эса Иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида утди. 1947 йилда ҳарбий хизматдан Тошкентга қайтиб келиб, узоқ йиллар матбуотда ишлади. Ҳозир нафақада булса-да, унинг ижоди мустақил она дисримизнинг нафаси билан барқ урмоқда. Қўлингиздаги китобда шоирнинг илк ижоди намуналаридан тортиб бугунги кунгача ёзилган жушқин шеърлари, қисса ва ҳикоялари жой олган.

У32

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти, 1997.

ИЖОДНИНГ ОЛИС, МУРАККАБ ЙУЛИ

Замонавий шеърятимизни меҳру эътибор билан кўзга кечирган китобхон узини улкан ва зебо бир ҳазина ва тасавҳис этади. Турли-туман рангу оҳанглар, тафаккумиз борлиги вур ҳосиласи булмиш бой, кўркем шеърятли, зариф ли-дишларни қувонтиради. Бу гулшанда нафос ҳаёт ҳақиқатини ба-рика ҳам; майин, пурмаъно аруз ҳам; ақлга сигмас ҳароратли ралла айтувчи жушқин бармоғу суҳбатга мойил, лекин мағ-сарбаст ҳам; жимжимасиз эҳдилик яшнаб турган гузал намуна-зи-мағзида самимият авлод вакиллари булмиш барча шоирла-лар ҳам қуп. Турл. Ҳодлари, иқтидору салоҳиятлари даражасида римиз уз истеъдод эътиб, катта, бир бутун, ҳамшиша ҳаракатда узлигини ҳар ким шеърятини яратишга баҳоли қудрат уз ҳисса-булган уз қўшиб келмоқдалар. Чунки бадиий ижод соҳаси ларини мидир «ким узди», «ким кўп ёзди» майдони эмас. Бу қанда ҳам ҳар ким уз истеъдоди, уз ҳаётий тажрибаси, уз дунёқа-ердаши, уз маҳорати даражасидан келиб чиқиб «уз сўзи»ни райтади. Мана шундай қўшлаб шоирлар меҳнатидан — улар-нинг энг сара асарлари гулдастасидан шеърят гулшани юзага келади. Бу ишга ҳар шоир уз муносиб ҳиссасини қўшишга интилиб қалам тебратади. Олдий томчилар қўши-либ ирмоқларга, ирмоқлар анҳорга, анҳорлар дарёга айлан-ганидек, бу уринда ҳам шундай жараён кечади. Улуғ шоири-миз Алишер Навоий «Бу бустон саҳнида гул қуп, чаман қуп» деб бежиз айтмаганлар.

Ана шундай шоирларимиз сирасида бугун муборак 80 ёш чўққисига кутарилган, катта ҳаёт йулини утаб келаётган оқ-соқол шоир, камтарин инсон, узига хос ёрқин истеъдод соҳиби Назармат акани кўраимиз. У киши деярли олтмиш йиллик ижодий фаолияти давомида қупдан-қуп шеърӣ китоблар, дostonлар, насрий асарлар ва қўшиқлар яратиб, уз она халқига, диёри Узбекистонга булган чексиз меҳру садо-қатини ифода этиб келмоқда. Устоз шоир Миртемир ака Назармат ижоди ҳақида гапириб: «Назармат олам тақдири, халқлар тақдири тўғрисида, эрк учун, босқинчи асоратидан қутулиш учун қон кечганлар тўғрисида уйлағувчи шоирлар сафида. Тўғилган тупроққа муҳаббат, унинг фаҳри ва қадри, эрки ва мақтовӣ шеърларида жаранглаб туради», деганда ҳақли эди.

Назармат 1917 йилнинг ноябрида Тожикистоннинг Ху-жанд уездига қарашли Нов қишлоғида тўғилган. Урта маълумотни уз қишлоғида, олий маълумотни эса Самар-қанд дорилфунунида олган.

Назарматнинг беғубор усмирлик йиллари қадимий Буюк ипак йулидаги, баланд қорли тоғлари олис-олисдан

ярқираб турган, афсонавий Фарҳод ва Ширин эртаклари туғилган, улкан Сирдарё кенг ёйилиб оқадиган водийда утган ва шу гузал гушада узининг илк ижодини бошлаган. Унинг биринчи шеъри 1934 йилда ҳозирги «Тонг юлдузи» газетасида эълон қилинди. Ҳали ўқувчилик давридаёқ бошланган ижодий ишга интилиш дорилфунун йулларида ҳам, тўрт йиллик жангтоҳлар алангаси ичида ҳам давом этади. У узининг ёшлик, йигитлик кучи ва истеъдодини она юртига, улуғ ёшдаги донолик ва ҳаёт тажрибасини жонажон халқига ўқитиб келмоқда.

Унинг биринчи шеърий тўплами «Ёшлик завқи» 1941 йилда босиб чиқди. Шундан кейинги даврда «Ватан ишқи», «Баҳодирлиги», «Сир буйи — нур буйи», «Йуллар ва гуллар», «Ватан ва бош — муҳаббатим», «Мангу олов», «Кунгил нашр этилган. Насрийнинг 20 дан ортиқ шеърий тўпламлари сизга маълум. «Сайёл жасадлари ҳам кенг китобхонлар омма-сида маълум. «Журлар баланд сайрайди», «Оловли тонг» қиссалари, «Турна», «Журлар баланд сайрайди», «Жанг», «Бурч йули», «Жангтоҳдан қатра йули», «Қирғоқдаги йул» ва бошқа ҳикоя, очерк тўпламлари бор. «Она курсатган йул» ва насрий асарларнинг мағзи-маъноси шундан эълон этилган. Бу шеърий ва насрий асарларнинг мағзи-маъноси шундан эълон этилган. Бу инсон, она юрт меҳри балқиб туради. Кезиб ўтган меҳнаткаш утиш керак, мен Назармат ака билан бирга таваллуҳ қилиб айтаиб йиллиги муносабати ила туғилган маскани Навоийнинг 75 йиллиги билан кўрдим. Деярли ҳар бир куча, ҳар бир хонадоннинг туйхонага айланиб кетган эди. Унинг шеърларига баста қилинган қўшиқлар янграб, жушқин сатрлари ёшлар тилидан тушмасди. Уз фарзанди, уз шоирига элнинг эътибори ва эҳтироми шунчалик самимий эдики, ҳар бир хонадонга у чин дилдан азиз меҳмон сифатида тақлиф қилинар эди. Демак, Назармат ака ўз эли дилига йул топган шоирдир:

Кунгилдан кунгилга йул бор дейдилар,
Бу йулни қул билан қуриб булмайди,
Юриш-чун сен унга ёлвор дейдилар,
Кунгилнинг измисиз юриб булмайди.
Бу йулнинг манзилин кўрмае ёқан кўз,
Оёқлар бир умр орзуда экан,
У йулни пойларкан ҳар дилдаги суз;
Йулдоши дил тутган кўзгуда экан.
Юракнинг кўзгуси тафаккур азал,
Кунгилнинг йулида туну кун посбон,
Шу посбон ҳамдамнинг булсин ҳар маҳал,
Кунгилга йул топмай йул юрма, инсон!

(«Йул») Я. Ҳ.

Шоирнинг дусту ва тенгдоши Туроб Тула Назармат ижодини таърифлаб: «У оддий сузларни шеърий, бадиий шаклга солишда кўпроқ ўзи усиб унган ватани, ўзи вояга етган юрти лаҳжаларидан... халқ тили лутфларидан келиб чиқувчи», деб ёзган эди.

Назармат асарларининг қаҳрамонлари фидойи, заҳматкаш, бунёдкор замондошларимиз булиб, муаллиф инсон ўз элига, ўз юртига қилган ҳалол меҳнати билан бахтли экан-

лигини тасвирлайди. Назарматнинг ҳаёт йули миллион-миллион оддий ўзбек кишисининг турмуш тарзига қиёслидир. 15 йил билим даргоҳида будди. 1941 йил ёзида Самарқанд Давлат дорилфунунининг филология факультетини тамомлаб, эндигина диплом олганда уруш бошланиб, жангтоҳга кетди. Россия, Белоруссия, Украина, Польша ва Германияда фашизмга қарши оғир жангларда взвод командири, гвардиячи мото-ўқчи, батальон командирининг уринбосари ва ниҳоят 1944 йил декабридан 1947 йилгача фронт газетасининг ҳарбий мухбири бўлиб, жангларда қатнашди. Узи олдинги бўлиб, итоатидаги йигитларни ҳужумга кутариб, жангларда намуна курсатиб, жанговар мукофотларга сазовор бўлган. Германияда, Одер дарёсини кечиб жангларида фашистга иштирок этиб, мухбир бўлишига қарамай, кўлига автомат олиб, ҳужумкор йигитларимиз орасида бўлиб, уларнинг жанглардаги жасоратлари ҳақида фронт газетасига очерклар ёзди. Одер жангидаги иштирокчи ва оператив материаллар уюштирганлиги учун II-даражаси Ватан уруши ордени билан мукофотланади. Белоруссия пойтахти Минскни фашистлардан озод этишдаги иштироки учун лейтенант Назармат Эгамназаров Кичик Ватан уруши ордени билан тақдирланади. Белорус халқи олдиданги уз халоскори ва уз ёзувчиси деб билади. Унинг шеърлари ва очерк шеърлари қаҳрамон белорус халқининг озодлик йўлида бағишланган. Белорус халқ шоири Ригор Бородиннинг шеърларини таржима қилиб нашр эттирди. Назармат номи «Белоруссия Адабиёти ва санъати» энциклопедиясига киритилиб, унинг ҳаёти, ижоди ва Белоруссияни озод этишдаги жасорати қайд этилган. Назармат шеърлари Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа ҳамдустлик мамлакатлари китобхонларига ҳам маълум. Назарматни тожик халқи уз шоири деб билади. Чунки у тожик ерида туғилган ва кўп шеърларини қардош халқнинг кураши ва истиқболига бағишлаган. Тожикистон нашриёти Назарматнинг тожик тилига таржима қилинган шеърларини чоп этиб, уз китобхонларига тақдим этиб туради.

Назармат 1947 йил май ойида фронтдан қайтгач, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига ишга таклиф этилади. 1951 йилгача шу редакциянинг турли бўлимларида хизмат қилади. 1954 йилда янги ташкил этилган «Тошкент ҳақиқати» газетасининг адабиёт ва санъат бўлиминини 31 йил давомида 1985 йил нафақага чиққунича бошқарди.

Назармат ёзувчи-шоир, моҳир журналист сифатида урушдан кейинги даврда республикамизнинг ҳамма бурчакларида бўлиб, халқ ҳаётини янада чуқурроқ ҳис этди. Халқимизнинг фидокорона меҳнатини, оддий меҳнат кишисининг ички дунёси, меҳру муҳаббати, тапвишу қувончини акс эттирган самимий шеърлар, насрий асарлар яратди. Назармат уч марта Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати бўлиб, жонажон пойтахтимизнинг улкан қурилиш ишларида фаол иштирок этди. У кўп йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашининг раиси сифатида диёримизда олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик ишларида мунтазам қатнашиб келади, ёшлар ур-

тасида катта тарбиявий ишларни бажаришни муқаддас ва-зифа деб билади. 1994 йилда Марказий Осиё республикалари буйлаб Тинчлик юришида бизнинг ижодкор-фронтчи вакилимиз сифатида фаол иштирок этди, матбуот саҳифаларида бу сафар ҳақида шеърлар, очерклар ёзди.

Назармат таржимон сифатида ҳам халқимизнинг меҳри-ни қозонган. У Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидан Кайху-срав дostonини, Бедилнинг «Комде ва Мудан», Жомийнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Хусрав Деҳлавийнинг «Мажнун ва Лай-ли» дostonларини форсий тилдан ўзбек тилига ағдарди. Шунингдек, замондош тожик шоирлари Мирзо Турсунзода, Миршакар, Боқи Раҳимзода, Мумин Қаноат, қозоқ оқини Жубан Мулдағалиев дostonларини таржима қилди. Шу-нингдек, Пушкин, Лермонтов, Шевченко асарларидан ҳам таржималари бор.

Назармат улуг ёшда эканлигига қарамай, ҳамон эл-юрт хизматкори. У кундалик иш фаолияти, ижодий меҳнати билан она диёримиз мустақиллигини тулиб-тошиб куйлай-ди, дунёга юз очган Ўзбекистонимизни, асрий орзулари амалга ошган буюк халқимизни эътиқод билан тараннум этади. У 1994 йилда «Кунгил тароналари» шеърлар тўплами-ни, 1995 йилда «Оловли тонг» қиссасини, 1996 йилда муста-қиллигимизнинг беш йиллигига бағишланган «Она курсат-ган йул» очерклар ва хотиралар китобини нашр эттирди.

Назармат халқимиз назаридаги ижодкор. Унинг шеърий ва насрий асарлари халқимиз томонидан севилиб ўқилиб келинмоқда. Кўп шеърлари қушиққа айланиб юртимизда ва ундан ташқарига машҳур. Шоирнинг «Табиат гулларга ранг танлаганда», «Кулиб чиқсанг уйингдан» каби унлаб шеърла-ри санъаткорларимиз томонидан севиб айтиладиган қушиқ-лардир. Кўпдан-кўп ижодкор ёшлар у киши номини меҳри-бон устод ва мураббий сифатида катта ҳурмат билан тилга оладилар.

Назармат ака қутлуғ 80 ёшга тулмоқда. Салкам 60 йил-лик ижодий фаолияти меваси бўлмиш ўнларча шеърий ва насрий китоблар, қушиқлар ва дostonлар уз мухлисларини топди. Бу китобларда шоирнинг бедор тунлари, ҳаёт ҳақи-даги уй-туйғулари мужассам. Шоир катта ҳаёт ва ижодий меҳнат мактабини утди. Даврнинг барча мураккаб кечинма-лари, иссиқ-совуғи, яхши-ёмони унинг қалбидан утди, саҳи-фаларда муҳрланди.

У киши ҳамон қизгин меҳнат ва ижод оғушида. Пири бадавлат инсоннинг ҳали одамларга айтадиган қизгин суз-лари кўп. Биз Назармат акага янада узоқ умр ва янгидан-янги ижодий ютуқлар орзу қиламиз.

Азиз шоиримиз Назармат ака узининг табаррук саксон ёшлиги сарҳисоби этиб, китобхонларга «Гул ва гулхан» деб номланган китобини армуғон этмоқда. Қўлингиздаги тўп-ламда шоирнинг илк ижодий намуналаридан тортиб, бугунги кунда ёзилган асарларидан танланган намуналар жой олган.

Адибнинг қалб армуғонини қабул этинг, азиз китобхон!

Ўзбекистон халқ шоири
Жуманиез ЖАББОРОВ.



МЕВДНАР



УДМИ ЭҲСОН

Инсон яшар, умид, орзу, меҳнату имон билан,
Ҳамнафас у ҳамма ерда аҳли юрт, замон билан.

Ҳаёт буюк бир китобки, инсон укур бир умр,
Жаннати ул уқий билса ҳалол ошу нон билан.

Курса юртдан яхшиликни, қайтарай дер вақтида,
Муъжаз уйи гулшан булур келса дуст, меҳмон билан.

Отахонлар сўзлари бор, яшар элда оқибат,
Улчанмагай ул зиёда мулу кўл эҳсон билан.

Ҳар юртда бор кўҳна удум, маросиму туй, йигин,
Эзгу хислат элни кутмоқ иззату икром билан.

Аҳли санъат хизматидан баҳра олур ҳамма ҳам,
Куй, қўшиқлар жон роҳати ҳофизу хушхон билан.

Назар куйлар элдаги ҳар тантанаю ҳар йигин,
Эсланур у утса файзли, яхши дам, ором билан.

1995

ВАСЛИ ЕДИНГ

Дилга тушди бир оташким, куйлар ёниб жон,
Унинг сунмас алангаси сен узинг, жонон,
Қайданам сен куриндингу, ишқ урди тугён,
Ғариб жоним ёнар энди ҳажри доғингдан.

Муҳаббатни кузгу айлаб дилга келурсан,
Жамолингнинг орзусида сарсон қилурсан,
Бу талпинган жонгинамнинг ҳолин билурсан,
Жудо этма мафтунингни висол боғингдан

Кимки сурса ҳолим билур, ёниш, фаредим,
Интилурман уртаниб дил васлингга доим,
Қайсар ёрим, бу жаҳонда сен-ку муродим,
Назар айла Назарматга нур қароғингдан.

Самандарман, қаландарман ҳажри доғингдан,
Адойингман, гадойингман гул яноғингдан,
Ишқ чулида қолиб кетдим, ёр, фироқингдан,
Боғбонингман, айирмагин висол боғингдан.

Қайсар ёрим, бу жаҳонда сен-ку муродим,
Назар айла Назарматга нур қароғингдан.

1994

ҚУШИҚ ҲАМРОҲ

Қушиқ, сенсан куй, илҳом,
Йулинг эрур кенг жаҳон,
Қушиқ, сенсан дилором,
Тинглаб яйрар тану жон.

Сен ҳамроҳсан эларга,
Жозибали сеҳринг бор,
Висол кутган дилларга
Сен қудратли мададкор.

Элни билмоқ булганлар
Тинглар қушиқ, куйларин.
У куйларда утганлар
Қолдирган дард, уйларин.

Қушиқ эзгу ишқ, орзу,
Қанот эрур одамга,
Куйлар борки, у мангу
Таралади оламга.

Қушиқ, дилкаш навосан,
Сен мафтункор дунёсан,
Соз тутқазиб сен қулга,
Дилни бошлайсан йулга.

Қушиқ, сенсан куй, илҳом,
Тинглаб яйрар тану жон.

1993

ЭЪТИҚОД

Биз она Ватанда чинор бўлганмиз,
Заминга ниҳолу баҳор бўлганмиз,
Ёв келса, кукракни этганмиз қалқон,
Ватан-чун жангларда тукдик қанча қон.
Насиб бўлди бизга буюк истиқлол,
Деймиз: она Ватан, доим топ камол,
Биз кекса бўлсак-да, ҳали бардаммиз,
Буюк эл ишига тайёр ҳардаммиз.
Ватанни она деб севмоқ иймондан,
Уни обод, азиз тутмоқ виждондан.
Унинг кўрки азми қўлимиздадир,
Унинг бахт қуёши йўлимиздадир.
Эрки-ла эл буюк, буюк жаҳони,
Буюкдир гар булса содиқ посбони.
Ватанга бахшида садоқатимиз,
Ёшларга меросдир жасоратимиз.
Отага бош эккан топгуси дунё,
Онага бош эккан кам булмас асло.
Ватанга бош эккан чаман ундирар,
Ундай мардга бахтни Ватан ундирар.
Насиб бўлди бизга буюк истиқлол,
Деймиз: она Ватан доим топ камол.

Бизлар эрку адолатнинг жарчиларимиз,
Бизлар буюк давлатнинг жангчиларимиз.

1994

МУЛКИ ЖАҲОН

Қадим еримизни Турон, дейдилар,
Бир онадан бешта ўғлон, дейдилар,
Икки улуғ дарё оби ҳаёти,
Эллари бир тану бир жон, дейдилар.
Шу беш ўғлон қадим она еридан
Ёвин бирга яксон этган, дейдилар.
Эзгу ҳаёт йўлин тутган, уларни
Сидқи дунё, аҳли имон, дейдилар.
Чўлни гулга, тоғни дурга барқ этиб,
Яратганлар мулки жаҳон, дейдилар.
Ерларида пинҳон бўлиб дурлари,
Ўз кўркига энди эҳсон, дейдилар.

1994

ИККИ НАВРУЗНОМА

1. КЕЛИН БУЛАР ГУЛ ДИЁР

Навруз элдан бошланар,
Навруз дилдан бошланар,
Навруз гулдан бошланар,
Сепин ёзиб навбаҳор,
Келин булар гул диёр.

Тоғлар қори ялт этар,
Ерга илиқ тафт этар,
Қуёш бахтни аҳд этар,
Сепин ёзиб навбаҳор,
Келин булар гул диёр.

Бинафшалар чаккада,
Ошиқ юрмас чеккада,
Ватан меҳри елкада,
Сепин ёзиб навбаҳор,
Келин булар гул диёр.

2. ҚУШ ЧИҚАДИ СЕН БИЛАН

Наврӯз, муаттар нафасинг диёрда,
Ранг талашур гул атласинг баҳорда,
Мовий само, ёғдуларда сен аён,
Қарашларда, орзуларда сен аён.
Қуш чиқади сен билан кенг далага,
Тоғ, адирлар кўксин очар лолага.
Турналар ҳам сени куйлаб келурлар,
Шўх сойлар ҳам сени куйлаб келурлар.
Сен баҳорсан, замин гулшан ранго-ранг,
Булбуллар ҳам сени куйлар шўх, башанг.
Гузаликка чорлар ҳар йил гулюзинг,
Она диёр таронаси сен узинг.

1997

ДИЛРАБО ҚИЗ ТЕРМИЗИ

Анор гули қирмизи,
Дилрабо қиз термизи,
Сурхоннинг тонг юлдузи,
Севиб қолдик биз сизи,
Сизга кўнгил мубтало,
Дилрабо қиз термизи.

Деновданми сиз гузал,
Бойсунданми сиз гузал,
Ёздик сизга биз газал,
Янграр дилдан ишқ, наво,
Сизга кўнгил мубтало,
Дилрабо қиз термизи.

Писта, хурмо юртингиз,
Сахий дунё юртингиз,
Сарви Сурхон бўйингиз,
Мафтун айлар қуркингиз,
Севиб қолдик биз сизи,
Дилрабо қиз термизи.

Тоғлар ошиб бораман,
Боғлар ошиб бораман,
Селдай тошиб бораман,
Йуқлаб шошиб бораман,
Севиб қолдик биз сизи,
Дилрабо қиз термизи.

1995

СҮРАСАЛАР ЮРТИМДАН

Сурасалар юртимдан, сўз очсалар элимдан,
Юртим узи сўз бошлаб, мадҳи келур дилимдан.

Мен элимнинг мунаввар йўлларини сўйлайман,
Водийларин таърифи гулларини буйлайман,
Гузал юртнинг қизлари гузал бўлур, гул бўлур,
Гузалликни яратган элларини куйлайман.

Юртим сахий ерларин неъматларин сўйлайман,
Буюк халқим бунёдкор заҳматларин уйлайман,
Гулшан диёр куркида эл мардлиги янграйди,
Чаманларга айланган дашт, чўлларин куйлайман.

Хур элимнинг хумоси, ҳилолини куйлайман,
Ун икки нур-юлдузли жамолини куйлайман,
Байрогининг уч ранги жаҳонаро ҳилпирар,
Она юртим истиқлол камолини куйлайман.

Сурасалар юртимдан, сўз очсалар элимдан,
Юртим узи сўз бошлаб, мадҳи келур дилимдан.

1995

КЕЛУР УСТОЗ

(Навоий хотирасига)

Келур ота, келур устоз Самарқандга Ҳиротдан,
Ўз уйига, ўз тўйига келур мангу ҳаётдан.

Таълим олган шаҳри азим, қадим Турон юртига
Таъзим айлаб айтур ғазал, дostonларин у ёддан.

Келур карвон, қўнғироқлар жарангоси фиғон у,
Сорбонларин куйлагани муножоту баётдан.

Пок муҳаббат оламининг юлдузлари оҳ чекар,
Гоҳи Лайли, гоҳи Ширин, гоҳи Мажнун, Фарҳоддан.

Урушларким, низоларким, эл офати азалдан,
Асранг дейди ул муқаддас юртингизни ёв, ётдан.

Асрларнинг минбаридан нидо айлар мураббий,
Чиқар пешвоз фарзандлари, мухлислари ҳар юртдан.

Эл дардларин уз дарди деб куйлаганлар мангудир,
Шундай эрур Миралишер, устоз келур Ҳиротдан.

Келур олис, дилга яқин дардли, нотинч Ҳиротдан.

1994

ХУЖАНД ГУЗАЛИ

Сир буйида боғда кўрдим барнони,
Бир ифбатли дилбар, гули раънони,
Ақлим олди ҳусни, ундай гузални
Курмаганман кезиб бутун дунёни.

Сурсам деди: «Ман духтари Хужанди»,
Дедим: «Гулсан, ошиқларнинг дилбанди»,
Бу сузимдан кулиб боқди дилрабо,
Сунг деди у: «Мен бир дилнинг пайванди».

У кетди-ю, кўрмоқ армон этарман,
Гул ҳуснига дилни посбон этарман,
Сир соҳилин энди макон этарман,
Машраб каби ишқни дoston этарман.

Хужанд гули, тугён урур муҳаббат,
Сарҳади йуқ уммон эрур муҳаббат,
Гузал олам барносисан, дилбандим,
Назарматнинг навосисан, Хужандим.

1993

БОБУР СУВ ИЧГАН БУЛОҚ

Кечкурун тунаш учун Қуштегирмон деган
жойда тухтади Бобур.

Пиримкул Қодиров.

Шоҳ қирғоқда, посбон Фарҳод чуққиси,
Пойин қучар нотинч дарё тулқини,
Қишлоқ мизғир, келмас Бобур уйқуси,
Дилда кезар юрти бедорлик тунни.
Булоқ оқар қишлоқ Қуштегирмонда,
Муздек суви шошар Сирдарё томон,
Қайга бориб тухтар нотинч жаҳонда,
Қайнар тинмай, нелар бағрида пинҳон?
Шоҳ булоққа тенглар навкарлар ҳолин,
Доим йулда, чодир ичра ёнар шам,
Манзил олис, қушин тутган қуролин,
Олдда не бор, недир тақдир, у мубҳам.
Сувга боққан шоҳ берилар хаёлга,
Тошдан тошга сапчиб уйнар шўх булоқ,
Булоқ Сирга, дарё борур Оролга,
Жонли, жонсиз неки борки, у жумбоқ.
«Нега мени тарк этмоқда Андижон,
Не савдога дучор булур бу бошим,
Мен шоҳману, йўқдир муқим бир макон,
Қайга элтур мени тулпор йўлдошим?!»
Олтин қадаҳ тутди ходим май учун,
Ҳовучига олди булоқ сувин шоҳ,
Ташлаб унга сўнгги марта у нигоҳ,
Сипқорди, сўнг йўлга отланди қушин.

1994, Қуштегирмон.

РАҚС САРВАРИ

Дилбари жон, бормисиз,
Гавҳари жон, бормисиз,
Парвоз айлаб, ноз айлаб,
Сарвари жон, бормисиз?

Кўрсам дилбар рақсингиз,
Мен ҳам уйнаб кетаман,
Борми рақсда сеҳрингиз,
Асир бўлмай нетаман.

Ноз ҳам шунча булурми,
Курк ҳам шунча булурми,
Дунёни лол қолдирган,
Рақс ҳам шунча булурми.

Хиром этсангиз, сахна
Чаман булур, гул булур,
Куз олдимга ҳар дафъа
Рақсга тушган гул келур.

Парвоз айлаб, гулпари,
Саҳна буйлаб учарсиз,
Мафгун айлаб, ёш, қари
Дилларини қучарсиз.

Курсам дилбар рақсингиз,
Мен ҳам уйнаб кетаман,
Борми рақсда сеҳрингиз,
Асир бўлмай нетаман.

1995

БУЮК МЕҲРИНГ

Ўзбегим, ўзлигим, ҳаётим, борим,
Мунаввар оламда суюк кўркинг бор,
Туркий эл сўзлигим, она диёрим,
Дилларда янграган буюк меҳринг бор.
Темурбек қадами сенда кўринур,
Муаззам азмингни сезмай булурми,
Навоий ғазали дилрабо эрур,
Оналик меҳрингни севмай булурми,
Осиё бағрида табаррук жойинг,
Олисдир тарихинг, кечган йўлинг ҳам,
Дунёга ҳавасли гулшан чиройинг,
Хотирда тусиқли кечмишларинг ҳам.
Сен бизга истиқлол, жони жаҳонсан,
Эркинг-чун қанчалар қон тукмаганмиз,
Бағри кенг, ўз сўзли Ўзбекистонсан,
Ўзгалар олдида бош эгмаганмиз.

Сен дилда қўшиқсан, элга нур мадҳинг,
Узбегим, ўзлигим, ҳаётим, борим,
Жаҳонга намоён қудрату кўркинг,
Туркий эл сўзлигим, она диёрим,
Ерлари муқаддас Ўзбекистонсан.

1994

У МАНГУ НУР

(Кубронинг қони)

Қуёш ҳамроҳ, чорлар Хоразм,
Жайхун, сенга дилимда таъзим,
Дуога қўл кўтарар имон,
Нола айлар юрагимда қон,
Сенда қолган у суйган жаҳон,
Сенда қолган у муқаддас жон,
Унинг руҳи замин нафаси,
Замонларнинг буюк дарғаси,
У уфқда мангу машғала,
Ёвузлардан асровчи қалъа,
Унутма деб ёниб туради,
Бефарқлардан нолиб туради,
Она ернинг чул, даласини,
Азиз ёмби ҳар заррасини,
Қучиб, уни айлаган гужум,
Унутма, дер, ўзингни мардум,
Нола айлар юрагимда қон,
У мангу нур, имони замон,
У Кубродир, эрклик буржини,
Элимизнинг англов бурчини,
Фарзанд этиб қолдирган абад,
У Ватанга буюк муҳаббат,
Дафтар очар Кубронинг қони,
У халқимнинг мангу виждони,
Тукилмаган у ерга бекор,
Буюклиги ҳар нафасда бор,
Хушёрликка чорлаб туради,
Эл дилида порлаб туради.

1994

ТОНГ ОҲАНГЛАРИ

Курдим нимранг тонгда баланд тоғлардан
Қуеш боқиб ерга нурун ейганин,
Енгил ҳовур кутарилиб боғлардан,
Яшил япроқларнинг нафас олганин.
Қушлар бир-бир учар ошиенидан,
Чупон эл бойлигин қирга етаклар.
Ногоҳ қуен сакраб утар енидан,
Тулки унга йулин тезлаб эмаклар.
Учқур жилғаларнинг олмос ранглари
Интилар водийга тошларни уйнаб,
Таралар муаттар тонг оҳанглари,
Гуё олам мени қаршилар куйлаб.

1993.

АРЧАЛАР

Арчалар бош қуйган тоғдаги тошга,
Ел сурар: «Киргансан сен неча ёшга?»
Арчалар жилғага аста шивирлар,
У эса шўх уйнаб, елга билдирар:
«Мен билан тенгдош у, тоққа ҳам тенгдош,
Биз яшил заминга мангу бошу қош».

1993

НОВИ НАВОИМСАН

Она юрт, Нов шаҳрим, ифтихоримсан,
Васфингни куйлайман, қалбим торисан,
Жонажон Ватаннинг бир гулзорисан,
Забардаст мардларинг мадҳимда борим,
Курмасам буларсан соғинч хуморим.

Нови навоимсан,
Ватан гулзорисан.

Айлансам мен Куркат, Қуштегирмонинг,
Андарсой, Тоғояк, Лангар томонинг,
Оқтепа, Бешкапа, Саидқурғонинг,

Пахтакор, заҳматкаш, мард миришкорим,
Сузида мардона, аҳдида борим,

Нови навоимсан,
Ватан гулзорисан.

Бор дардли утмишдан ёзиқ номалар,
Зулматнинг утида ёнган хоналар,
Селравинг, Коризинг, Каллахоналар,
Сузлайди қадимий оғир йўлингдан,
Гирдоблар ўрлаган дашту чулингдан,

Нови навоимсан,
Ватан гулзорисан.

Бир ёнинг Сирдарё, оби равонинг,
Бир ёнинг жонажон Ўзбекистонинг,
Бир ёнинг қадрдон Қирғизистонинг,
Қардошлар меҳрида дўсту ҳамкорим,
Табаррук заминсан, чаман гулзорим,

Нови навоимсан,
Ватан гулзорисан.

Қушиқлар таралар боғи гулзордан,
Бешиқлар тебранар туй, никоҳ, ёрдан,
Китоблар ёзилур тарихи бордан,
Туйингга тўёна юрак ашъорим,
Фарзандинг Назармат мадҳида борим,

Нови навоимсан,
Ватан гулзорисан.

1992

БУ КУНГА ЕТГАНЛАР, ЕТМАГАНЛАР БОР

Галаба, сен бизга эркак паноҳсан,
Дилларни ёндирган ўчмас жанггоҳсан,
Етимларга ота соғинч даргоҳсан,
Бева қолганларга дардли нигоҳсан,
Бу кунга етганлар, етмаганлар бор.

Ҳаётнинг бор фасли, қиши ҳам ёзи,
Бўронга ўхшайди ҳаёл парвози,
Ёвузлар чиқса жанг, қон поёндози,
Урушга кетганлар бўлай дер гози,
Зафарга етганлар, етмаганлар бор.

Элик йил булибди, ёдда жанг майдон,
Дунёнинг рушнойи тинчлик ва омон,
Бахтимиз — мустақил Ватан жонажон,
Утканлар руҳларин этайлик шодмон,
Бу кунга етганлар, етмаганлар бор.

1995 йил, 9 май.

РУҲ УТАР

Қаранг, йулдан аста юриб руҳ утар,
Оташларда ёнган ғам, андуҳ утар.
Мадори йўқ, танида уқ урушдан,
Чандиқ қийнаб, дилдан оҳ-у уҳ утар,
Сарҳисобдир утли йўллар умрига,
Бўронларни енган бир мажруҳ утар,
Қўлда ҳасса, озгин танда жанг касри,
У жанггоҳдан келтирган шукуҳ утар.
Эл тинчлиги, ҳаёт кўрки нур булиб,
Хаёлидан у қучган ёғду утар.
Сайёд чиқса, ут чақнаса тоғларда,
Сардорини йўқотган оҳу утар.
Руё булиб уйга қайтмаган мардлар
Нотинч оламдан гуруҳ-гуруҳ утар.
Эрк машғали сўниш билмас заминда,
У элларга бонг уриб сулуҳ утар.
Қаранг, йулдан аста юриб руҳ утар,
Бўронларни енган бир мажруҳ утар.

1995

ДУСТЛИК МАДҲИ

Шердай наъра тортиб жангда турган ёнма-ён,
Жангчи қардош дўстларимни эслайман ҳамон.
Ватан дерди бошларини қўйса саждага,
Ватан дея зарб берарди ёв аждаҳога.
Жасоратли жангчи эди улар ҳар бири,
Кеча-кундуз жанггоҳларда ёнди тақдири.
Ул жаҳоний Ғалабага мардликлари бор,
Ул дўстларнинг жасорати чўнг тарих, ёдгор,
Айтай бирин — у мард улкан қозоқ оқини,
Жубан Мулдағалиев дерлар номини,
Бири Манас баҳодири шоир Совронбой,

Жангга кирса тополмасди ёв қочишга жой.
Бири эди пулемётчи Домулло Азиз,
Тожик марди, жасоратда у эди тенгсиз.
Туркман шери Сеитниёз ҳамкасб, биродар,
У генерал Анновский, қучган кўп зафар.
Бири татар ўгли Шариф Мударрис эди,
Баҳодирлар ҳақида шеър ёзайлик дерди.
Бири эди юртдош дўстим, мард Адҳам Ҳамдам,
Таъби нозик шоир эди, жанговар, уқтам,
Элин севган бундай мардлар кўп эди жангда,
Уларнинг дард, орзулари яшар Ватанда.

Ёзинг дейди, сўзланг дейди уни жаҳонга,
Таралсин дер дўстлигимиз еру осмонга —
Эл эрки-чун курашганлар барҳаёт мангу,
Мардлар қучган зафарлар-ла эл обод мангу.

1995

УША КУНИ САМАРҚАНДДА

Қирқ биринчи йилнинг саратонида,
Уқиш тугаб, давлат имтиҳонида,
Ер қимирлаб, гуё қузғолди вулқон,
Унутмайман уша кунни ҳеч қачон.
Дорилфунун хиебони лол, чўккан,
Баланд чинорлари хомуш, бош эккан.
Зилзиладай қалқиб азим Самарқанд,
Кўксида тиг кўрди қадим Самарқанд,
У тиг санчиб Соҳибқирон қабрига,
Нуқта қўйди мангу ором, сабрига.
Кимлар келур бемаҳал юрт боғидан,
Соҳибқирон оромгоҳи ёғидан,
Келур бошин эгиб олим бир юртдош,
Ёнида хорижий, гурков ялангбош.
Турардик бу ҳолдан нотинч, паришон:
«Очилдими, борму у Соҳибқирон?»
Хорижлик кўлида қоғоз, қабр қазув...
Билолмадик, мубҳам қолди у ёзув,
Аён бўлди энди бу эрк замони,
Темур ерга бош қўйгач сўнг дегони:

«Кимки менинг руҳимни безовта қилишга ҳадди
сигар экан, билиб қўйсинки, унинг юртига
қудратли душман бостириб келади ва мамлақати
қўллар билмаган балоларга гирифтор бўлади».

Уша кунни хотирлайман мен ҳамон,
Биз толиблар гувоҳ эдик у замон,
Кезар эди Самарқандда ваҳима,
«Очилибди Амир ётган у даҳма,
Бошланибди уруш, босқин, қон, олов,
Хароб айлар энди мамлакатни ёв».
Шундан сунг мен кетдим, дўстлар, гарбга,
Ёприлган ёв йулин тусишга, ҳарбга.
Ўтдик қанча узга мамлакатлардан,
Элларин кутказдик хавф, офатлардан,
Лекин қайтмади кўп толиблар, мардлар,
Аланга олдиран дилларни дардлар,
Толиблар кўп эдик неча ун минглаб,
Нурга интилардик илму дарс тинглаб...
Биз тириклар хотирлаймиз у кунни,
Субҳи фараҳ кўтарилган учқунни.
Гардли эди чинорларнинг сояси,
Дардли эди қўшларнинг ҳикояси,
Дарс тайёрлаб дам олишга чиққандик,
Сўнгги марта учрашувга чиққандик.
Боғ этаги Амир Темур ётган ер,
Фарзандларим, нотинчландим дер,
Кимлар келиб оромгоҳим бузишди,
Тинч дунёни жангга бошлаб, тўзғишди...

Уша кунни унутмайман ҳеч қачон,
Безовта Бек этди огоҳи жаҳон,
Офат келди дея она Ватанга,
Руҳи бизни бошлаб борарди жангга...

Қолди қалам, дорилфунун уша кун,
Янги синов бошланганди биз учун...

1996

СУЗЛАР СИПОҲИНГ

Сузлар оддий сипоҳинг, Соҳибқирон,
Зиёратгоҳ даргоҳинг, Соҳибқирон,
Нур булиб абадий ёдимиздасан,
Зафар туғин тутиб олдимиздасан.
Тарих сузлар азму хизматларингни,
Элга қолдирган эрк неъматларингни.
Эл утказар тантанангни шод, хуррам,
Бундай туйни кўрмаганди ҳеч олам.
Боқиб Самарқанддан, юртинг бахтидан,
Сузлайсан жаҳонга элинг тахтидан.
Туйинг олти юзу олтмиш олтида,
Келдинг халқинг миндирган ҳур отида.
Мангу фарзандисан она диёрнинг,
Посбонисан буюк тарихи борнинг.

1997

АМИР КУШКИ

Кук гумбаз остида зангори гардиш,
Тошкент сийнасида жилоли нурдан,
Олти юз олтмиш йил туйида келмиш
Қутлуғ зиёратгоҳ булиб Амирдан.
У буюк элининг меҳри, табаррук
Фарзанди, сардори Соҳибқиронга,
Қолади тарихда ким булса буюк,
Нур булиб таралур номи жаҳонга.
Бек элда қурдирди қасру кушкларни,
Замин чиройига кетди дунёси.
Азми-ла бунёд у нишоналари,
Жонажон халқига қолган мероси.
Самарқанд, Шаҳрисабз, Яссининг кўрки
Соҳибқирон руҳин кўрар узид.
Буюк утмишини унутмас юрти,
Забардаст қадами тарих измида.
Амир қасру кушклар қурди халқига,
Халқим эса қуриб буюк кушк унга,
Дуо ўқир бугун руҳи покига,
Ҳам етиб келганин тантана кунга.
Дуо кетган азиз бу она диёр,
Буюклиги қадим замонлардан бор,
Тақдири азали сахий, қудратвор,
Кўп буюк жаҳоний фарзандлари бор.

Кук гумбази остида зангори гардиш,
Тошкент сийнасида жилоли нурдан,
Олти юз отмиш йил туйида келмиш
Қутлуғ зиёратгоҳ бўлиб Амирдан.

1996

БУ КУННИНГ ҲИҚМАТЛАРИ

Яхши ҳаёл дилни кутарар,
Азми фаол элни кутарар.

Ҳаёт кўрки қўлингда бўлсин,
Пок ниятинг йўлингда бўлсин.

Учар гиламда учмайлик,
Учар оламни кучайлик.

Одам учун яралган олам,
Олам учун яралган одам.

Қисмат ҳар хил булар жаҳонда,
Тош-улчови турар инсонда.

Йул инсонга қарайди,
Донога оқ урайди.

Ватан иккинчи қуёшдир,
Қадрин билганга йўлдошдир.

Жанг кўрган осойиш дами уйлар,
Ерга мунаввар кўкламни уйлар.

Дунёнинг ҳикмати оқибатдандир,
Инсоннинг ҳиммати садоқатдандир.

Эрк кетса илгингдан қисмат демагил,
Қисмат деб ўзгага хизмат этмагил.

Дилда булса иқтидор, идрок,
Нурли булар йўлингда офоқ.

Билим ва ҳунар сен топган дунё,
Иккисидан келур умрингга зиё.

Истиқлолда авлодлар қони бор,
Эрк деб утганлар армони бор.

Кеч қуёшни кузатади, тонг ундан отади,
Ният дилда ётади, онг ундан отади.

Донолар кўп дунёда —
Олам яшар зиёда.

Йиллар умрга сарҳисоб,
Ҳаёт унга бир китоб.

Оллоҳ ато этган умр —
Қадрига ет, у йўлингда нур.
Ҳаёт тиконли гулга ухшайди,
Ақл уни имонли йўлга бошлайди.

Дарахт қуп гуллайди,
Ҳосилда турлайди.

Тошган тошқинга ухшар,
Ҳаддан ошганга ухшар.

Ожиз одам кутади ёрдам,
Ножинс одам булмайди ҳамдам.

Қарсақ чалинмас бекор,
Унда бор меҳр, иқрор.

Тилни билган бир бошқа,
Дилни билган бир бошқа.

Ижод қарамас ёшга,
Қудрати утар бошга.

Инсоний чирой юздан билинмас,
Асли ҳикмати куздан билинмас.

Муҳаббат мангу илоҳий эътиқод,
Нодонга мавҳуму, донога мурод.

Кимки булса бағри кенг,
Унинг элга баҳри кенг.

Йиқилар одам ҳар хил ҳолатда,
Ким қандай қарар шундай фурсатда.

Йўлда ётганга қарама бефарқ,
Уйлама уни ичган деб арақ.

Қовуннинг ҳиди гоҳо баланд бўлади,
Мағзи гоҳ бемаза, гоҳ қанд бўлади.

Қупол муомала бадбуй ҳаво,
Яхши муомала обру, даво.

Пулат оловда тобланади,
Гуруч паловда тобланади.

Чироқ ёқмасанг парвона қайда,
Ёрга ёқмасанг ҳамхона қайда.

Зиё қурган фикридан билинур,
Дунё қурган шукридан билинур.

1995

АЗИМ ДИЁРИМ

Ватаним, уйлаймиз, куйлаймиз сени,
Табаррук умр йулинг тарихингда бор,
Жаҳоний даҳолар маърифингда бор,
Жонфидо мардларинг таърифингда бор,
Сен дунё аҳлига тинчликда ёрсан,
Азали бағри кенг, азим диёрсан.
Ватаним, уйлаймиз, куйлаймиз сени,

Сен баланд тоғларсан, азим дарёлар,
Сен олтин водийлар, қадим саҳролар,
Мунаввар бағрингда гули раънолар,
Биз сенинг фарзандинг, она диёрсан,
Ерларинг муқаддас, мангу баҳорсан.

Ватаним, уйлаймиз, куйлаймиз сени,
Сен Тошкент, Самарқанд, Бухори азим,
Фаргона, Сурхону Қашқа, Хоразм,
Буюксан, содиқмиз сенга, минг таъзим.
Истиқлол жамоли, эрк, ифтихорсан,
Азали бағри кенг, азим диёрсан.

Ватаним, уйлаймиз, куйлаймиз сени,
Сен азиз онасан, Ўзбекистонсан.

1995

ДИЛИНГИЗ СЕЗИБ ТУРАДИ

(Хориждаги ватандошларга)

Бу дунё кенг дунё,
Дилда меҳр, руё,
Хаёл парвозда,
Гоҳ Осиёда,
Гоҳ Оврупо,
Гоҳ Африқода,
Гоҳи Ўқенус
Ортида сизлар
Яшарсиз, алхусус.
Лекин гоҳида

Пинҳон дилингизга
Йул олур нидо,
У киндик қонингиз
тукилган диёрдан,
Она қорнидан
Ерга тушганда,
Қулоғингизга
Чилла уқилган
Фасли баҳордан,
Нурли заминдан у.
Она эл қадимдан у,
Сизни кафтида тутган,
Мана шу азим
Курраи заминда
Она юртингиз бор,
Ота юртингиз бор,
Сизни куриб туради,
Қалбингизда уриб туради.
У руҳдир,
У қонингизда,
Имонинингизда,
У ҳар қадамда,
Яшар холис оламда,
У она ер, тупроғи эзгу,
Муқаддас мангу,
Инсон яшар дунёда,
Дил нур берган зиёда,
У ҳаёт қонуни азал,
Ватандош, унутма,
Уни ҳеч маҳал.
Ватан тортса руҳингни,
Келсанг она юртингга,
Зиёрат этсанг,
Шукр қилиб уша кунга етганга,
Тиз чуқиб,
Муқаддас тупроғин упиб,
Она ер бағридан
Забаржад қоялар қаъридан
Сенга интилган
Элинг булоғидан сув ичсанг,
Зилол кўзларига боқиб,
Қасамед эт,
Тиниқ мавжларини,

Шифобахш авжларини,
Оналик, ўзлик меҳрини,
Муқаддас билиб,
Уни доимо ёд эт,
Элинг фарзандларининг,
Мард фидоийларининг
Руҳларини шод эт.
Эътиқод буюк нарса,
Садоқат аҳли қайда булмасин,
Оллоҳ ато этган ерин
Ризқи рузин бенасиб этмас.
Дунё беш кунлик эмас,
Ожизу, тушкунлик эмас,
У доимо кураш сўрайди,
Курашганни бахтга урайди,
Чунки бу кўҳна дунё,
Машақатли дунё,
Имони борларга
Шафқатли дунё,
Жангларда тукиб қон,
Эл бахти-чун бердик кўп қурбон,
Улар руҳи яшар Ватанда,
Ватанни севган ҳар танда,
Насиб бўлди бизга
Букун эрку истиқлол,
Мангу буюк иқбол.
Дунё — бурчли дунё,
Шу бурчли дунёни уйласангиз,
Дилингиз киради сўзга,
Кимлар бўлғуси
Ватандош сизга,
Чунки мана шу азим
Курраи заминда
Она юртингиз бор,
Ота юртингиз бор,
Унинг нафасини
Дилингиз сезиб туради,
Эсган саррин еллар билан
Руҳ бўлиб,
Сизда кезиб юради.

1994

СОҒИНМАЙДИ КИМ ЁРИН?

Мен водига бораман,
Ишқ ёдига бораман,
Соғинтирган дилрабо
Ёр олдига бораман.

Дилни тортар хаёли,
Йулга бошлар висоли,
Куз олдимда товланиб
Куринур ой жамоли.

Уйи ёнида анҳор,
Сайр этишга чиқар ёр,
Гуллар тутиб соҳилда,
Мен кутарман интизор.

Ҳар ким дилдан куйласин
Суйган, азиз дилдорин,
Майли, қайда бўлмасин,
Соғинмайди ким ёрин?

Баҳор келса табиат
Ундиради гул ердан,
Қудрат олур муҳаббат
Гузал ёру диёрдан.

Гуллар ичра дунёда
Ортиқ не бор раънодан?
Айрилмасин ҳеч киши
Севган ёри барнодан.

1992

ТУРНАЛАР

Учиб утган турналар,
Мовий само йўлингиз,
Сизлар билан нур келур,
Меҳру вафо йўлингиз.
Яшил баҳор фаслида
Бошлагайсиз ишқ роҳин,
Севги у ёр васлида,
Излар висол даргоҳин.

Сизлар билан бир бўлиб
Борар оху армоним,
Йулингизга термулиб,
Оловланур дил, жоним.
Баланд учган турналар,
Доим бирга жуфт сизлар,
Сирдош бўлиб ой, тунлар,
Сизга ҳамро юлдузлар,
Баланд учган турналар,
Хабар элтинг Моҳимга.
Овозингиз ухшайди,
Ёнган юрак оҳимга.

1992

БОЙЛИК

Дуконда ултириб, савдогар йигит,
Сен фақат уйлама йиққан пулингни,
Бойлигинг измидан айтай бир угит,
Эслатур аввал у она элингни.
Бул унга маърифий содиқ хизматда,
Азмига юрагинг булсин пайванд,
Тижорат эъозли бу мамлакатда,
Бул унга инсофли, элсевар фарзанд.
Пештахта ёнида қулинг тула пул,
Тижорат бўлибди касбинг, дилбар қиз,
Харидор қулига қараб мисли гул,
Даромад жамъини уйлама ёлғиз.
Дунёга гул бўлиб келгансан, барно,
Хизматинг юртингга келтирсин оро,
Балки сен онадир, балки сен танҳо,
Элинг иқболини уйла доимо.
Юрт тинчу бой эрса, аҳли булғай тўқ,
Ғанимлар хаёли босқину торож,
Шунинг-чун Ватандин ортиқ бойлик йўқ,
Унинг бойлигида қудрату ишонч.
Фарзандлар хизматда, ота иззатда,
Тижорат измида бутун хонадон,
Пул нима — келару кетар узлатга,

Бойлик у аввало эл меҳри, имон.
Тижорат аҳлини чорлар она эл,
Қули гул фарзандим бул, дер доимо,
Буюк хизматига енг шимариб кел,
Унинг бойлигида сен кутган дунё.

1994

ОҚ ЙУЛ

Мен Қашқа чулини кездим ёз чоқда,
Чуг пуркарди танга авжи саратон,
Туриб қолдим Аму қул чўзган ёқда,
Тикан билан сузлашарди пахта, дон.
Тикан дерди, жойим булган шу кенг чул,
Энди эса сурилибман уватга.
Жазирама берган эди менга йул,
Замон зайли — айланибман мен ётга,
Бугдой оппоқ пахта қулин тутдию
Чул ҳокими эдинг, дерди, тиконга,
Бизни Фарҳод, Ширин қизлар кутдию,
Мана энди айландик биз бўстонга.
Зар кокилин уйнаб, ғаллазорлардан
Куксим тоғдай улкан, дер дон хирмони.
Куёш гулин тутиб пахтазорлардан,
Келди Қашқа чулин бобо деҳқони.
Бу ер қадим эрди юпун, қоқ макон,
Чорва келиб, ўт изларди илк баҳор,
Саратонда замин қовжираб чунон,
Томчига зор ўтар эди неки бор.
Келди Аму, яхши кунлар келаркан,
Чул ўзгариб, пахта кутарди қадин,
Дунёда бахт — буюк ўзлик бўларкан,
Эл қулига олди ўз қадрю ҳаддин.
Бобо деҳқон қулин очиб дуога,
Келди буюк истиқлол, дер, дунёга,
Боғлар кезиб, сузлар тинглаб мен чулда,
Қутлуғ қадамларни кўрдим оқ йулда.

1993

САНГЗОР

Сен кумуш чүкқилар фарзанди, Сангзор,
Мирзачул куркининг пайванди, Сангзор.
Тоғларнинг қаноти, чашмасорисан,
Боғларнинг ясанган гулбаҳорисан,
Ҳаётбахш йулингни гулга буркайсан,
Арчалар нафасин чулга элтгайсаң.
Элингга сен Аму, Сирдек дарёсан,
У олис йўлларда яшил дунёсан.
Саҳройи тўйларда қушиқларинг бор,
Васфингни куйлаган ошиқларинг бор.
Баҳорий паллалар шошқин қадаминг,
Қирғоқлар кифтидан келур гул даминг,
Нурафшон даргоҳдир унгу сўлларинг,
Уфқлар ошади бахмал йўлларинг,
Бўстонлар чиройи қадим армонинг.
Она ер мардларин мадҳи достонинг.
Гулларга лаб қўйиб борурсан, Сангзор.
Дилларга меҳр уйиб борурсан, Сангзор.
Элингга сен Аму, Сирдек дарёсан,
У олис йўлларда яшил дунёсан.

1993

СИР БҮЙИДА ГУЛХАН ҒНАДИ

Сир буйида гулхан ғнади,
Бошин эгган оловга она,
Шаҳид уғлин ёдга олади,
Жудоликдан юраги ғна.
Елкасига ташланган румол,
Қадди букик соғинч, хаёлдан,
Қурар уғлин руҳини алҳол,
Мангу ёнган дардли оловдан.
Дилларида соғинч хаёли,
Қупдир ёрин қуролмаганлар,
Унашилиб, никоҳ маҳали
Чимилдиққа қиролмаганлар.
Кута-кута утиб қуп йиллар,
Ғариб дилда ёр ёди қолган.
Тумор булиб сунгги хат, хабар,
Уйда севги фарёди қолган.

Кекса она чиқар уйдан,
Йулин кутар фарзандин ҳамон,
Келин бўлмиш турар ёнида,
Энди қариб чуққан, ногирон.
Йиллар умр ҳисобин тўплар,
Одат эрур мардларни кутиш,
Лекин жангдан қайтмади кўплар,
Мумкин эмас дардни унутиш.
Ҳар шаҳидда ватан азми бор,
Уни бизга қолдириб кетган,
Унутманг, деб бул она диёр,
Уларни эл виждони этган.
Сир буйида гулхан ёнади,
Бошин этган оловга она,
Шаҳид углин ёдга олади,
Жудоликдан юраги ёна.

1969

ҲАЁТ ИСТАР

Она замин меҳри билан яшайди инсон,
Хоки покин ҳар зарраси азиз, жонажон,
Пешона тер бунёд этар донадан хирмон,
Бир кўчатдан унар неча боғу бўстонлар.

Инсон азми нур бағишлар ҳаёт йулига,
Маъмурчилик мул дунёси эҳсон элига,
Гул ундириб, оро берар дашту чулига,
Яшнар элин янги кўрки, гўзал жаҳонлар.

Инсон этгай заҳмат чекиб ерин боғистон,
Сахий замин неъматларин уяр фаровон,
Ҳалол меҳнат қадрин улуғ асрайди ҳар он,
Эл бойлигин пайдо айлар марди майдонлар.

1997

БИРГА ЯШАР ДУНЁДА

Шеър у наво бирга яшар дунёда.
Қудрат олур ундан башар зиёда,
Қуёш каби нури мангу ёйилар,
Мафтун айлаб, унга диллар бойланар,
Шоҳу гадо — ҳаммада ҳам у янграр,

Сехри билан меҳригиё англанар,
Бирин дили сарҳад билмас навобахш,
Бири эса шеъру навода яккаш,
Дийдаларга нури етса, у эъзоз,
Дили дейди шеърга мени қушиб ёз.

1997

ТЕШИЛГАН УҚ

Брест қалъасининг марди булган кўп,
Шуларнинг бириси Каттақўрғондан,
Ёприлиб ёв унга, ўт очганда тўп,
Жасорат қолганди ўша посбондан.
Кумилган у марддан чиққан рўзнома,
Юртдан — «Каттақўрғон Ҳақиқати» у,
Тешилган бир уқ ҳам топилган унда,
Қолган марднинг бўлиб жасорати у.
Мард турган метиндай жангда, қалъада,
Ҳар куни урлаган оташ гулхани,
Ватан эрки қанот бўлиб ҳаммада,
Ёр тишлаган қанча-қанча душмани,
Посбон сунгги уқин нишонга олган,
Бирдан замин портлар душман утидан,
Шаҳид бўлиб, уқ мард қўлида қолган,
Ёвга даҳшат солган азму жаҳдидан.
Уруш тугаб, йиллар утиб, зовурдан
Музейга рўзнома ҳам уқ олинган,
Жасорат азми деб у баҳодирдан,
Ёдгор бўлиб, улар қалъада қолган.
Рўзнома ва уқдан хаёлга толдим,
Буюк матонатни эслатди менга,
У сўнмас мардлик деб қўлимга олдим,
Фидойилик шундай бўлар Ватанга.

1995

ЭЛЛИК ЙИЛ

Эллик йил...

Менга у эллик миллион,
Бонг урар жанггоҳлар, шаҳид қўрбонлар,
Мардларни кўксида асраб жанг майдон,
Шарпага айланиб йиқилган жонлар.

Шарпалар букун ҳам кезар жаҳонда,
Қайси бир қитъадан бошлайин уни,
Тонгги нур оҳ чекар тукилган қонда,
Дилларни ёндирар жанглар қуюни.
Она ер, бағрингда қонли чоҳлар бор,
У замин яраси, кутарар фарёд,
Хокингда усган ўт шивирлар ҳар бор,
Кимларга қолди дер дунёда ҳаёт.
Яна жанг...

биродар биродарга ёв,
Етимлар кўпайиб, хоналар вайрон,
Низолар йўлида ўрлайди олов,
Учқундан хатарда толиққан жаҳон.
Заминнинг қудрати мангу тинчликда,
Ризқу рўз яратган она у бизга,
Ўтганлар: гулханлар ёнмасин дерлар,
Ёнгани етар дер хотирамизга.

*9. V. 1995 йил,
Тошкент.*

ЖАНГГОҲЛАРДА ЯНГРАГАН ҚУШИҚЛАР

(Гавҳар Раҳимовага)

Гавҳар опа, жанггоҳларда юрдингиз,
Жангчиларнинг ёнларида турдингиз,
Уларнинг жанг мардликларин кўрдингиз,
Унут бўлмас жанг куйлари ҳеч қачон.

Қушигингиз жангда бўлди мададкор,
Рақсларингиз эди завқли мафтункор,
Кўрдик сизни ақошларда неча бор,
Мардлар сизни унутмайди ҳеч қачон.

Зеболарнинг раҳбарисиз, опажон,
Санъатимиз гавҳарисиз, опажон.
Қизларингиз бўлсин омон, опажон,
Посбонларга сизлар доим қадрдон.

ЗЕБОЛАР ХИРОМ АЙЛАР, КУЙЛАР

(Қушиқ)

Биз фронтчи зебо санъатчилармиз,
Жанггоҳларда биз ҳам қурол тутганмиз.
Қушиқ билан ёвни бошлаб урганмиз,
Посбонларга биз мадакдор доимо.

Бизни эслар жангни кўрган фахрийлар,
Утдик турт йил олис оловли йуллар,
Ёддан чиқмас фронт, қушиқ, уйинлар,
Зафар қучган она диёр доимо.

Бизлар жангчи, санъат шайдоси ҳар дам,
Посбонлардай қадам ташлаймиз бардам,
Қушиқ, рақсу куйлар мардларга ҳамдам,
Санъатимиз элга ҳамкор доимо,
Посбонларга биз мадакдор доимо.

1995

КУЛГУ ДАРҒАСИ

Адҳам Ҳамдамга

Сиз доим йўлдасиз, тутмайсиз дафтар,
Айтган ҳар сўзингиз — ганжина асар,
Фарғоний гурунгда пири Ҳамдамсиз,
Диёрда камтарин соҳибқаламсиз.
Сизни биларди Айний, Амин ва Усмон,
Ашъору ҳажвда қалбингиз уммон.
Фронтда ёнма-ён жанг қилдик,
Душманни савалаб, ҳолин танг қилдик.
Уттиз йил бўлибди ижодингизга,
Эл хизмати қанот ҳаётингизга.
Умрингиз гулшанин боғида ҳар дам,
Боғбондир маҳрибон Озодахон ҳам.
Эл сизни севиб дер: кулгу дарғаси,
Сизда бор шўх кулгу, сўзнинг ҳаммаси.
Дўстлар, умр ўтар, қалам қолади,
Яхшидан мунаввар олам қолади,
Олам у дўстларнинг нурли дийдори,
У Адҳам Ҳамдамнинг мангу баҳори.

1965 йил, май,
Фарғона.

ҚОНИМДА АЛАНГА

Елғиз қолганимда элтади хаёл,
Кексалик тортади қалбимдан мадор,
Айтарсиз: «Жангни кўп ёзар?» деб савол,
Не қилай, қонимда алангаси бор.
Эллик йил тинч бизлар, худога шукур,
Фарзандлар бизлардай қурол тутмади,
Беозор қалбларда яшнаиди шуур,
Уларни ёв сочган оташ кутмади.
Шукрона дамларда гоҳи дафъатан
Қуролдош дустларни уйлаб кетаман,
Дунёда ҳамдустлик булар деб қачон,
Нега бор ётлик деб сўйлаб кетаман.
Куринар дустлар-ла утган йулларим,
Кимлар-чун жанг қилдим дейман узимга,
Зирқирар эсласам чандиқ қулларим,
Жанггоҳлар оташин сочар кўзимга.
Изларим Россия ерларин кучган,
Куксимнинг тафти бор хандақ ерларда,
Қузғунлар чанг солиб тепамда учган,
Мени кўп кўмишган жанггоҳ қирларда.
Белорус урмони булган бошпана,
Елкамни қўйганман дарахтларига.
Дам олиб юрганман олдинга яна,
Деганман: етсин эл эрк, бахтларига.
Мен ўпдим Польшанинг азиз ерини,
Жонни аямадим у-чун жанггоҳда,
Сездим юрагимда унинг меҳрини,
Ўз она элимдай тутдим нигоҳда.
Мен кўрдим фашизм мағлубиятин,
У юртда оддий халқ қолганди сарсон.
Гитлерга ёғдириб қаҳру лаънатин,
Ўт ёниб уйлари булганди вайрон.
Шундай эди ёшлик чоғимда замон,
Халқлар бир-бирига булган эди ёв,
Золимлар булай деб ёлғиз ҳукмрон,
Элларин ташлади жангга беаёв.
Чархпалак дегани шуми, эй эгам,
Қисматда бор яна қандай дарду ғам,
Билиб юр дейман, эй табаррук одам,
Ўт ёнар ножўя қўйсанг гар қадам.

1995

ЕР ХОТИРАСИ

Япроқлар тукилмоқда,
Дил чоки сүкилмоқда,
Дуолар уқилмоқда,
Эслатур сени, ёрим,
Уртанур дили зорим.

Эшитгум азонларни,
Тукилган хазонларни,
Совуриб армонларни,
Япроқлар тукилмоқда,
Дил чоки сүкилмоқда.

Гузаллар утар сендай,
Ёд олиб дилим ёнгай,
Хаёлим куйган кундай,
Япроқлар тукилмоқда,
Дил чоки сүкилмоқда.

Соғиндим сени, дилдор,
Фарзандлар эслаб ҳар бор,
Хотиранг бўлиб ёдгор,
Япроқлар тукилмоқда,
Дил чоки сүкилмоқда.

1997

КУПРИК

Катта ариқ устида куприк,
Қишлоқ йули гавжум туну кун,
Лим-лим суви мавжли, югирик,
Ҳаётбахш у юрт аҳли учун.
Куёш нурын қучиб куйлайди,
Олмосланиб утар тўлқини,
Қиз, жувонлар соҳил буйлайди,
Зилол сувга келар ҳар куни.
Уруш йили отам билан мен
Келган эдим унга суҳбидам,
Не учундир хомушди замин,
Хомуш эди кекса отам ҳам.

Хаёл чўккан дилу нигоҳга,
Синов кутар йигитлик чоғим,
Зафар истаб, олис жангтоҳга
Йуллаганиди она қишлоғим.
Хайрлашиб кўприкда отам,
Деди: уғлим, жангдан қайт омон,
Кузин артиб, кучди сўнг маҳкам,
Гуё сўнг бор кургандай шу он.
Билган экан, урушдан қайтсам,
Утган экан отам дунёдан,
Овоз келур кўприкдан ҳар дам,
Чиқарма дер отангни ёддан.
Қишлоғимга келсам, кўприкда
Бироз тўхтаб, хаёл сураман,
Гуё отам эски этикда
Пайдо бўлганини кўраман.

1994

ОНАЛАРГА ЙЎЛ БЕРИНГ, ДУСТЛАР

Оналарга йўл беринг, дўстлар,
Фарзандларин излар жаҳондан,
Излар шаҳид қиз, ўғилларин,
Қайтмаганлар улар майдондан.

Оналарнинг соғинч йуллари,
Излар фарзанд — бахт нажотларин,
Улар сақлаб жангда элларин,
Айтмаганлар ҳалокатларин.

Ёнар олов — сунмас ёдгорлик,
Фидо бўлган мардлар руҳи у,
Оналарнинг умри бедорлик,
Ҳайкалларга айланган мангу.

Оналарга йўл беринг, дўстлар,
Фарзандларин излар жаҳондан,
Излар шаҳид қиз, ўғилларин,
Қайтмаганлар улар майдондан.

1996

ОНА КУРРА УЧУН ЖАВОБГАР ИНСОН

Нишонларни тақиб юрманг, дейдилар,
Улар ахир эркин сузлайди бизга,
Кукрагимиз устида у — шаҳидлар —
Руҳи поки эрур хотирамизга.
О, қайларга элтмас жангчи оёғи,
Керак булса айланади оламини,
Сузлар дили, ҳам қулдоғи — маёғи,
Дусту азиз билсин одам одамини.
Бонг уради нишонларнинг ҳар бири,
Киев, Вена, Минск, Варшава, Болқондан,
Огоҳ айлаб она замин тақдири —
Асранг, дейди, — кенг жаҳонни бурондан.
Нишонлар у хавфга қарши бурч, имон,
Она курра учун жавобгар инсон!
Нишонларни биз тақмаймиз бекорга,
У жасорат, у садоқат диёрга,
Биздан қолур авлодларга ёдгорга.

1997

ДУСТЛАР БИЛАН

Файзли эрур, эй азизлар,
даври даврон дустлар билан.
Киши топгай кўрку камол
чин қадрдон дустлар билан.
Элни элга, дустни дустга
Элтар ихлос, меҳр, оқибат,
Асли яшнаб, обод булур
бу кенг жаҳон дустлар билан.
Киши юрса йули кўпдир,
дилда булса пок нияти,
Чул булса ҳам борган ери,
булур бустон дустлар билан.
Лекин бордир шундайлар ҳам,
Баҳорингда булбул эрур,
Бурон келса четлаб, турмас
У ёнма-ён дустлар билан.
Бу дунёда ҳар инсоннинг
Бор насиба, ризқи-рузи,
Яхшиларнинг хуш суҳбати
дилга дармон дустлар билан.

Айри булмас ҳеч бир киши
суйган ёру диёридан,
Яшар инсон бу дунёда
меҳру иймон, дўстлар билан.
Куйлар Назар дўстлик қадрин,
ундан олий не бор сенга,
Масрур эрур утган йулинг
чин қадрдон дўстлар билан.

1990

ОНАЖОН

Бошингни нега хам этдинг, онажон,
Айт, кимдан дилга ғам элтдинг, онажон,
Сен меҳру мунаввар тонг нури менга,
Кузингни нега нам этдинг, онажон.
Аллангдан олганман оламга қанот,
Меҳрингдан камолу йулингдан ҳаёт.
Сузларим унутма, бахтим деб, болам,
Йулимда намоён буларсан, онам.
Йуқлармен, онажон, сени тонглари,
Куйларим — соғинчим, дил оҳанглари,
Бу олам гуллари асл фарзандлар,
Онасиз йуқ дунё, йуқ Ватанлари.
Онажон, бор дунём сен учун асли,
Сочингга тушган оқ мен учун асли.
Эл куйин ургатган наволарим сен,
Дунёни кўрсатган дунёларим сен,
Бошингни нега хам этдинг, онажон,
Айт, кимдан дилга ғам элтдинг, онажон.

1991

БАХТ ЕРИМИЗ

Бизларни улғайтиб оналаримиз,
Бахт тилаб йуллайди улкан ҳаётга,
Чеккан ҳар фарзандлик заҳматларимиз
Келтирар муътабар онани ёдга.
Тер тўкиб заминда топармиз камол,
Тақдир, умримизни элга боғлаймиз,
Музаффар йул олур нурли истиқбол,
Биз унинг азмига ўзни чоғлаймиз.

Одамзод бахт топар бўлса бунёдкор,
Унгуси ризқ-рузи она еридан,
Юракдан нур олар орзу, иқтидор,
У қудрат топади ҳаёт меҳридан.
Фарзандни сақлайди кафтида диёр,
Ҳар фарзанд бўлай дер унга дастёр.
Унутмас Ватаннинг утмиш андуҳин,
Эрки-чун фидойи булганлар руҳий.
Ватаним, эркимиз, тақдиримизсан,
Сен бизнинг жаннати бахт еримизсан.

1994

УТТИЗ УЧТА ХОТИРА КИТОБИ

Уттиз учта китоб, мангу хотира,
Фидойи фарзандлар ёдгори, яра,
Ҳар сатри шаҳидлар руҳи поки у,
Ватанига қумилмаган хоки у.

Варақларга ёзган мардларин диёр,
Уларда фарзандлар аҳду азми бор,
Алп излари утар нигоҳлардан, оҳ,
Эрк сузлари келур жанггоҳлардан оҳ.

Унут бўлмас бурчга вафо этганлар,
Ватан дея жонин фидо этганлар,
Уттиз учта китоб, мангу хотира,
Фидойи фарзандлар ёдгори, яра.

1995

ПОСБОНЛАРИМИЗ

Ватаним, биз сенинг уғлонларингмиз,
Сендан гул ундирган боғбонларингмиз,
Бошингда порлаган алвонларингмиз,
Темурбек авлоди — виждонларингмиз,
Биз сенинг фидойи посбонларингмиз.

Оламга туташдир дўстлик қўлларинг,
Адабий истиқлол, нурли йўлларинг,
Ҳамкорлик қадрида қўтлуғ элларинг
Багрингда гуркирар чаман гулларинг,
У гуллар боғбони посбонларингмиз.

Биродар Туркистон озод эллари,
Асли бир онанинг баҳодирлари,
Буюқдир садоқат, иқтидорлари,
Эрк, иқбол жаҳони азму қорлари,
Эл марди майдони посбонларингмиз.

1996

ҚУТЛУҒ ЖАҲОНИМ

Она Ватан, нафасингни сезарман жондан,
Фарзандим деб авайлайсан хавфу бурондан,
Мен эсам-чи, сен деб ошгум тоғу давондан,
Ҳаёт меҳри, нажот сеҳри қўтлуғ жаҳоним.

Она юртим, устан жойим — азиз даргоҳим,
Сендан келур илоҳий нур, тортар нигоҳим,
Сени мангу қуёш дейман, мунаввар роҳим,
Оллоҳ паноҳ, сенга бурчу азму имоним.

Ватан, сен-ла пайдо бўлган элимда ҳумо,
Машаққатли йўлларимни ёритгай зиё,
Қадриятинг, истиқлолинг у буюқ дунё,
Жаҳонимсан, имонимсан, ҳаётбахш жоним,
Она юртим, сен жаҳонда қўтлуғ жаҳоним.

1994

СЕНИНГ БОЙЛИГИНГ

Мен олтинман,
Бойлигингман,
Эй деҳқон,
Ҳуснимни кўр,
Куксинг каби,
Беғуборман,
Нафисман.
Эл зийнати,
Мен гулман,
Бахш этилган
Менга ҳурмат,
Эътибор,
Ишонмасанг,
Ҳуснимга боқ
ошпоқ дур,
Ишонмасанг,
Қалбимга боқ,
Иссиқ нур.
Жом бўламан,
Лим-лим олтин
Қулингда,
Бахтингман деб
Очиламан
Йулингда.
Барно қизлар
Мени кийса
Арзийди,
Ҳар толамни
Кокил қилса
Арзийди.
Сарҳаддаги
Йигитлардай
Посбонман,
Тинчлик йулда
Ҳилпираган
Алвонман.
Мен мустақил
Эл бағрида
Яшнаймаман,
Уни янги
зафарларга
бошлайман.

Мен олтинман,
Эл зийнати,
Мен нурман,
Узгаларга
буй эгмаган
Она замин
Мангу кўрки,
Умрман.
Мағзим мою
Ризқи-рўзли
несъматдан,
яралганман
Қуеш гули —
қудратдан.

1956

ДОРИЛФУНУНИМ

Инсоннинг мунаввар умри билимда,
У эрур ҳаётда ганжинавий кон,
Олий билимгоҳим, булдинг йўлимда
Буюк Самарқандда маърифий жаҳон.
Нурли зиналардан сен олиб ўтдинг,
Умрим варагида ёзиғлиқ беш йил,
Устозлар таълимин раҳнамо этдинг,
Буюк дунём эрур сен берган таҳсил.
Жаҳоний меҳрингдан кучиб ёрқин нур,
Ватанга дастийёр булдим бир умр,
Бугун сенинг улуғ етмиш баҳоринг,
Табриклар дўстларинг, она диёринг.
Устозлар, шогирдлар тантанангда бор,
Кекса шогирдлар ҳам келдик бахтийёр.
Бизлар кўп буронли йўллардан ўтдик,
Ҳаммавақт дилларга меҳрингни тутдик.
Йўлларни ёритди таълиминг нури,
Билим, ҳунар экан инсоннинг йўли,
Олтмишдан ошибди ўқиган йилим,
Ҳамон мен талабанг, дорилфунуним.
Ҳаётим ёлқини дониш фикрлар,
Бари сендан эрур, минг бор шукурлар.
Туйингни табриклаб, дейман кўп раҳмат,
Унутмас устозин ҳеч вақт Назармат.

1997

ТУРОН ГУЛИ

Турон гули, кунгил олдинг, куйлай жамолинг,
Бу оламда ухшаши йуқ қадди камолинг,
Ошиқ дилни ёндиради ҳажри висолинг,
Дийдорингга етолмайин бўлдим девона.

Девонанинг бахти — висол, севинч чоқларим,
Изинг тушган тош сўқмоқлар, чаман боғларим,
Сен келмасанг гуллар суник, юрак доғларим,
Умрим бўйи сенга дилим эрур парвона.

Парвонанинг умри утар ўтга туш уриб,
Чин ошиқлар тўлғонади ёрин туш кўриб,
Парвонамен, девонамен, юрак жўш уриб,
Қайда, дейман, сен жонгинам, этма сарсона.

Висол боғин излар мудом дил ёна-ёна,
Куйлаб сени ишқ йулида бўлдим девона.

1994

БУЮК ИПАК ЙУЛИ

Тижорат мардумин манзили шу ер,
Асрлар нафаси тарихин йуқлар,
Карвонлар етаклаб йулга чиққан эр,
Нигоҳин чуллаган олис уфқлар,
Ошган у саҳролар, олис довонлар,
Буюк ипак йули битган тақдирин,
Эллардан элларга утган сарбонлар,
Қалбида асраган уз она ерин.
Оқибат нур булган хатарли йулда,
Уй нонин асраган қуйинларида,
Жаранглаб кўнғироқ, арқонлар қулда,
Қоврилган заминнинг қуюнларинда.
Ўтган қадим Марву, Кеш, Бухородан,
Самарқанд сайқалин тутган Зарафшон,
Чайқалиб Сирдарё, Хужанд ёнида,
Чорлаган бағрига Қашқар, Андижон.
Шарқнинг жамолини порлатиб Тошкент,
Булган Олмаота йуллари равон,
Бир ёнда Утрору бир ёнида Узган,
Ҳар фасл ғарб, шарқдин кутган у карвон.

Манзили тирозу, сайқали жаҳон,
Ушандан илк тарих ёзуви қолган,
Тижорат таърифи дилларда дoston,
Қадимий ҳамкорлик боқий йўл армон,
Япон марди кезар бугун Сурхонда,
Истанбул, Рус аҳли Хивада меҳмон.
Бишкек, Олмаота, Тошкент мезбонда...
Келур йўллар ошиб, ҳар куни меҳмон.
Холис ният, бағри кенг эл Туркистон,
Ёзиб аҳли тижоратга дастурхон,
Булсин дейди маъмур ва тинч бу жаҳон.

1993

ТИНГЛАНГ ЎЗБЕКИСТОНДАН

Ўзбекистон овозини тингланг Ўзбекистондан,
Сиру Аму кенг бағрида яралган гул жаҳондан.

Шу она юрт қадрин билур кўҳна башар тарихи,
Ипак йўлин бошлаган илк ул дунёвий карвондан.

Она замин меҳрин гули азиз, ботир фарзандлар,
Хоку покин, ризқу рўзин кўрган азми виждондан.

Ўзбекистон Ватанидан асло умид узмасдан,
Нидо қолган фидо бўлган Қодирю Чулпондан.

Буюк элнинг мангу эрур истиқлоли, ўзлиги,
Етти иқлим қўл узатар унга ҳар тўрт томондан.

Ўзбекистон фарзандимиз, посбонимиз, кўз нури,
Эрку бахтин асрагаймиз фидо бўлиб жон-жондан.

Олға шаҳдам қадамлайлик она Ўзбекистондан,
Сиру Аму кенг бағрида яралган гул жаҳондан.

1995

АЗИЗ ОНАМИЗ

Дустим, она Ватан пушти паноҳинг,
Мустақиллик диёрида эрк роҳинг,
Қадамла мардона сен унда букун,
Эл бурчи муқаддас фарз бизлар учун,
Келганда Наврузи олам баҳорда,
Илиқ шабадалар эсар диёрда.
Фарахбахш нафасин сезиб юрибмиз,
Табаррук ерларин кезиб юрибмиз.
Биз унга олисдан юриб келганмиз,
Қанча курашлардан утиб келганмиз,
Биз Ватан бахти-чун ёндик жангтоҳда,
Фарзандмиз, у бизга эрку садоқат,
У азиз онамиз, мангу муҳаббат,
Ҳамма вақт тутдик биз уни нигоҳда.

1993

НИГОҲИ ЖОДУЙИНГ

Дилбарим, нигоҳи жодуйинг оташ,
Ғарибга чехрайи ёғдуйинг жонбахш,
У гулгун висолинг орзуйим, маҳваш,
Бу дунё гуллари ичрасан якто,
Айт, жоним кимга сан айларсан вафо?

Мулоқот йулларин бўларми сунги,
Гузалдир ошиқлар висол гурунги,
Менинг ҳам келарми орзуйим унги,
Сен, гулим, чаманлар ичрасан якто,
Айт, жоним, кимга сан айларсан вафо?

Курай деб Фарғона водийда юрдим,
Самарқанд боғларин айланиб курдим,
Қасрда бўлмайин дарагинг сурдим,
Тополмай бўлдим, ёр, сарсонинг якто,
Айт, жоним, кимга сан айларсан вафо?

Назармат дил куйи дер сени якто,
Айт, жоним, оҳ, қачон айларсан вафо?

1994

ОЛҒА БОС

Олға бос, олға бос, эй марди майдон,
Хур, озод Ватанга биз содиқ посбон,

Гулласин, яшнасин Ватан ерлари,
Бизни дер элсевар Ватан шерлари.

Қадамла, қадамла, замин титрасин,
Азмингни кўрганда ғаним титрасин.

Олға бос, олға бос, эй марди майдон,
Хур, озод Ватанга биз содиқ посбон.

1993

БУРЧ ЙЎЛИ

Бизни чорлар жанговар машқлар,
Тезкор кечув, дарё, қирғоқлар.

Бизни чорлар туқай, урмонлар,
Тоғли, тошли баланд суқмоқлар.

Биз борамиз ҳамжиҳат, шахдам,
Биз қуролдош ботир уртоқлар.

Ватан меҳри бизларга қанот,
Қўлимизда шонли байроқлар.

Биз борамиз содиқ, мард, бардам,
Фарзандларин Ватан ардоқлар.

Кутар бизни жанговар машқлар,
У бурч йули, мардлик, синоқлар.

1996

БИЗ ТАНКЧИМИЗ

Биз танкчимиз қудратвор,
Танклар борар шиддаткор.

Танклар доим олдинда,
Утар сувлардан тезкор.

Дашту саҳро, чулларда
У қанотли устивор.

Биз танкчимиз, шахдаммиз,
Бурчга содиқ, жанговар.
Зирҳли, метин баҳодир
Қалқоним дер ҳур диёр.

Биз танкчимиз қудратвор,
Танклар борар шиддаткор.

1996

АСКАРЛАР БАЙРОҒИ

Аскарлар байроғи, Ватан байроғи,
У марди майдонлар, шараф, ардоғи,
Ёприлса бўронлар, дуч келса хатар,
У бизга мадаккор, йулчи музаффар.

Қасамёд этамиз, ҳур Ўзбекистон,
Биз сенинг посбонинг, фидо бўлсин жон.

У метин сарҳадда, сарбаланд посбон,
Табаррук бурч сўзи — тинч бўлсин жаҳон,
Имондек муқаддас у қасам, виждон,
Темур ҳам у билан қучган шараф-шон.

Қасамёд этамиз, ҳур Ўзбекистон,
Биз сенинг посбонинг, фидо бўлсин жон.

Байроқда эл сўзи порлар нурафшон,
Нақшида ёзиқлик ҳур Ўзбекистон,
Биз уни бош узра тутамиз баланд,
Жонажон Ватанга биз содиқ фарзанд.

Қасамёд этамиз, ҳур Ўзбекистон,
Биз сенинг посбонинг, фидо бўлсин жон.

Она эл, байрогинг мағрур ҳилпирап.
Истиқлол диёрин мардлар қуриқлар.

1996

ТОНГ

Тонг зарбоф тунини кийди машриқдан,
Зангори тус билан кўринди само,
Ранг-баранг чечакли боғлар қўйнидан
Ёқимли хуш ҳидлар келтирди сабо.

Тонг гузал, чечаклар ёяр баргини,
Тонг гузал, ҳаётнинг очар баҳрини,
Тонг гузал, уйқуни тарк айлар кўзим,
Бу тонгда ишқ билан уйғонар ҳар ким.

Тонг билан борлиқда қайнайди ҳаёт,
Тонг билан жўр қушлар уйнайди озод,
Тонг билан уйғониб мен ҳам шод, бардам,
Дарсхонам қўйнига қўяман қадам.

1936,
Самарқанд.

ЭРК КҮЙЧИСИ

Янги эркин ҳаётда
Унутмангиз мени сиз,
Яхши, ширин суз билан,
Ҳардам эслаб қўйинг сиз.

Т. Шевченко

Қафасдаги булбулдай,
Сен қуликда қўйладинг,
Тинмай оғир ҳаётни,
Қўйлаб элга сўйладинг.
Сен истардинг элингни
Кишанлардан қутқармоқ,

Сен истардинг халқингни
Бахтли булсин деб ҳар чоқ.
Лекин кишан, занжирлар
Уралганди уларга,
Сен ҳам дучор булгандинг
Куллик, қора кунларга.
Кездинг Аму буйларин,
Қозоғистон чулларин,
Тутқунликда утказдинг
Фамли ҳаёт йулларин.
Сургунликда учратдинг
Фақир, сулгин юзларни,
Золим ёвлар қулида
Қон-ёш туккан кузларни.
Бирон марта булса-да,
Эрк қулида сузмадинг,
Чаманзорда сайр этиб,
Завқ-ла гуллар узмадинг.
Сен йул босган чулларда
Энди майса кўкарган,
Сен ёш туккан ерларда
Ҳаёт қомат кутарган,
Эрк созинг ҳеч сунмайди,
Куйлар уни кенг жаҳон,
Сени эллар ёд олиб,
Унутмайди ҳеч қачон.

1937

ХИЁБОН ОҚШОМИ

Хиебонда зангори оқшом,
Уйноқи дилларнинг гурунги қайнар,
Сочларни тортқилаб салқин шўх шамол,
Боғлардан хушхабар анқитиб уйнар.
Кун ботиб, тоғларга беркинган шафақ,
Товланиб, хилма-хил кўринар гуллар,
Кенг осмон бахмалдай ғуборсиз, тоза,
Фараҳбахш эрур бу мусаффо тунлар.
Куриниб қолади кузларга шу чоқ
Хушчақчақ йигитлар, шўх барно қизлар.
Ой булса суқланиб нур сочар кўкдан,
Дам олур айланиб қирмизи юзлар.

Мен билан ёнма-ён ултирар дилдор,
У гузал элимнинг билимдон қизи,
Сурайди даҳолар, файласуфлардан,
Ўзидай дилрабо, шириндир сузи.
Оромбахш сўзларга жавоб бераман,
Сўнг мен ҳам қарайман уйдириб савол,
У жавоб беради, шунда гулбоғнинг
Гаштини, сайрини сураамиз хушҳол.
Ёшлик гулбоғининг дилкаш қўйнида,
Ранг-баранг гулларнинг аслин кўраамиз,
Шу чаман қўйнида ўқиб, дам олиб,
Гул ёшлик гаштини қувнаб сураамиз.

1938

ВОДИЙ МАНЗАРАСИ

Кўз олдимда гузал бир водий,
Чаманларнинг кулган диери,
Яшилликлар гуркираб бунда,
Дилни тортар асл дийдори.

Ўзоқлардан кўзга ташланур
Қорли тоғнинг тик чўққилари,
Қояларда ётар оқ булут,
Гўё тоғнинг оқ дўппилари..

Водий бўйлаб уфққа қадар,
Сепин ёзган сабза, пахтазор.
Чўлни гулшан этган мардларнинг
Бунда қутлуг азму аҳли бор.

Ўнгирлардан келар қулоққа
Уйнаб оққан сувинг овози,
Ишқни кўйлаб тонгда булбуллар,
Гул боғларда тинмас парвози.

Сочни ўйнаб, дилни қитиқлар,
Гуллар қучган қир шаббодаси,
Япроқларда юлдуздек ёнар
Тунда инган шудринг донаси.

Бунда осмон мовий, беғубор,
Бунда замин кўркам, чаманзор,
Бунда мардлик доим қудратвор,
Аримайди водийдан баҳор.

1940

ТУНУ КУН

Аскар укам Холматга

Шифобахш улкамнинг гузал қуйнида
Ёшлигинг баҳордай гул очиб кулган.
Навқирон ҳаётинг зафарлар қучиб,
Йўлларинг беҳатар, нурларга тулган.
Фарзандлик меҳрига чўмиб ёш қалбинг,
Чаманзор элимнинг ишқи-ла тепар.
Юлдуздай порлаган уткир кузингда
Бахтиёр давримнинг завқи акс этар.
Бир олам қудрат бор билакларингда,
Қудратинг олдида буй эгар тоғлар.
Куч урсанг янчилар ҳар тусиқ, говлар,
Саҳролар ўрнида гуркирар боғлар.
Сарҳадда қуриқчи, Ватан ўглисан,
Хизматни утайсан сергак туну кун.
Элимдан узоқда, сарҳаддан нари
Ялмоғиз бўрилар тишин қайрайди.
«Ризқ» истаб, нафсини қондирмоқ учун
Пайт пойлаб биз томон зимдан қарайди.
Истайди бўрилар бир куни ҳатлаб
Яшнаган бу элда қон-ла кезишни.
Боғларни емириб, гулларни топтаб,
Дуч келган нарсани янчиб, эзишни.
У ёвуз ёвларнинг пуч хаёлларин
Қуролинг даҳшат-ла парчалар ҳар дам.
Сен Ватан меҳрини муқаддас тутиб,
Жанговар постингда турарсан бардам.
Бу жаннат боғларда кезолмас қузғун,
На довул, на бўрон қор этмас унга.
Асрлар орзусин ушатган инсон
Йўлатмас душманни бу ёруғ кунга.
Қудратли армия сафида, иним,
Бахтлилар юрти-чун жангчи бўласан.
Ҳар тусиқ, говларни маҳв этмоқ учун
Арслондай енгилмас кучга туласан.
Сен шонли таълимни олиб, Ватанга
Қалбингда ичгансан жанговар қасам.
Бу онтни оқларсан шарафлар билан,
Қалбингда сақлайсан доим мужассам.

Кутади ҳар доим сендан жасорат
Поёнсиз гуллаган бу азиз улкам.
Сен шонли хизматни аъло бажариб,
Соғ қайтгин, севиниб қучоқлай, укам.

1940

БИЛИМ

1941 йил 30 июнда ЎзДУни битирувчиларнинг
тантанали йиғилишида ўқилган.

«Хунарни асрабон нетгумдир охир,
Олиб тупроққами кетгумдир охир»,
Мен уни дил нури этгумдир охир,
Шу йулда муродга етгумдир охир.
Билимнинг гул нақши элда билинур,
Эл билса, нур бўлиб дилда билинур.
Ўқимоқ азалий ҳаётий армон,
Ундан орзу гули яшнар бегумон.
Борлиқнинг сўнги йўқ, бепоён эрур,
Эскилик ўрнига янгилик келур,
Дунёда зиддият бўрондай елур,
Ҳаётни кузатган бу фарқни билур.
Мен ешлик чоғимдан фанни уйладим,
Меҳригиё эл — онамни уйладим,
Нурли истиқболни элга суйладим,
Илҳомбахш баҳорни дилдан куйладим.
Қалбимга куч берди она-Ватаним,
Билимим бўлди нур, боғу чаманим.
Фан билан улғайдим, кузим очилди,
Бошимга қуёшдай нурлар сочилди.
Кузимга равшандир дунёнинг бари,
Сабоқ берди менга ҳаёт дафтари.
Донолар меҳридан қалбим порлади,
Нурли чўққиларга мени чорлади.
Бирга ўқиб усган биродарларим,
Жангга чорламоқда бугун Ватаним,
Тайёрмиз биз унинг хизмат бурчига,
Тайёрмиз юборса қайси бурчига.
Майли, эл топширсин ҳар қандай хизмат,
Бажариб қайтамиз, дилда садоқат.

1941,
Самарқанд.

ҚИЗДАН УТИНДИМ

Румолча силкитиб қолди нигорим,
Тез қайтинг деган сўз булди ҳамдамим.
Мехрий дилни ўртаб, олди қарорим,
Висоли туюлди юрак малҳамим.
Она эл даъвати банд этди дилни,
Мен замон ташвишин улуг тушундим,
Фронтга бошладим жанговар йулни,
Ишқ жангдан утар деб қиздан утиндим.

1941

ҲАМШАҲАРНИ КҮРДИМ

Миценск йулида, қишлоқ ёнида,
Курдим уйдим-чукур жанг майдонида,
Ҳамшаҳар жангчини, қайтарди «ов»дан,
Ўтиб келган эди сим тусиқ, говдан.
Темир қалпоғини қулига олиб,
Сулақмон «улжа»син олдига солиб,
Шаҳдам борар эди штабга томон,
Менга кузи тушиб, йуталиб шу он,
Ёвини туртдию, келди яқинроқ,
Дилни савол чулғар, уйладим шу чоқ,
Узи-ку ушоқ, ҳам эмасди чаққон.
— Бир ўзинг чиқдингми «ов»га, эй полвон,
Қандай тутдинг буни? — Сурадим ундан.
Деди: — Ҳа, бир ўзим... келяпти бундан... —
Курсатди кифтдаги автоматини,
Мен эсам уйладим жасоратини.

1942, декабрь,
Ҳаракатдаги Армия.

ЕРТУЛА

Эртаю кеч бурон увиллар,
Қор учқуни худди капалак.
Урмонликда туриб қолдик биз,
Дам олмоқчи булдик биз андак.

Тунаш учун қурдик ертула,
Бир нафасда битказдик уни.
Жанглар утиб келган бўлинма,
Ҳордик олур унда шу куни.

Ертулада жангчи дам олур,
Бири уқир ёрин хатини,
Бири қуйлаб севги қушигин,
Эркалайди муҳаббатини.

Либослар нам, иссиқдан ҳовур...
Ҳордик олур жангчилар бу он.
Эрта яна жангга қузгалур,
Ёвга қарши кутариб туфон.

Эртаю кеч бўрон гувиллар,
Қор учқуни худди капалак,
Урмонликда туриб қолдик биз.
Дам олмоқчи бўлдик биз андак.

1943, Белоруссия.

ВАТАН ИШҚИ

Баланд-баланд тоғнинг қори булади,
Мард йигитнинг номус-ори булади,
Ҳар инсоннинг уз диёри булади,
Марднинг элга эътибори булади.

Ёз неъмат: ерда майса, дон булур,
Жанг хислати қўлда қурол, шон булур,
Керак бўлса элга жон қурбон булур,
Ёв енгилар, эл омон-омон булур.

Разил ёвга нажот бермас Ватаним,
Хазон бўлмас мен яшнатган гулшаним,
То бор менда юрак, қўл, куч ва таним,
Жанг қиламан, омон қолмас душманим.

1943, Орёл области.

МАКТУБ

Аҳмаджон Шукуров оиласига

Хурмат билан тилга оларлар
Бизнинг фронтда Аҳмаджонни,
Қушиқларда тингладим уни,
Тенги йуқ эр деган дostonни.
Мардлигини суйлар генерал,
Жангчиларнинг таълимида у,
Хужум, окоп, блиндажларда
Суҳбатларда Аҳмаджон мавзу.
Она элдай қуёшли чирой,
Азмида бор Фарҳоднинг кучи,
Ҳамласида эл озодлиги,
Ёвга чексиз қалбида учи.
Тургеневнинг она юртида,
Урмонларда қирди душманни,
Озод бўлган қишлоқларда у
Сезди қадрин она Ватаннинг.
Эсдан чиқмас Ўзбекистони,
Бахтли қуёш кулган гулистон,
Элни таҳқир этган душман-ла
Жанг қилмоқда қонга олиб қон.

1943

ҚАСАМ

Душман оёғи-ла топталган ерлар,
Қадрдон ерлардан утиб бораман,
Қалбимда севгиси она Ватаннинг,
Унинг тақдири-ла нафас оламан.

Урмалар қаршимда улим, хавф-хатар,
Ер титраб, урмонлар кутарар шовқин,
Улимни енгаркан Ватаннинг ишқи,
Демак, қулим баланд, жангда мен устун.

Унутмам ёвларнинг йиртқичлигини,
Унутмам бегуноҳ тўкилган қонни,
Эй азиз онамиз — севимли диёр,
Тайёрман бермакка сен учун жонни.

1943, Белоруссия.

САЙХУН ЖАМОЛИ

Сайхун соҳилида кезар экансан,
Шириннинг дардини сезар экансан,
Урганиб хаёлдан, ҳижрон доғидан,
Тушиб келаркансан Фарҳод тоғидан,
Фарҳодлар ичинда, чимириб қошни,
Дилда пинҳон сақлаб соғинч, бардошни,
Қараб дарёда сув ағдарган тошга,
Юзинг ухшаб кукдан боққан куёшга,
Билмай не бор нотинч замон тақдирда,
Ошиқлар буларкан деб ҳамма ерда,
Соҳилда ер қазиб, ишлаб бу маҳал,
Йигитлар доғингда, сен эса гузал,
Соғинар экансан севган ёрингни,
Ойдан сураркансан вафодорингни,
Жасорат йулдошинг, дарё у Сайхун,
Измингдан мавжланиб оқаркан ҳар кун,
Қалбингни билмаскан ҳеч бир навқирон,
Деяркан йигитни севмас бу жонон,
Бироқ юраркансан соҳилда ишлаб,
Дилингда эса ишқ гули яшнаб,
Деярсан, олисда Фарҳод дилдорим,
Урушдан қайтади омон деб ёрим.

1943

БЕЛОРУССИЯ УРМОНЛАРИДА

Купаланинг севган диёри,
Урмонларинг либосинг, ҳуснинг,
Буронларда кечар баҳоринг,
Ут-оловли жангларда куксинг.
Изғиринли қарағайзорлар,
Булбулларнинг навоси қайда,
Бағри тутаб тўшлар гумбурлар,
Ул мусаффо ҳавоси қайда.
Қайда қолди тонгда ярқираб
Ерга тушган ёғду қуюни,
Қайда қолди оҳулар сакраб,
Ўтлоқларда шўхлик уйини.
Гулхан ёнар сукмоқларингда,

Юлдуз булиб учар учқунлар,
Дарё, қўллар, қирғоқларингда
Ухламайди фарзандлар тунлар.
Ўқ овози янграр ўрмонда,
Изғир топтаб ерларингда ёв.
Фарзандларинг турар майдонда,
Олишувлар булар беаёв,
Ватан ишқи беғубор экан,
Ҳаётингнинг маънисин ечар,
Ўрмонда эл жанговар экан,
Партизанлар жанг билан яшар,
Босқинчига омон берилмас,
Ўрмонларинг ёвга хавф-хатар,
Босқинчилар сени топтолмас,
Қучоғингда улимин топар.
Фарзандларинг сенга онг ичган,
Кеча-кундуз тўхтамас жанглар.
Дам олганда, жанг тинган пайтда,
Купаланинг шеърлари янграр.
Галабага чорлар у қўшиқ,
Фарзандларинг қўйлар дилидан,
Ёвларингни янчиб, савалаб,
Ҳайдамоқда она элидан,
Ёвни енгиб ботир Армия,
Қучоғингда зафар қучмоқда,
Эрк келтирдинг, Белоруссия,
Фарзандларинг гарбга бормоқда.
Зафар билан қайтамиз сенга,
Янграр сенда шод қўшиқ, ялла.
Орамизда янги шеър айтиб,
Бирга юрар улуг Купала.

1944, Белоруссия.

КУТ, ҚАЙТАМАН

Соғиниб, ёр, кутар эмишсан,
Гуллар аро очилиб ҳуснинг,
Уни курсам, деяр эмишсан,
Айрилиқдан сиқилиб куксинг,
Саҳар туриб баҳор боғига
Қўшиқ қўйлаб борар экансан,

Ҳосилининг ҳар бутогига
Менга атаб боқар экансан.
Жангда голиб чиқиб борганда,
Қулогимга шивирлар урмон:
— Тонгда қуёш кўзин ёрганда,
Эслайсанми ёрингни, полвон?
Дейман: севги кунгил туйғуси,
Уни ечар узоқдаги ёр,
Тошмасин, ёр, севгинг қайғуси,
Қут, қайтаман голиб, бахтиёр.

1944, Белоруссия.

СОҒИНИШ

Атроф ям-яшил урмон,
Шивирлайди шамолда,
Дилда ишқинг, эй жонон,
Гул чиройинг хаёлда.

Жангда душманни енгиб,
Озод ерда ўлтирсам,
Хаёлимга сен тушиб,
Дейман сени бир курсам.

Ишқинг улуғ, дил эса
Соғинишга чидаркан,
Севги фироқни енгса,
Ошиқ ёрга етаркан.

Иссиқ-совуқни тотиб,
Сенга қайтарман, ёрим,
Голиб қайтсам, азизим,
Буларсан гул, баҳорим.

1944

ПОЛЯК ҚИЗИ

Олтин сочлари тузгиб,
Юм-юм куз ёши тукиб,
Турганида куп уксиб,
Курдим поляк қизини.

Фашист отган отасин,
Ҳам меҳрибон онасин,
Утга ёққан хонасин,
Сулдирган гул юзини.

Бизни куриб: «Бахт» деди,
Келди шодлик вақт, деди,
Қочди ёв бадбахт, деди,
Яшнатиб шод кузини.

Узди гуллар бирпасда,
— Дзень добре! — деб аста,
Тақдим этди гулдаста,
Тоғиб эрк кундузини.

1944, Польша.

ҲАМШИРА

Шиддатли майдонда, хужум жангида,
Йиқилди ёш жангчи, тиззалари қон,
Оғир яра изи бўзнинг рангида,
Тишини тишига қуйди қаҳрамон.
Талпинди туришга, қарши хужумга,
Қанийди босолса оёқни уғлон.
Деди у: «Не бўлди менинг кучимга,
Кетмоқда уқ теккан оёқдан дармон».
У ерга қул тираб, сунг ётиб қолди,
Ҳамшира курдию югурди жадал,
Ярасин боғлаб, сунг аста қузғалди,
Ортига қайтди дард, чанг солган ажал,
Майдонда жанг борар, кукда ут чақнар,
Ҳамшира елкалаб, йўл босар илдам,
Раҳмат деб ёш жангчи лаб қимирлатар,
Кунгли дер, тез кунда қўярсан қадам,
Мовий кўз, олтин соч, ботир ҳамшира
Мажруҳнинг дардини сезар қалбида,
Ватаннинг мардлари доим соғ бўлса,
Менга бас, дейди қиз жанг майдонида.

Ҳамшира жангтоҳда дам олмас бир зум.
Оловли йўлларни кезар уззукун,
Соғу ярадорлар айлайди таъзим,
Чунки улар умрин уйлайди бутун.

*1944, март,
Ҳаракатдаги Армия.*

САЛОМ, ЎЗБЕКИСТОН

Салом, Ўзбекистон, севимли диёр,
Салом, нур қўйнида гуллаган баҳор,
Салом, ерларида олтин усган эл,
Салом, азиз она, меҳрибон кўнгил.
Йигирма баҳоринг тантанасида,
Улуғ кун, шонли тўй, маъракасида,
Бахтингни намойиш қилган чоғингда,
Тўйингга, улғайган ҳур қучоғингда —
Кўз қоранг, фарзандинг салом ёзади,
Севиниб сенга у калом ёзади,
Яшнаган ҳуснингга гард тушмасин деб,
Она эл берган эрк, шам учмасин деб ✓
Муқаддас онт ичиб сенга, Ватанга,
Ўпиб тупроғингни қўзғалдик жангга.
Она эл, меҳрингни кўнгилга тугиб,
Жангларда душманни тутдайн тукиб,
Сақладик эркингни, ёв булди яксон,
Ёвга нафратингни қилдик намоен.
Тўйингни жангларда нишонлагаймиз,
Сени ўзгаларга ишонмагаймиз,
Душмандан олган ўч булур армуғон,
Тўйингда йўл босур ўғлинг ғарб томон,
Салом, Ўзбекистон, севимли диёр,
Салом, нур қўйнида гуллаган баҳор,
Салом, кенгликлари оқ олтин диёр,
Салом, қуёш эли, йўллари баҳор.

*1944, декабрь,
Польша.*

ЭР ЙИГИТ

Чана учар қор иргитиб тош йулда,
От юганин маҳкам тутган мард қулда.
Қуш самани елиб борар жанг сари,
Капалакдек уйнар қор учқунлари.
Денгиз буйи, Тилькимитнинг¹ йулида
Қалин урмон, адирларнинг қуйнида,
Жангга кирар хоразмлик қаҳрамон,
От бошини бурар уқ чиққан томон.
Ёвни қирар, тушмас «Максим» қулидан,
Зафар яшнар унинг шонли йулидан.

1945, январь,
Ҳаракатдаги Армия.

ҚИЗ СОҒИНГАНДА

Оқшом пайти гўзал чаманзорларда,
Гуркираб яшнаган пахтазорларда,
Мусаффо шўх сувли сойлар буйида,
Хушовоз булбуллар, қушлар тўйида,
Қадрдон қизларнинг суҳбатларида,
Ойдинли тунларнинг хилватларида
Ишдан бушаб уйда утирганда қиз,
Қалбида ёнаркан муҳаббат ёлғиз.
Унинг пок меҳрида севгиси пинҳон,
Севимли ёрени эслаб ногаҳон,
Соғинчли хаёлда қолармиш бир пас,
Ҳам чуқур оҳ тортиб олармиш нафас.
Хаёл бор малакда, дилнинг кўзгуси,
Йигитнинг буй-басти унда сузгуси,
Йилларнинг салмоғи оғир туйилар,
Ҳижроннинг булоғи дилга қуйилар.
Ҳаққи бор маъшукнинг уртанса қалби,
Ҳаққи бор ишқ деса соғинган лаби,
Ҳаққи бор кутишдан оқарса гар соч,
Ҳижроннинг сунгида висол кенг қулоч
Очганда, бусалар порлар лабларда
Барқ урар муҳаббат, шодлик қалбларда.
Шунинг-чун қалбида ёнса-да ҳижрон,
Кўз тутиб ёрени кутарди жонон.

1945

¹ Болтиқбуйидаги жой.

ЙИГИТ СОҒИНГАНДА

Ер меҳри ой булар қарашларида,
Ҳатто жанг талотуп оташларида,
Дилдори кунглидан утар нур булиб,
Висолга чорлаган гул умр булиб.
Гоҳ қолар жанг тунин зулматларида,
Гоҳ яшил урмоннинг хилватларида,
Саломга шошилар баҳор чечаги,
Жангчининг кунглида олис малаги.
Гоҳ захкаш окопнинг тупроқларига,
Гоҳ содиқ милтигин қундоқларига
Пулатдай кукрагин қуйган чоғида,
Товланар ишқ нури дил япроғида,
Гоҳ жангда ёвини қувиб кетганда,
Гоҳ янги маррага бориб етганда,
Соқолин тарашлаб яшарганда эр,
«Соғиндим, азизим, сени кўрсам дер».
Севгани юргандай булар ёнида,
Чехрасин кургандай жанг майдонида,
Ёнингда юрибман дегандай булар,
Соғиниб турибман дегандай булар.
Жангчи гоҳ ёрин истаб уйга чўмару,
Оромсиз кўзларин бир зум юмару,
Хаёлда кўрарди соҳибжамолин,
Дардлашар қалби-ла истаб висолин.
Кўзгалар у яна жангу тўфонга,
Этай дер йул пойлаб кутган жононга.

1945

М Е Ҳ Р

Ҳамқишлоғим Абдулло Пирматовга

Берлин титрар, еру кўкда гўмбурлаш,
Ҳар қадамда ажал пуркар уқ, оташ.
Ёв ўқидан тўхтаб қолди Абдулло,
Очолмади кўзин, дунё зим-зиё.
Кучин йиғди, чўчимоди ўзидан,
Қон тирқирар яраланган кўзидан.
Бир кўзи-ла ажратар оқ-қорани,
Кўзгалар у ўзи боғлаб ярани.

Не ҳол, йулда бир гудак йигисини
Эшитди у, изларми ойисини.
Аста юрди йиғи келган томонга,
Она, бола ётар беланиб қонга.
Она жонсиз, гудак эса тамшанар,
Ойисига тургин дея тармашар.
Она турмас, ёв ўқидан юмган кўз,
Лабда қолган ўғлим деган сўнгги сўз.
Абдуллонинг қалби титраб кетади,
Она юзин плаш-ла беркитади.
Бир чакмоқ қанд олиб чунтақдан дарҳол,
Дейди: — Ўғлим, қанд келтирдим, олақол.
Ечар аста еш гудакнинг куйлагин,
Боғлар бинт-ла авайлаб сўнг кукрагин.
Мин, дейди у тутиб унга елкасин,
Бола кўнмас, уйғонсин дер ойисин.
Бир парча хат чиқди она ёнидан,
Хурланган ер, олис Дон томонидан,
У ёт элга чуриликка ҳайдалган,
Таҳқирланиб, азоб тортиб қийналган,
Уз элига етолмайин кўз юмган,
Ўғлим элга қайтарми деб термилган.
Абдулло жим борар йулда, йўқ ҳеч ким,
Дам олиб дер: Ўғлим, бўлмайсан етим.
Сени излаб одамхўрнинг қулидан,
Ёш умрингни ютмоқ бўлган улимдан,
Қутқазгали келдим жанг қилиб бунга,
Топдим сени, ўғил буласан менга.
Юрак бағри эзилиб, дер Абдулло:
«Нима гуноҳ қилди гудак, айт, дунё!»

1945

КўРСА ЭДИ

Жангчи кўшиғи

Жанггоҳдаман, соғинурман, дил берганим кўрса эди,
Олис юртда олов ичра гул терганим кўрса эди.

Чоҳ устида, кўз олдимда ёввойи бир гулни кўрдим,
Унга қараб, ёрни йўқлаб, оҳ урганим кўрса эди.

Илож қанча, ёнар кунгил, қани элтсам уни ёрга,
Гулни бериб сунг термулиб лол турганим кўрса эди.

Тонг бузарса жанг бошланур, ким қолару ким кетар,
Уша гулни қалбда сақлаб, югурганим кўрса эди.

Она юртим, билармисан, бир митти гул қулимда,
Уз гулимни соғинурман, ёд олганим кўрса эди.

Ёр гулимдан маст булсайди, мен эсам гул васлидан,
Дийдор меҳри дилни ўртаб, ҳол сурганим кўрса эди.

Жанглар аро утли ерда, дилда дилдор кўринур,
Севги марднинг қанотидур, югурганим кўрса эди.

Гул гунчани ёнда асраб, ёрни жангда эсладим,
Висол қадрин дилга бурч деб буюрганим кўрса эди.

Оҳ, жонгинам, соғинурман, оҳ урганим кўрса эди,
Қору қишда, оташларда югурганим кўрса эди.

1945

ЛОЛАНИ КЎРГАНДА

Хордиқ куни бир қизил аскар
Чиқиб кетди жанг майдонига.
Бу кенгликда у сунгги сафар
Жанг қилгани келди ёдига.
Мана, атроф баҳор ҳуснида,
Куз олдида жанг қилган жойи.
Қизиқ аҳвол, оёқ остида
Лола ўсган, қизил чиройи.
Лола тортди унинг хаёлин,
Эсга тушди жанг қилган они.
Қизартириб лола жамолин
Бунда ётур марднинг соф қони.
Деди: — Лола, нега булдинг жом,
Нега тулдинг сен шудринг билан?
Ёки мен-чун ёвдан интиқом
Олганингми бу ҳуснинг билан?
Ё қонимни сен ёдгор этиб
Авлюдларга олиб кетасан.

Е соф қонни лолазор этиб,
Евга қарши байроқ этасан.
Жангчи бунда бирпас дам олди,
Атрофи жим, сокин эсар ел,
Куз олдида қирмизи лола
Таъзим бериб тебранар енгил.

1945

ЮРТИНИ ЭСЛАРДИ

Қисмимиз шаҳарни кечқурун олди,
Кучаларда аста бурқсиди олов.
Бир жангчи жойидаи шошиб қузғалди,
Сунг шаҳар устига тикланди ялов.
Бинодан тушаркан, асфальт кучада
Ёниб ётган танкнинг ёнидан утди.
Ғарб томон юраркан ойдин кечада,
Қалбини ҳаётнинг сирлари тутди.
Ойдинда милтиллар қорли далалар,
Қорайиб қуринар олисдан ўрмон.
Жангчи дам олганда, тўзғиб ҳаёллар,
Туғилган юртини эслади шу он.

1945, февраль,
Германия.

ДЕНГИЗ

Денгиз, денгиз, Болтиқ денгизи,
Қучоғингда туман ва тўлқин,
Соҳилингда совет жангчиси
Келди ёвни мажақлаб букун.

Сиринг кўпми дарёлар қадар,
Утганмисан кечиб кўп диёр.
Кенгликларда елдай тинчсиз ҳар —
Тўлқинингда қандай ҳикмат бор.

Тарихинг кўп, суйлашга лолсан,
Касбинг кўпик отиб уйноқлаш,
Кўн нуридан гузалсан, олсан,
Сенда тўлқин томчи мўнчоқлаш.

Душманини тигдан ўтказиб,
Соҳилингда турар қасосчи,
Сен қоларсан уни кузатиб,
Яна олға жунар қасосчи.

1945

СЕНИНГ ЕДИНГ

Кеч кирганда, севимли нигор,
Бошинг узра юлдуз сочилар.
Уйғонганда уйқудан наҳор,
Сени қутлаб кундуз очилар.

Мафтун этиб сени кўркига,
Йўлларингда тўлишар баҳор.
Жоним, юрсанг гуллар юртига,
Кузларингда жозиба, хумор...

Гул ҳуснингдан ҳусн оларкан,
Ва булбулга гавго соларкан,
Қандай яхши сенга ёр бўлмоқ
Ва сен билан бахтиёр бўлмоқ.

1946, Польша.

ВРОЦЛАВ ЙУЛИГА ЧИҚДИМ

Жангдан сунг Вроцлав йулига чиқдим,
Атрофда кўринди экинзор ерлар,
Адирда ётади туп қолдиқлари,
Пастда мажағланган қора «Тигр»лар.
Майданек йулида хавфдан қутулган,
Халоскор танкчига гул тутган қашшоқ —
Поляк энди она улкага қайтиб,
Эркин нафас олиб булганди қувноқ.
Шамолдан тебранар олтин бошоқлар,
Лолазор қирларда еллар чопқилар.
Бунда шон қозонган танкчи уртоқлар,
Энди ўз юртида тинч меҳнат қилар.

1946

РЮГЕН ОРОЛИДА

Рюген оролида юрар паҳлавон,
Қирғоқларда қолиб излари.
Маскан бўлиб узга бир жаҳон,
Гулбоғларни илғар кузлари.
Фарғонанинг гузал воҳаси,
Жаннат эди йигитга ҳар он.
Бу ерларнинг нотаниш курки
Овунтирмас мардни, бегумон.
Бунда борлиқ, гузаллик унга
Азиз эмас, ёқмас дилини.
Боқиб шарққа, соғиниб эслар
Чаман-чаман она элини.
Қалбин узмас улуг Ватандан,
Хаёлида уша жонажон,
Қуриқлай деб элни душмандан,
Бу ерларга келди қахрамон.

*1945, май,
Рюген ороли, Германия.*

ҚАҲРАМОННИНГ ҚАБРИ

Эльбанинг буйида кичик адир бор,
Адирнинг устида ёлғиз қабр бор.
Ухлайди қабрида жангчи қахрамон,
Зафардай табаррук покиза виждон.
Қабрни силайди манзилсиз шамол,
Қабрга курсатар шарқдан кун жамол.
Зиёрат этгандай босганча тушлар,
Қабрнинг устида йиғлайди қушлар,
Дустлари тиз чуқиб қабрга аста,
Зиёрат этишиб қуяр гулдаста.
Ким ётур бу ерда, ким бўлди узи,
Ким бўлди бу ерда юмилган кўзи,
Элсевар баҳодир жанговар уртоқ
Зур жангда мардларча бўлганди ҳалок.
Ватани бор эди Сирнинг буйида,
Улғайиб усганда баҳор қўйнида,
Зур уруш бошланди, уйин тарк этди,
Шинелни кийдию фронтга кетди.
Интиқом оташи қолади уни,
Жанг билан утарди унинг ҳар куни.

Ватаннинг муқаддас тупрогин ёвдан,
Тозалаб утди у ҳар тусиқ-говдан.
Уқ жойлаб ёвузнинг маълун жонига,
Йул олди йиртқичнинг кир маконига,
Жангларнинг сунгида, зафарли дамда
Тарқалди қайғули хабар қисмда,
Қаҳрамон йиқилмиш дарё четида,
Улимнинг излари қонли этида,
Унга видо айтди дўстлар адирда,
Севимли ул ботир ётар қабрда.
Алвидо дейишди уни билганлар,
Волгадан жанг билан бирга келганлар.
Эльбанинг буйида кичик адир бор.
Адирнинг устида ёлғиз қабр бор.
Ухлайди қабрда ёлғиз қаҳрамон,
Мард ўзбек фарзанди, покиза виждон.

1945, Германия.

МУҚАДДАС ЖОЙ

Тошкентда муқаддас жой бор, у мангу
Номаълум жангчининг қабри гулхани,
Жанггоҳдан қайтмаган мардлар хоки у,
Унутмас, унутмас асло Ватани.
Диёр арчалари бошида посбон,
Салқин шабадасин елпийди Анҳор.
Боқар унга қуёш, мусаффо осмон,
Гулгун меҳрин ёзар ям-яшил баҳор.
У шаҳид мардларин жойин билолмай,
Рухига ёдгорлик урнатган диёр.
Ун саккиз ёшли мард ўглин кўролмай,
Гулханга келади она интизор.
Ҳар куни чўғ ёнган сокин мрамарга
Соғинган диллардан қўйилар гуллар,
Жонин фидо этган буюк зафарга,
Мардларин азмини унутмас элар.
Хотира жароҳат дардини сўзлар,
Жангларни тириклар ёдида тутар,
Эслатар мардларни олис юлдузлар,
У мангу гулханлар чўғидан утар.
Жанггоҳдан келган хок Тошкент бағрида,
Фидойи фарзандлар азмидан ёдгор.

Улар руҳи элнинг мангу боғида
Юргандай хаёлда куринар ҳар бор.
Келади зиёрат этишга авлод,
Келади яқину йироқдан эллар,
Зафар чоғи айлар шаҳидларни ёд,
Унутманг эркни, дер хотира, йўллар.

1994

НУРОНИЙ

Оҳиста қадамлар, етмайди дармон,
Етмиш йил кутарган оёқ мажолсиз,
Билдирмас ҳорганин, олдда хиёбон,
Унда дам олмоқчи утириб ёлғиз.
Хиёбон турида ёзиглик шиор,
Қачондир қўйилган сўзи — «Нуроний»,
Кексалар боғига шу бир эътибор,
Ёзиб қолдиргандир қайси бир ҳомий,
Заковат, саховат, ҳиммату шафқат,
Ёрдамнинг йулида бу-да бир эҳсон,
Ризқи рўз илдизи асли у меҳнат,
Шуларни уйлайди нуроний инсон.
У қутлуг умрининг неча йилини
Киндик қонин тўккан ерга бахш этди.
Бошини кутариб, ушлар белини,
Шу чоқ эзгу бир руҳ дилда нақш этди.

1996

КУКЛАМ

Куклам,
Куклам, чарх уради қалдирғоч,
Ел фараҳбахш, табиат ёввош.
Туртиб ерни гул ёзар қулоч,
Сувда ҳовур, нур сочар қуёш.

Куклам,
Урмон кийган яшил кийимин,
Япроқларда минг хил раҳс-мақом.
Борлиқ тинглар қушлар қушигин,
Шудрингларга лола булмиш жом.

Куклам,
Заррин тонгда яккаш қуролдор,
Хизматимга жунаб кетаман.
Қуп узоқда севимли диёр,
Юрагимни пайванд этаман.

Куклам,
Соғинаман она элимни,
У тенги йуқ гулшан кўринар.
Уйга чулғаб еллар кунглимни,
Юзларимга аста урилар.

*1946, апрель,
Польша.*

ТОҒ ЭТАГИДА

Фарҳод тоғи яйдоқ ва баланд,
Қояларда олов тафти бор.
Этагида тинмай ҳайқириб,
Оқар дарё жушқин, улугвор.

Қумли соҳил ялтирар сувдан,
Тулқинларда кўпиклар маржон.
Пайдо бўлиб қадим орзудан,
Сувни тўсган баҳайбат тўғон.

Тўсиқларни билмаган дарё,
Бунда топди кучли шалола.
Соҳилларга кенг қулоч ёзиб,
Қилур кўкка тулқин ҳавола.

Тўғон тоғдек оғир ва маҳкам,
Турар мавжли сувни жиловлаб.
Тўғон қурган ботирлар шу дам
Чулда ишлар зур канал ковлаб.

1947, Бекобод.

СУРХОН СОҲИЛЛАРИДА

Сурхон соҳилларида оқ, нафис ҳосил,
Икки тоғ ораси бўлибди чаман.
Бепоен ажойиб водий бағрида
Учратдим тоғ булган хирмонларни ман.
Кун нури сайқалдир кумуш кўркида,
Кўнгилга завқ бериб этади мафтун,
Олтин совғалардан карвон тузади,
Шурчи, Денов, Термез, Жарқўрғон, Узун,
Тонг оқариб кўкда юлдузлар сўнар,
Урқачли тоғларда ялтирайди қор,
Банд этар қалбларни олтин макони,
Эл барпо этган мул, сўнгсиз пахтазор.
Чаноққа йуналган чечан қўлларнинг —
Азмини белгилар кутарилган қоп.
Ҳисобчи дафтарин очиб хирмонда,
Терилган пахтага ясайди ҳисоб,
Аравакаш йўлда отни қамчилар,
Карвонлар утади олтинлар билан.
Пахтакор мардларнинг қалбида орзу,
Тезроқ бажарилса олинган план.
Водий бўйлаб меҳнат тантана қилар,
Мул ҳосил мардлари топган ундан шон.
Элимнинг бу жануб гулшан юртида,
Ҳаёт яшнаб, борлиқ булган гулистон.

1948

ДОН

Сурма тоғнинг этакларида
Кўрдим мавж урган кенг далани,
Бунда борлиқ олтиндан либос
Кийиб, яшнаб ҳаёт гулшани.
Мафтун этди мени фусункор
Олтин гилам тўшалган ерлар,
Севинтирди сўнгсиз далада
Серҳосил дон етказган эрлар.
Тоғ остидан уфққа қадар
Фақат, фақат куринар дала,
Сарин елдан бошоқлар енгил
Тебранишар айни ёз палла.
Ғаллақордан мамнун булгандай,

Шивирлашар олтин бошоқлар,
Эртаю кеч тинмайди асло
Комбайнлар, чалги, уроқлар.
Бугдой боғин кутарган жувон,
Ҳар бошоққа бир-бир қарайди,
Юзларида майин табассум,
Сочларини шамол тарайди.
Пахтамиздай тансиқ ва азиз,
Ғалламиз ҳам элнинг шонидир,
Пахта, мева берган, дон берган
Сахий ерлар толеъ конидир.

1948, Ғаллаорол.

ФАРҲОД БАҲОРИ

Алишер Навоийга

Ям-яшил соҳилда навбахор пайти,
Янграр Алишернинг газали, байти.
Оқшом пайт ястаниб икки ёш дилдор,
«Фарҳод ва Ширин»дан уқирди такрор.
Ёш йигит куйманиб Фарҳод дардига,
Таҳсинлар уқирди севги мардига.
Қиз қалби Шириннинг умрини хазон
Этган қаро кунга қиларди исён.
Пастликда Сирдарё мавж урар эди,
Шошиб, купик отиб югурар эди.
Чор атроф дилором, дилрабо, баҳор,
Фарҳод афсонаси турар барқарор.
Жиловланган дарё устида туғон,
Қадим муоммони этарди баён:
Мен уша қушиқман, элнинг армони,
Покиза қалбларнинг аҳду паймони.
Мен уша боболар қалби, номидан
Улмас қушиқ бўлиб, бахт айемидан
Оламга обида қолдирган китоб,
Ва уша утмишнинг оҳига жавоб.
Мен уша Ширинман, мен уша Фарҳод,
Мен уша Лайлиман, кутариб фарёд —
Мажнун исми билан куйлаган дoston,
Ва халқим қалбида сақлаган армон.

Мен энди Ватанга бериб сув ва нур,
Бахш этгум чулларга янги гул умр!
Икки ёш юракдан севиб диёрин,
Томоша қиларди гулшан баҳорин.

1970

ТОВУС УЙИНИ

Машҳур ҳинд раққосаси Ситора Девига

Товусдай йурғалаб-елдинг,
Оҳиста бошладинг уйин,
Сунг бирдан кукка термулдинг,
Самода кургандай куюн.
Гулдираб момоқалдирак,
Портлаб, олов чизди яшин,
Урмонга еприлиб чақмоқ,
Тукди кук бирдан куз ёшин...
Дарахтлар тебраниб, бурон
Тузгитар товус парини,
Қуш эса ёзиб бағрини,
Айланиб, уйнарди ҳамон.
Ситора, товус рақсини
Сен шундай уйнадинг, учдинг,
Боқ, халқим табриклар сени,
Сен унинг қалбини кучдинг.

1958

СЕН УЗИНГ

Гул фаслидир, боғимга кел, нигорим, сен ўзинг,
Ранг талашур гўзаллик, унда борим сен ўзинг.

Зебо эрур қизил гул гунча баргин ёзганда,
Қизил гулдан афзалроқ гул узорим сен ўзинг.

Меҳри ишқинг таърифин куйлаб дoston айладим,
Куйларимнинг чашмаси, юрак торим сен ўзинг.

Кулиб чиқсанг уйингдан, ургилай деб бўйингдан,
Шошиламан йўлингга, интизорим сен ўзинг.

Гул ҳаётнинг гаштини топдим меҳру вафодан,
Умрим завқи сен билан, вафодорим сен узинг.

Бирга юрсак боғ аро гуллар сени табриклар,
Севинч тулган дилимда навбаҳорим сен ўзинг.

1960

НИГОҲ ЭТСАМ

Айб этмагил сени қўрганда оҳ этсам,
Дилим меҳрин оташидан огоҳ этсам,
Гул оразинг кўзгум эрур ҳаёлимда,
Истарманки, доим унга нигоҳ этсам.
Пок муҳаббат худди ўшар тонг нурига,
Раво эрмас мен дилимни сиёҳ этсам.
Орзум эрур қўшиқ айтиб садоқатдан,
Куйларимни сенга ҳар дам дилхоҳ этсам.
Гул ундириб боғ яратдим кенг дашт аро,
Арзир уни севгим учун гувоҳ этсам.
Бил, нигорим, ишқ ҳаётдир вафо билан,
Жафо етгай унга агар гуноҳ этсам.
Сени ўйлаб, сени куйлаб гул ҳаётда,
Шул ҳаётда дейман сени ҳамроҳ этсам.

1960

ВИСОЛИНГГА

Жону дилим бўлди гулшан бир қулиб қарошингдан,
Бечора дил ёнди чўгдай унга ўт қалошингдан,
Кўнгил — султон, ошиқлиги султонлигидир унинг,
Мулки эрур меҳру ишқинг, кетмас сира қошингдан.
Садоқатни изҳор этиб висолингга бир умр,
Вафо меҳрим элчи бўлсин толеи қўшингдан.
Кундузи гул ҳадя айлаб, сайр этсак кечқурун,
Ойни баркаш айлаб нуқра сочай дейман бошингдан.
Бирга ҳаёт йўлига биз қадам қўйсак, ҳеч кимса
Юзга кирган чоғингда ҳам сўрамасин ёшингдан.
Оқ йўлимиз оқи бўлсин қариликда соч-соқол,
Кетмасин нур дилни ёққан меҳр ила қарошингдан.

1966

ҚУМ УЙИНЛАРИ

Қорақуму Қизилқумларнинг
Гармселдан учиб-уйнаши
Юрагимга яқин азалдан —
У — ҳаётни қорлаб куйлаши.
Зарралари қонимга синган,
Ҳарорати қалбимда тинган,
Шамоллари қанотим булган,
Майсалари ҳаётим булган.
Осмонидан аримас офтоб,
Меҳрим билан шеър туқийман.
Кенг қучоғи туганмас китоб,
Варақларин севиб уқийман...
Ҳар варағи янги бир дoston,
Ёзсам етмас Нил булса сиёҳ.
Бу — элимдир, бу — Ўзбекистон,
Яшнаб булар янги гул даргоҳ.

1960

УЧРАТГАНМАН ҚАЕРДА УНИ?

Мирзачулда бадқовоқ оқшом
Далаларда қанот ёзган дам,
Қора осмон худди тешик том,
Ёмғир қуяр, ёғар мунча ҳам.
Шундай пайтда кимдир мен томон
Йулни кесиб келар эди тик,
Кийиб олган пахталик чопон,
Оёғида оғир керз этик.
Салом бериб сўради: — Меҳмон,
Қурдингизми раисни йулда?
— Йук, — дедим, сўнг, — сушилкаданми?
Нотинч эди, дарди кўнгилда.
— Ҳа ушатдан, — деди у аранг, —
Тракторнинг тинди нафаси,
Ёмғир ёғиб бошимиз гаранг,
Туриб қолди колхоз пахтаси.
Унинг юзи таниш кўринди,
Учратганман қайда, қай куни?
Ҳаёлларим тўзғиб булинди,
Ҳа, кўрганман урушда уни...

1961

ҚАДАМЛАР

Қадамдан бошланар инсон ҳаёти,
Янги манзилларга чорлар ҳар куни.
Баъзан қанотсизу баъзан қаноти —
Булар топган бахти, учирар уни.
Шунда олам унга феруза, шаффоф,
Қушдай енгил кучар ҳар бир қадами.
Йулига нур сочар меҳр ила офтоб,
Танга болдай сингир олган ҳар дами.
Шунда утган умрин бир манзил фаҳмлаб,
Янги қадам ташлар нурли уфққа,
Одамлар бахтини топар қадамлаб,
Қадамлар эгадир катта ҳуқуққа.

1963

ҲОФИЗ ҚУШИҒИ

Маъмуржон Узоқов хотирасига

Баҳор чоғи...
Дўстлар давраси...
Таклиф бўлди:
— Навбат ҳофизга!
Нурга тўлди дўстлар чеҳраси:
— Маҳталмиз, — дер, — қушигингизга!
Ҳофиз туриб жилмайиб, кейин
Урталиққа қадам ташлади.
Кузин юмди,
Жимиб, олиб тин,
Сунг аста у қушиқ бошлади.
Куйга тўлди хуш ҳаволи боғ,
Жозибали гуллари нафис —
Қушиқ, куйдан очаркан япроқ,
Булбуллар ҳам уни этар ҳис.
Қимир этмас дўстлар давраси,
Сезса булар юрак уришин,
Сезиш мумкин боғ шабадаси
Барглар аро аста юришин.
Куйлар ҳофиз кенг даврада шод,
Боғ, баҳорни нурга тўлдириб,
Нурли қушиқ қолар умрбод,
Ҳофиз, сендан у ёдгор бўлиб.

1963

ҚИРЧИЛЛАМА АЁЗ

Қирчиллама аёз, қиш чилласидан
Ариқларда тунган музлар биллури.
Тизза буйи қордан — ер тилласидан
Юзни елпиб утар юрак ҳовури.
Гирчиллайди йулда оёқ қуйсанг қор,
Мактаб ҳовлисида авжи қорбурун...
Мудроқ далаларда янгича виқор,
Худди туплагандай, дам олиб, дармон.

1964

ТОЛ

Тол, яхши қол,
 чул соябони,
Салқин сабонг ҳамон ёдимда,
Соянг дилнинг оромижони,
Чайлам булдинг дам олганимда,
Сенга боқсам, мевазорларга
Қамчи белсан,
 тиргович, дармон,
Салқинингда дам олганида,
Хурсанд булар ёзда ҳар инсон.
Чул ҳовузин қопқоғи сенсан,
Япроқларинг кумуш танга, тол.
Қанот ёзиб аста тебрансанг,
Салқин тушиб, роҳат танга, тол.
Жазирама чулда энг аввал
Буй чузибсан соя берай деб,
Пахта эккан ботирлар ёзда
Чайла қурса, поя берай деб.
Буй чузибсан, чул соябони,
Салқин сабонг ҳамон ёдимда,
Соянг дилнинг оромижони,
Чайлам булдинг дам олганимда,
Тол,
 яхши қол.

1964

СУРНАЙ НАВОСИ

Эшитилар кўчадан
Сурнай навоси,
Навосидан таралар
Севги вафоси.
Вафо куйин завқидан
Дилим чалар най,
Куйламаган, ёнмаган
Дилни на қилай.
Севганим бор оҳудек,
Юрар олисда,
Тинглаб сурнай навосин,
Дил ёнар ҳисда.
Секин янгра, илтимос,
Сурнай навоси,
Ёр висолин қумсайди
Кунгил ҳавоси,
Булбул хониш қилганда,
Боғда гул уйнар,
Ёр қошингга келганда,
Дил ёниб куйлар.
Сарвибоғим, куй тинглаб,
Келгин яқинроқ,
Қушиқ булиб, куй булиб,
Юрагимга оқ,
Дил оҳимга боқ.

1964

РАЪНО

Табиат гулларга ранг танлаганда,
Камалак чиройин сенда кўрганми,
Ошиқлар ёрига гул жамлаганда,
Муҳаббат рамзи деб сендан сўрганми?
О, раъно, о, раъно, кўнглимга ҳамроз.
Наргис бор, сафсар бор, о, нақадар соз,
Номозшом гуллари — тун фариштаси.
О, раъно, о, раъно, кўнглимга ҳамроз,
Гулмисан, ё юрак, ё ишқ риштаси.

1965

ШОИР ЙУЛИ

Акам Аширмат хотирасига

Қалбим кузгусида пайдо буласан,
Бир қушиқ айтишга ҳозир тургандек,
Индамай мен томон аста келасан,
Шеърхонлик бошлашга қалб буюргандек.

Қулингда китобинг — «Тоғлар ва боғлар»,
Борлигимни элга эслатсин дейсан,
Сунг дейсан, узимни энди кўрмайсан,
Изларинг суроқлаб юрагим йиғлар.

Шунда очилади аста китобинг,
Варақлар куйлайди овозинг булиб,
Унда бор юрагинг, меҳринг, хитобинг
Қушдек қанот қоқар парвозинг булиб.

Дилларни аллалаб сен йул бошлайсан,
Шух ва шошқин Кофирниҳон буйига,
Тоғлар ошиб, яшнаб қадам ташлайсан,
Соҳибжамол Вахш қизларин уйига.

Вахш боғларин жондан севиб куйлайсан,
Бориб келай дейсан яна Кулобга,
Қушиқ битсанг, янгисини уйлайсан,
Баъзан сархуш дил берасан гулобга.

Баъзан қаҳринг тошиб сарқит, ёмонга
Қаламингни чархлаб наштар қадайсан,
Яхшиликни кўрсанг тўлиб илҳомга,
Хурсандлигинг чеки йўқдир, яшнайсан.

Сир буйлари, туғилган Нов қишлоғинг,
Ёдга олсанг тоғлар ошиб келасан,
Шеърлар билан тўлиб тошар варагинг,
Дўстлар сари селдай тошиб еласан.

Мана бугун қайтиб келиб элингга
Бош қўйдинг сен мангу она тупроққа,
Баҳор ошно бўлсин дея дилингга
Дўстлар сени қўйди кўркам гулбоққа.

1964

ТАНОВАР

Мукаррама Тургунбоевага

Сеҳринг борми, қадим «Тановар»,
О, раққоса, мафтункор азминг,
Куй қаноти қуллар сеҳргар,
Асир айлар дилни рақс жазминг,
Куй таралар, Мукаррамахон,
Яралганми сен-чун «Тановар»?
Ҳар мақомда жозиба, туген,
Кузни дилга боғлаб, забт этар.
Суйлар рақсинг элнинг уйларин,
Ул гузаллик буюк куйларин,
Келинларнинг шўх ишва, нозин,
Дилбарларнинг нафис парвозин.
Сен рақс тушсанг ақл танг қолур,
Дилда сунмас чунг оҳанг қолур,
Буюк элнинг буюк меҳрисан,
Рақс оламин буюк сеҳрисан.

Рақс тушасан, Мукаррамахон,
Яратдинг сен рақсда гул жаҳон.

1964

ЕВВОЙИ БОДОМ

Тоғ бошида, харсанг қошида
Оқ бодрокдай гуллабди бодом,
Оппоқ булут — румол бошида,
Улар менга келтирди илҳом.

Бодом қолди қоя устида,
Чор атрофи чунг харсанг, тошлар.
Юрак унинг гул ҳавасида,
Завққа тулиб аста куй бошлар.

Тоғ бошида ўсган бодомим,
Сен урмоним, гул табиатим,
Сен тоғ гули, қушиқ, илҳомим,
Сен баргагим, нозу неъматим.

1965

КИТОБ

Қуёшга қиёсдир донолар меҳри,
Ёзган китобларин мангулиги бор,
Ундаги табаррук сатрлар сеҳри
Эзгулик қадрини айлайди изҳор,
Донолар китоби умр йўлдоши,
Ташнага чашмаю ниятга ҳамроҳ,
Қоронғу тунларда у дил қуёши,
Олам нафасидан айлайди огоҳ.
Севишган дилларга эзгу ишқнома,
Ҳаёт йўлларида йўлчи юдуз у,
Китобга дил бўлса агар парвона,
Умрни ёритар ҳаётбахш ёғду.

1965

ОШИҚ ЮРАК

Ишқ утига қалбини ошиқ ҳавола айлар,
Ёр қошини тунлари сунмас ҳилола айлар.
Агар кўнгил васлига бўлолмаса муяссар,
Куйган бағрин куйдириб ўзини лола айлар.
Васли ҳижрон доғидан дафтар очса ёрига,
Оҳу дилимни лим-лим тўлган пиёла айлар.
Пиёлани қўлида тутармикин деб ёрим,
Булбул каби васфини юракдан нола айлар.
Ёнган юрак куйласа очилармиш гунчалар,
Ёрим гулдай очилиб қачон ишора айлар.
Ёнган юрак оҳини куйга солди бу ошиқ,
Ҳар сатрига дилини бўлиб минг пора айлар.
Пора дилни ҳар куни кузи айлар минг пора,
Пора дилга раҳмини қачон ҳавола айлар.

1966

МЕЪМОР

Меъмор туни билан ухламай чиқди,
Субҳидам у билан хайрлашди ой,
Булбуллар чаҳ-чаҳин боғлардан йиғди,
Гунчалар келиндай саломга чиқди,
Олам чехрасида бунчалар чирой.

Чуққидан жилмайиб салом берди кун,
Унинг кокилларин уйнарди анҳор,
Узи билан олиб кетарди тўлқин,
Оқин тўлқинларда оқарди учқун,
Қуёш саховатин уйларди меъмор.

Ёғду ва иссиқлик чулғар уйини,
Қалбида шу савол бирдан барг ёзар,
Тўлқинда бунчалик қуёш уйини,
Уйларди қоғозга чизган уйини,
Не булар шулардан олса андоза.

Табиат шунчалар қулайлик истар,
Унинг кўҳлиги бор бир-бирига мос,
Инсон вужудини юрак иситар,
Сохта бўёқларнинг ранги тез кетар,
Қолар қоялардай мустаҳкам асос.

Боқий гузалликни чизар қоғозга,
Бизни унутма дер қуёш, табиат.
Уйларинг ухшасин дилдаги созга,
Берилма жимжима, қуруқ пардозга,
Акс этсин уйингда ҳаёт, муҳаббат.
Меъмор,
Санъатингдан олам умидвор,
Чунки шу оламга у сендан ёдгор.

1965

ЧОЛҒУ НАФАСИ

Утди булиқ қамишзордан от,
Кузак эди, уроқ маҳали.
Эсиб қолар кучли ел бот-бот,
Тузғир эди узун от думи.
Қамишларга илинди қиллар,
Юлиб қолди бир нечитасин,
Поялардан чиқди «тинг...», «тинг...»лар,
Эслатарди чолғу нафасин.
Уйлаб кетдим бу қизиқ ҳолни,
Куйлар эди қамиш ва тола.
Соз тарихи тортди хаёлни,
Ушанданми дедим куй, нола.

1997

КУЗЛАРИНГНИ ЯШИРМАГИН

Кузларингни яширмагин мендан, муҳаббат,
Сузларингни яширмагин мендан, муҳаббат,
Азиз номинг муҳаббату ўзинг муҳаббат,
Ёниб турган жозибали кузинг муҳаббат.
Бу дунёда сендан ортиқ гузал бормикин,
Муҳаббатни қўйламаган газал бормикин,
Кузларингни яширмагин мендан, муҳаббат,
Сузларингни яширмагин мендан, муҳаббат.
Сузинг билан этмасанг ҳам меҳрингни аён,
У шўх кузинг айласа бас бир имо, жонон.

1997

ДИЁР ТАРОНАЛАРИ

Диёрим, сулувсан, оҳанграбонг бор,
Турт фасл нуроний обу ҳавонг бор,
Ўзлигинг, қўшигинг, бешик навонг бор,
Дилларни етаклар тароналарга.

Олдинга интилуру умидли дунё,
Инсонга йулчи бахт, гоҳи муаммо,
Яхшилик — дунёга ёйилган зиё,
Дилларни етаклар тароналарга.

Диёрим, истиқлол бахту баҳоринг,
Бунёдкор йўлларинг кўрку жамолинг,
Дунёга қадрли азму камолинг,
Дилларни етаклар тароналарга.

Оталар йўллари эзгулик эрур,
Ёшларга бахт, толеъ орзулик эрур,
Аҳиллик, тотувлик мангулик эрур,
Дилларни етаклар тароналарга.

Диёрим, фориғсан ғамхоналардан,
Иқболинг бонг урур дурдоналардан,
Бахтингни асраймиз бегоналардан,
Дилларни етаклар тароналарга.

1996

ЗУЛФИНГ

Кокилингнинг бир толаси —
Юрагимнинг минг ноласи,
Минг бир кеча васфин десам,
Булмас унинг ниҳояси.
Сарву қадинг кўркам булиб,
Мажнун ниҳол зулфинг эрур,
Тутсам уни айлади маст
Боғ раъноси, тоғ лоласи.
Ишқ ҳаётдир, дорим булма,
Торим булгин — мушки анбар,
Давраларда дўстлар аро
Булгин дилим таронаси.
Занжир десам раво эрмас,
Кун нуридай ҳаётбахшсен,
Шунинг учун ошиқ айлаб,
Булдинг қўшиқ, дил ноласи.
Кокилингнинг бир толаси —
Юрагимнинг минг ноласи,
Минг бир кеча васфин десам,
Булмас унинг ниҳояси.

1966

АФСОНА

Салқинладим чинор тагида,
Яшил барглар шивирлаб турар,
Сув ҳақида, Фарҳод ҳақида
Бу ерларда афсона юрар,
Уйлаб кетдим ким булган дея,
Афсонани яратгон зотни,
Барглар аро кун боқиб қия,
Деди: — Урган ўтмиш ҳаётни...
Китобларга кетди ҳаёлим,
Тошлардаги ёзувларга ҳам.
Тополмади жавоб саволим,
У эскидир китоблардан ҳам.
Шунда барглар аста шивирлаб,
Жўяклардан сувлар жилдираб,
Хониш билан кўкдан тургайлар,
Қанотларин уйнаб, пилдираб,
Афсонани варақладилар,

Айтувчиси, дейишди, куклам!
Куклам булса жилмайиб деди:
У мең эмас, ижодкор одам!

1966

ГАВҲАРИМ

Йул оласан тонгда, ёрим, далага,
Юзинг ухшар қирда усган лолага,
Изларингдан юриб боқсам юзингга,
Кулиб дейсан: «Тикилманг қиз болага».

Тикилмоқнинг айби борми, дилбарим,
Сен далани излаб топган гавҳарим,
Гавҳар десам, хандон отиб куларсан:
«Ишқ ёмондир, қолманг яна балога».

Ишқ балосин гирифтори мен узим,
Ғазал булди юрак оҳим, дил сүзим,
Қулингни бер, стаклай чаманларга,
Йулларингни тулдирай гул-лолага.

1966

УСМА

Усма экдим ариқ буйига,
Усиб яшил барра булибди.
Тунов куни қушним уйига
Сарвқомат бир қиз келибди.
Мен далага кетар маҳалим,
Куриб қолдим у қиз — меҳмонни.
Қулларида усма бор эди,
Унитганди жумла жаҳонни.
Усма қуяр ҳилол қошига,
Кокилларин уйнар шўх сабо,
Қараб қуяр қиз ёнбошига,
Нигоҳида бокира, ибо...
Рози булдим яшил усмадан,
Бир гўзални хурсанд этди у,
Меҳнатимни, муҳаббатимни
Қошларига пайванд этди у.

1966

МЕН КЕЛДИМ

Мен келдим уйингга, азиз китобхон,
Қулингга китобим,
Қулингга созим,
Устодлар олдида мендан имтиҳон,
олмоқчисан,
Сенга этаман таъзим,
Сунг аста ултириб эшик олдида,
Қарайман дуруст деб шу ер атайин.
Табаррук уйингга куйлар авжида,
Мендан ҳам сурайсан,
Суровинг тайин,
Қушиқ у —
Қулингга қалбим,
Қанотим,
Бахтлиман уйингга булсам зарра нур,
Сен билан дуст булиб,
хамқалб, ҳаётим,
уйингдаги нурдек кўролса умр.

1967, Тошкент.

РАССОМ

Рассом, санъатингга таҳсин этурман,
Юрак меҳрин ҳаёт кўрки этар у,
Унинг қўлларига қушиқ битурман,
У қўллар улмайди,
У қўллар мангу.
У қўллар инсонга дил сузин берган,
Ҳаётни безатмоқ унинг санъати,
Тошга жон бағишлаб,
Оро келтирган,
Қалбини нақш этган,
Эзгу меҳнати,
Гузалик — Мадонна,
Гузалик — Ширин,
Гузалик санъатнинг ҳаётбахш қули,
Гузалик — безатмоқ уз она ерин,
У билан мунаввар чин севги йули.

1967

БУ ОЛАМ ДУСТЛИК БИЛАН

Бу олам дўстлик-ла мангу барҳаёт,
Унинг неъматига, дўстлар, бир қаранг,
Ҳатто камалак ҳам денгиздан қанот
Кутарса, товланар бўлиб етти ранг.

Қуёш ҳам не учун ёлғиз яшамас,
Азалий йўлдошдир унга еру ой,
У дермиш, бир заррам бекорга кетмас,
Мендан олур олис юлдузлар чирой.

Денгиз ҳам мавж урса шодлиги эрур,
Қирғоққа урилар дўстларни йўқлаб.
Дўсти ким? Сой, дарё ҳаёт келтирур,
Гар улар келмаса қолади қақраб.

Инсон ҳаёти ҳам худди шулардай,
Юрак машъаласи дўстликдир, дўстим,
Дўстликни унутса ким агар қитгай,
Умрига у каму кўстликдир, дўстим.

Дўстлар дийдорига боқсам, юракка
Қуёш кириб келар, меҳрим мунаввар.
Шунда илҳом чуғин ёқсам юракка,
Дўстлик деб тугилар янги сатрлар.

1967

ТОҒЛАР

Тоғлар ухшар инсон қалбига,
Жавоҳирин тутади пинҳон,
Кифтин ростлаб қуёш йўлига,
Кук тоқига булай дер нарвон.
Гоҳи бошин оқ қорга ураб,
Унгирларни этар фаввора,
Гоҳи чақнаб, гоҳи гулдираб,
Ноғорадек қуйлар минг дара,
Сойлар оқар тўлин ой каби,
Дарёларга ёзар қулочин,
Тоғлар бағри баҳори чойшаб,
Лолалардан кияр қулоқчин.
Тоғлар тинглаб баҳор қуйларин,

Табиатнинг булар мафтунни,
Кукка чузиб баланд буйларин,
Гулга буркар сепин ҳар куни.
Гуллар эса еллар ошиғи,
Эртаю кеч узга пардози,
Атир сочмоқ — унсиз қушиғи,
Ўзгачадир тоғлар қиш-ёзи.
Арчалари — сулув усмаси,
Қору ёмғир ювса-да кетмас,
Жилгалари — кумуш тасмаси,
Шухлигига ҳеч нарса етмас.
Дил куркини ошкор этишга
Шошилмаган паҳлавонсимон
Бир-бирига қуйишиб елка,
Мудрагандай боқар ҳар довон,
Зинасидир ҳар бир қояси.

1968

НАВОИЙ КУЧАСИ

Навоий кучаси буйлаб юраман,
Шеърият султонин куйи дилимда.
Осмонга буй чузган уйлар кураман,
Ярқираб қарайди унгу сулимда.
Таъзимкор боққандай ҳар улкан бино,
Қуёш даргоҳида оро бўлибди.
Унинг ҳар гиштидан олиб минг жило,
Дустлар муҳаббати мангу қолибди.
Бир шаҳар минг йилда оёққа турар,
Бир шаҳар бир кунда бўлади вайрон.
Бу жаҳон гоҳида қалқиб, оҳ урар,
Шаҳарлари кетар беному нишон.
Менинг она шаҳрим — Тошкентим эса
Собит йулларида доимо бардам.
Зилзила шикасти, у машъум қисса,
Қолмади дилларда бўлиб ғам, алам.
Қуёшдай ярқираб шаҳрим юксалар,
Қондошлик меҳри у яқин-йироқдан,
Дустлардан обида куркам бинолар,
Порлаб турар ҳар уйдаги чироқдан,
Навоий куй тўқиб олмос тонг чоғи,
Шаҳрим боғларини сайр этар бу қун,

Барг ёзиб дилларда илҳом япроғи,
Дустлар куйларидан мавж урар тулқин.
Пушкин Обой билан келар меҳмонга,
Рудакий, Шевченко айланар боғда.
Махтумқули, Шота юрар бустонга,
Райнис, Колас турар яшил қирғоқда.
Низомий, Тўқтағул қушиғи янграр,
Куйларда дўстликнинг мадҳи жаранглар,
Қадрдон пойтахтим салобат билан,
Раҳмат, дер дўстларга муҳаббат билан.

1969

СЕНИ ЙУҚЛАБ

Сени дилдан севмаган
ким бор, Хоразм,
Сени йуқлаб келмаган
ким бор, Хоразм,
Тупроғингга таъзим
айлаб бир умр,
Чўғ меҳрингни сезмаган
ким бор, Хоразм.
Мен ҳам келдим соғиниб
шўх Сир буйидан,
Пешвоз чиқди гул тутиб
Аму уйидан,
Тутган гули нишона
ҳосил тўйидан,
Чўнг азмингни билмаган
ким бор, Хоразм,
Қизларингни гул десам,
— биз нур дейишди,
Меҳру ишқин сўрасам,
— биллур дейишди.
Дуст-дустини қадрлаб
келур дейишди.
Сени дилдан севмаган
ким бор, Хоразм,
Сени йуқлаб келмаган
ким бор, Хоразм.

1970

ХИВАДА САЙЕҲЛАР

Хивага сайеҳлар келар ҳар куни,
Кўҳна миноралар кўркидан ҳайрон,
Шошилар тошгандай юрак тўлқини,
Нафис нақшларнинг ранги бир жаҳон.
Қул билан силайди панжараларни,
Ишга тушиб кетар фотоаппарат.
Объектив қамрайди кунгураларни,
Ҳар қадамда қанча беқиёс санъат.
Ҳар куни шу аҳвол ёзги паллада,
Хивага сайеҳлар келар оламдан,
Келишсин, кўришсин, баҳра олишсин,
Шу кўркни яратган заргар элимдан.

1970, Хива.

БИР СУЗ

Бир сўз айтгин дединг, биродар,
Уйлаб кетдим унинг ҳикматин,
Тарозига солиб кўрдиму,
Ҳайрон қолдим тортиб қимматин.
Гапнинг рости, бир сўз айтиш-чун,
Дил ганжини ковламоқ даркор.
Сўз туғилар баъзан қиш учун,
Яхши сўздан гуркирар баҳор.
Бир сўз айтиб бир ҳикматли чол,
Яшаб келар балки минг йиллаб,
Бир сўз айтиб, тортиб минг завол,
Утганлар бор дилин чангаллаб.
Сўз ақлнинг кўкида офтоб,
Муз дилларга киритади жон.
Сўз азмининг қаршисида тоб
Беролмайди жумлаи жаҳон.
«Ҳа» билан «йўқ» эгизак азал,
«Ҳа» дан бору, «йўқ»дан йўқ жаҳон.
Ҳар иккиси яхшилик учун
Хизмат этсин, шуни бил, инсон.

1970

ДУСТ-ЕРОНЛАР

Дуст-ёронлар шодлигидан оламда не бор яхшироқ,
Яхшилиқдир ҳар кўнгилни нурга кўмган шамчироқ.

Эзгуликни изласа ким утган умр манзилида,
Яхши ният йулдош бўлса, яқин бўлғай унга йироқ.

Дерлар киши юз-кўзида акс айлағай пинҳон дили,
Лекин шундай диллар борки, уммондан ҳам ул
чуқурроқ.

Осон эрмас бу оламда дуст дилига йўлни топмоқ,
Айтинг, қачон топиловди яхшилиқ-чун йўл осонроқ?

Шу боисдан деймиз доим дил уйига ғам чўкмасин,
Дийдор боғин гулшанида гуркирасин баҳор ҳар чоқ.

Дил тортмаса оёқ элтмас дуст уйига ҳеч кишини,
Дуст дийдори насиб бўлса, ғаму ғусса кетгай йироқ.

Назармат дер: — Даврасидан аримасин бахт
ҳеч қачон,
Олам гузал эрур, дустлар, бўлса агар дил яқинроқ.

1963

БАҲОР, СЕНИ КУЙЛАЙМАН

Диёримнинг ошиғи — гузал,
Табиатнинг ҳур қизи — баҳор.
Битилгандир унга кўп ғазал,
Шоирларнинг дил сузи — баҳор.
Баҳор билан яшарар олам,
Қўшиқ бошлар сойлар, жилғалар,
Адрлар ҳам ёпиниб гилам,
Сийнасида қўшиқ кўзгалар.
Тўрғайларнинг навоси — баҳор,
Шабадалар шўх сози ундан.
Нур сипқориб, яшнаб ҳар ниҳол,
Гуркирар ер пардози ундан.
Замин гули қиш бўйи ухлаб,
Инсон қўлин этади армон.

Табиатнинг қудратин қутлаб,
Унга пешвоз чиқади инсон.
Оро олур қукат жаҳони,
Ғунча кулар боғу роғларда.
Таъзим айлаб баҳор эҳсони,
Ранг танлайди гул-япроқларга.
Азиз тутиб Навруз кунини,
Шодликларин куйлайди диёр.
Фарзанд каби қуёш меҳрини
Юракларга кучирав баҳор.

1970

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Қушиқ

Тоғлар товланур
Қошингда, шаҳрим.
Юлдузлар ёнур
Бошингда, шаҳрим.
Висол айёми —
Бу хуш айёмлар.
Тошкент оқшоми —
Файзли оқшомлар,
Нурли оқшомлар.

Сокин мавжланур
Зумрад кулларинг.
Янграб авжланур
Дилбар куйларинг.
Шодлик айёми —
Бу хуш айёмлар.
Тошкент оқшоми —
Файзли оқшомлар,
Нурли оқшомлар.

1970

ЭСИНГДАМИ?

Жубан Молдагалиевга

Эсингдами, Жубан, уруш йиллари,
Йигит эдик, жангчи эдик навқирон,
Эсингдами нотинч Сожнинг ёллари,
Сочни юлиб, ердан кутарган тузон.

Гоҳи қалам, гоҳи қурол қулдаю,
Мардлар билан бирга кирардик жангга,
Жангдан чиқиб кўзларимиз йўлдаю,
Қофияни улар эдик оҳангга.

Мардларимиз қанот бағишлар шеърга —
«Тупчи», «Хужум», «Ботир», «Она Ватан»га,
«Оҳ» дердик бир жангчи йиқилса ерга,
Қувонардик улар ўтса олдинга.

Дўстим Жубан, эсингдами Майданек,
Ёв куйдирган ҳадсиз, гуноҳсиз танлар,
Гар эсласак жангни кеча кўргандек,
Унут бўлмас ўша машъум гулханлар.

Куп қон оқди зафар тонги отгунча,
Тўрт йил кутди уни нотинч бу жаҳон,
Куп йил керак ҳали у дард кетгунча,
Қаердадир тўкилмоқда яна қон.

Дўстим Жубан, меҳмонимсан уйимда,
Жанг йиллари бехос келар хотирга,
Қалб созимиз янграр тинчлик куйида,
Лекин дард ҳам гоҳ чўкаркан сатрга.

Дўстим Жубан, кел, куйлайлик бирга биз,
Фидойилар унутилмас ҳеч қачон,
Таъзим айлаб мардлар ётган ерга биз,
Қалам тутиб, элга бўлайлик посбон.

1971

ШИРИННИ КҮРДИМ

Сени куйлайман, Ширин,
Сулим тонг гашти билан,
Қушиқ айлай қалб меҳрим —
Муҳаббат меҳри билан,
Сени куйлайман, Ширин,
Янги шаҳар Навбахор,
Тақир саҳро тақдирин
Узгартирган гул диёр.
Куйга тулиб тонг отар,
Қушлар бошлар анжуман,
Шабадалар муаттар,
Мушкин уфурар чаман.
Ҳар кучатда бир жило,
Курки эрур бир жаҳон,
Бошоқларда таманно,
Ҳар битгаси бир хирмон.
Бахтни кўрдим Ширинда,
Фарҳодга қул берганда,
Мирзачул тақдиринда,
Баҳорга йул берганда.
Кўрдим Ширин шаҳрини,
Яралмоқда чаманзор,
Чулга гулшан баҳрини
Олиб келган навбахор.

1971

МЕН ЖАНУБДА ҚОЛДИМ

Мен жанубда қолдим сарҳадбон бўлиб,
Гул кўркидан юрагимни узолмай,
Қарши олди она дарё жуш уриб,
Қандай кетай тўлқинида сузолмай.
Ҳовучимда томчилари дурдона,
Эслатдилар менга кўҳна дунёни,
Соҳиллари булган жангтоҳ, утхона,
Ёниб битган бечоралар ошёни.
Қовжираган водий кўрки чаманлар,
Қалъаларнинг ўчган ному нишони,
Бунда Доро, Искандару Чингизлар,
Тирик жонни этган камон нишони.

Эл варақлар кўҳна тарих китобин,
Суҳбат чоғи боболардан тингладим,
Эшитдим у ўтганларнинг хитобин,
Улар билан бирга мен ҳам инградим.
Чаманлардан утар эканман хуррам,
Қўлга милтиқ олгим келди шу вақтда,
Қўйилмасин дейман энди ёт қадам,
Сергак турмоқ фарзанд бурчи сарҳадда.
Мен жанубда қолдим сарҳадбон бўлиб,
Гул кўркидан юрагимни узолмай,
Қарши олди она дарё жуш уриб,
Қандай кетай тулқинида сузолмай.

1971, Термиз.

ЖОМ ҚИРЛАРИДА

Дустим Ҳамдамга

Самарқанднинг зумрад ғарбида
Жом аталмиш ажаб қишлоқ бор,
Қуёш порлаб яшил кўркида,
Адирларин ошиғи баҳор,
Кўрсатганда чечаклар рухсор,
Табрик учун келар қалдирғоч,
Учиб дейди, мен сенга хуштор,
Яшнаб яна чиройингни оч.
Пилдирайди кукида турғай,
Майсазорлар тўйи бошланар,
Беданалар сайраб пайдар-пай,
Табиатнинг куйи бошланар,
Тоғдан эсан шабада сархуш
Кезиб утар ўтлоқлар аро,
Рақсга тушар бўлиб маст, беҳуш,
Сут келтирган бошоқлар аро.
Жом қизларин сочлари чамбар,
Тортқилайди тебраниб бошок,
Инсон меҳри мисоли гавҳар,
Улуғлайди уни зар тупроқ,
Табиатнинг жозоба хуснин
Айтган билан бўлмайди тамом,
Дилга қирлар ёввойи тусин
Узгартганлар келтирар илҳом.

1988

ДУСТ ДИЙДОРИ

Хаёлда курамиз нуроний юзин,
Дилкаш суҳбатларин, гурунгларин ҳам,
Эслаймиз у айтган доно ҳар сузин,
Бердиёр фарзанди, мураббий Ҳамдам.
Эл тили дунёси бўлди туганмас,
Маърифий йулларда доим барҳаёт,
Ундирган гулшани гуркирар, сунмас,
Қолди чунг илмидан эзгу хотирот.
Табаррук дийдори кезиб дилларда,
Дониш давраларда суҳбат куради,
Ялангбош, кузойнак... дарсхоналарда,
Шогирдлар қалбида нурдай юради.
Курсдошмиз, тенгдошмиз, дилкаш
домулла,
Нур эрур табаррук фан маконида,
Она эл маърифти яшар доимо,
Юлдузлар куп Самарқанд осмонида.

1988 йил, май, Самарқанд.

АБАДИЙ ДОСТОН

Ҳамид Олимжон хотирасига

Жангчи эдим утли йилларда,
Зилзиладай қалқирди майдон.
Шеърингизни айтиб дилларда
Жангга кирдик, Ҳамид Олимжон.

Жанг йулида қолди изингиз,
Оқошларда бирга бўлдингиз.
Ялов бўлди оташ сўзингиз,
Туфонларда дарға бўлдингиз.

Зафар чоғи диёрни қутлаб,
Шеърингиздан яралди бустон.
Сиздан бахту баҳорни сўйлаб
Элга қолди абадий достон.

1971

САРДОБА

Чул бағрида қадим обида,
Инсон йулин кўҳна бекати,
Саратоннинг чуғ офтобида
Диллар ениб, қолмас тоқати,
Лаблар қуриб, сув излар нигоҳ,
Мадор сўрар алдамчи сароб,
Топилмаса сув тўпланган чоҳ,
Булар карвон аҳволи хароб.
Инсон пайдо бўлгандан буён
Йулда утар заҳматкаш умри,
Излаб толеъ, ҳаётбахш ошён,
Кетган мадор, кузидан нури.
Инсон юрса оёғи куйиб,
Саҳроларда тентираган оч,
Юрагини ташналик уйиб,
Қолиб кетган чўл ҳам яланғоч.
Мадад кутиб парвардигордан,
Чулда кезган карвон сарсари,
Сув топилган на чоҳ, на гордан.
Пуст ташлаган сарбон лаблари.
Дарё олис, сой ҳам йироқда,
Чул бағридан излаган жилға,
Нажот кутиб азиз тупроқдан,
Кириб борган унинг бағрига.
Пайдо бўлган сизот ертўла,
Сардоба деб қўйишган отин,
Отланганда карвонлар йулга,
Мулжал этган у об ҳаётин.
Азиз бўлган уша қўлмак сув,
Бекат бўлиб, йул очган сарбон,
Баҳор кўрки бўлиб бир орзу,
Гулхан пуркаб ёнган биебон.
Саҳроларда суви сардоба,
Дармон бўлган ташна дилларга,
Ўз тарихин уша обида
Айтиб берган дайди елларга.
Мирзачўлда қадим сардоба,
Эслаб кетдим кўҳна тарихин,
Ёнбошида шовуллаб чўлга,
Ўтган Сирнинг ёздим таърифин.
Сардобага ҳикоя сузлаб,
Сув келтирди чўлга Фарҳодлар,
Эл унутмас аждодларини,
Сув излаган мардларни ёдлар.

1971

ХАТИН НИДОСИ

Аста юринг бу хоки покда,
Йулкаларда бош эгиб тухтанг,
Унутманг, дер азиз тупроқдан
Кутарилган мунгли бир оҳанг.
Тилсиз еллар шивирлашида
Қунғироқлар нидоси такрор.
Япроқларнинг шитирлашида
Шаҳидларнинг чеккан оҳи бор.
Йул устидан қуринар қишлоқ,
Қишлоқ эмас, яқинлаб қаранг,
Уй ўрнида мўри, қунғироқ...
Таралади дардли бир оҳанг:
Номимни дер Хатин қишлоғи,
Дехқон эдик, аҳил оила,
Қуркам эди урмон, утлоғи,
Экинларга кон эди дала.
Ҳаёт эди осуда, маъмур,
Рози эдик тақдиримиздан.
Келиб бир кун уйга ёв қонхўр,
Қувмоқ бўлди ўз еримиздан.
Довул этди қишлоқ қаҳрини,
Жангга кетди йигитлар, қизлар.
Даҳшат солди ёвга ҳар куни
Урмонларда оташли излар.
Душман қулин чўзди қишлоққа,
Ёқди унда дузахий гулхан.
Тукилди қон она тупроққа,
Хатин қишлоқ йўқ бўлди бирдан.
Қасос ўлмас, эл қаҳридан ёв
Хазон каби тукилди ерга.
Ўч олди эл ёвдан беомон,
Мурдаларин хор этди гурга.
Ўтди уруш, битди жароҳат,
Лекин йиғлар Хатин қишлоғи,
Зиёратгоҳ сўнмас жасорат,
Муқаддасдир унинг тупроғи.
Душманга буй эгмаган мардлар
Бунда ётур хок, губор бўлиб,
Асрларга уни фарзандлар
Олиб утар дард-ёдгор этиб.

Аста юринг бу хоки покда,
Йулкаларда бош эгиб тухтанг,
Унутманг, дер азиз тупроқдан
Кутарилган мунгли бир оҳанг...

*1972, Хатин,
Белоруссия.*

ПАХЛАВОН

Туғилмаган она бағридан
Азали у паҳлавон бўлиб,
Ерни севди ёшлик чоғидан,
Улғайди у мард деҳқон бўлиб.
Дўст деб билди ҳар оғир ишни,
Ёзда кифтин қиздирди офтоб,
Енг шимариб кутди қор, қишни,
Пайкалларга таратди яхоб.
Кураш бўлса тушди даврага,
Қуч синаб, гоҳ ҳакам бўлди у,
Гоҳи «нозик» дўстлар учраса,
Ҳолларини куриб кулди у.
«Шалвирамай кет», — деб

уктирди, —

Ярашмайди сенга бу сифат.
Ким бу хилда мужмайиб юрди,
Қани, бундай кучингни кўрсат».
Тортиб уни кураш, даврага,
Боғлар кейин белига белбоқ,
Бошланади кураш уртада,
Топилади «рақиб» ҳам шу чоқ.
Сайлларни қизитиб шу хил,
Булди элда у марди майдон.
Ким спорт-да шуғулланса, бил,
Эл ҳурматлаб дейди паҳлавон.

1972

СУНМАС ҚУШИҚ

Ғафур Ғулом хотирасига

Тароналар янграр элимда,
Улар сенинг куйларинг, устод,
Сунмас қушиқ меҳри дилимда,
Хотирлайман сени умрбод.
Қолдиргансан қушиқ табаррук,
Дарғалардай куйларга сардор,
У дилларга оромбахш, суюк,
Куйимизда мангу байроқдор.
Сатрларда утли нафасинг,
Гулистондир элга бу илҳом,
Боқий қолиб шеърят қасринг,
Боғбонисан, Ғофур ал-Ғулом.
Хуштабиат, ҳазилкаш, зукко,
Завқ элтасан наслларга сен.
Навоийдек сен ҳам чўнг даҳо,
Куй элтасан асрларга сен.

1973

НАЗАР АЙЛА

Кунгил боғин гули сенсан, унга, эй ёр, назар айла,
У гул васфин куйласам оз, ёниб минг бор назар айла.
Дилда унган ишқ ғунчаси оро олсин гул юзингдан,
Уни, дилбар, яшнатишда бўлгин баҳор, назар айла.
Баҳор курки муҳаббатнинг қушиқ бўлган дил

розидир,

Севги қадрин утар куйлаб ошиғи зор, назар айла.
Гулшан аро булбул каби йулларингда хониш айлаб,
Изларингдан юрганимда дея ким бор, назар айла.
Висол меҳрин шодлигига етар куннинг дардини сур,
Ҳажру оташ йўлда бўлма сен жафокор, назар айла.
Қурқаман, ёр, висолингга талпиниб бу парвона дил,
Мажнун каби ишқ даштида бўлмаса хор, назар айла.
Дилда унган ишқ ғунчасин чаман айла йулларингга,
Назар меҳри бу ғазалда, унга, дилдор, назар айла.

1975

ГУЛ ВА ГУЛХАН

Фашизмга қарши урушда ҳалок бўлган
ҳамқишлоқларим хотирасига

Новда гулхан ёнар, мангу хотира,
Турибман, кўз ёшим тухтамас сира,
Ел аста тўзгитар гулхан чўгини,
Эслатар дўстларнинг бунда йўгини.
Атомулло, Бурҳон, Гайбулло дўстим,
Абдурахмон, Саид, Абдулло дўстим,
Маматкарим, Қодир, Аҳмад, Исоқжон,
Мингдан ортиқ новлик бўлибди қурбон.
Шу сунмас гулханнинг чўғи бўлибсиз,
Олис улкаларда мангу қолибсиз,
Табаррук изингиз қани, дўстларим,
Нуроний юзингиз қани, дўстларим?
Қани у дилларга нур берган дийдор?
Мармар харсангларда бўлибсиз ёдгор,
Оқ сочли оналар турибди хомуш,
Фарзандлар доғидан уларда йўқ хуш.
Утгиз йил бўлибди ҳамон интизор,
Қутишар сизларни эрта, кеч, наҳор,
Йиғлашдан кўзларда ҳеч қолмаган нам,
Қулдаги гулларга сочилган шабнам,
Сочилган шабнамлар — кўз ёши улар,
Мармарлар — оналар бардоши улар.
Ёзиқлик у тошлар ёдгорлик жойи,
Муқаддас хотира, бедорлик жойи,
Шунинг-чун қулларда даста-даста гул,
Қуйилар мармарга аста-аста ул.
Қуёш ҳам паст тушиб бўлган лоларанг,
Шаҳидлар қонини эслатарми ранг?!
Бу ердан аримас гул бундан буён,
Гулхан ҳам сунмайди бунда ҳеч қачон.
Оналар гул қўяр, ўқиб термулар,
Оталар кўзида ҳалқоб ялтирар,
Шаҳидлар ёди у ёлқинли зарҳал,
Ватан меҳри билан тикланган ҳайкал.
Қадамжой бўлган у, келур авлодлар,
Фидоий мардларин таъзим-ла ёдлар,
Ҳар учкун чўғида мардлар қалби бор,
Бу ерда эл мангу қуришар дийдор.

1975, Нов.

ОТАЖОНИМ

Отажон, сиздан яқин оламда ким бордир менга,
Тарбиянгиз бир китобки, унда бахт изҳордир менга.

Гоҳи хомуш, лол куринсам, ургилиб қошимдасиз,
Ухламай кечалари жонингиз нисордир менга.

Сизга боқсам оқ сочингиз эслатур умрим йўлин,
Ҳар толасин кузга суртгум, мисли баҳордир менга.

Отажоним, у табаррук номингизни ҳар куни,
Қайда булмай, тилга олсам, у мадақордир менга.

Мен учун эзгу эрур босган изингиз доимо,
Не машаққат чекмаган дил мангу ғамхордир менга.

Куз нурунгиз таъзим айлар йўлингизга бир умр,
Токи борман таълимингиз йўлчи сардордир менга.

Орзу-ўйим, отажоним, раҳмат айтиб сизга эл,
Яхши фарзанд кўрди деса, шу ифтихордир менга.

1975

АЙЛАНУР

Боғда ким бор, ким у танҳо айланур,
Ё гулшанда субҳи сабо айланур.

Субҳи сабо соғиндими гулларни,
Бош эгиб ё гули раъно айланур.

Қуёш чиқди, ёғду тутди оламини,
Кузим тушди — боғда барно айланур.

Деразамни ланг очдиму эгилдим,
Ёлғиз эмас, Фотма, Зуҳро айланур.

Қушни қизлар гуллар терар ким учун,
Ё дилларда ишқ бедаво айланур.

О, оташ ишқ, асирингмас қайси дил,
Сен-ла ҳаёт мангу, дунё айланур.

1974

ЭЛ УНУТМАС

Эл унутмас синов кунларин,
Хотирида сақланар ҳар он,
Унга улаб умр мазмунларин,
Унинг билан топади жаҳон.
Қирқ биринчи йилнинг туфони
Қайси дилда қолдирмаган из,
Шу қадар кўп инсонлар қони
Тукилганми аввал, айтингиз?!
Ерга боқсам, ер нафасидан
Шаҳидларнинг нидоси келур.
Жангчиларки, номаълум кетган,
Кутманг деган видоси келур.
Голиб қайтган ҳар марди майдон
Хотирида ўша жанг-оташ,
Бева қолган оналар ҳамон
Жудоликдан йиғлайди яккаш.
Ким билади, қайси диёрда
Хоки қолган шаҳид мардларнинг.
Хаёл булиб ёр дийдорида,
Сунгги йўқдир оғир дардларнинг.
Қулда ёрин саргайган хати,
Аста очар букланган қатин.
Унда қолган ёр муҳаббати,
Қарғар йиғлаб урушнинг отин.
Эл ҳар йили баҳор чоғида
Зафар кунин эслайди хурсанд.
Оналар дер, дийдор доғида:
«Қачон қайтар урушдан фарзанд?»
Жудоликнинг борми охири,
Адо қилди кўпларни кутиш.
Деймиз, булсин у энг охирги —
Бизлар кўрган, қон тўккан уруш!

1980

ТОҒЛАР ҒУЗАЛИ

Айни қиш чилласи, эсиб изғирин,
Арчазор адирга ёғди қалин қор.
Тентираб, мадорсиз излаб ризқ-рузин,
Охири оч қолди нимаики бор.

Йул бошлаб чеккадан оху онаси,
Толиққан, заминдан узмасди кўзин.
Тимискилар ерни, келмас ўт иси,
Оҳ, қанийди у кўрсатса узин.
Қимтиниб, талпиниб, суришиб, бир-бир,
Митти тўқличалар йул босур ортдан.
Қийиндир жонворга қиш куни, муз-ер
Уларни айирган қор хашак-ўтдан.
Қишлоқ яқинида, арчазор қирдан,
Озиқ истаб, излар инсон паноҳин.
Нима кутар, билмас улар тақдирдан,
Ўт истаб, қишлоққа ташлар нигоҳин.
Аёзли кечада қирдан оҳиста
Тушиб келар пастга тентиб, бемадор,
Қишлоқ чети сарой, кўз ғарам, хасда...
Сарой эгасига дуч келар наҳор.
Четга олар узин соҳиб хонадон,
Оху болалари шошар томоққа.
Паноҳ истаб келган оҳуни инсон
Туйдириб, тонг чоғи кузатар тоққа.

1980

ТАНДИР ЁНИДА

Тандирдан узар бўрсилдоқ ширмон
юзи ширмоним,
Яқин келувдим тандир ёнига,
ўт олди жоним.
Тандир тафтими қалбимни ўртаб,
олов олдирган,
Ёхуд узими тандир чўғини
дилда қолдирган.
Узиб ширмонни, олинг, дер яшнаб,
лаблари хандон,
Олиб синдирсам, куйдирди бирдан
қулимни ширмон.

Паҳ-паҳ деб шошиб куйдим саватга,
қулим қоврилар,
Дил эса азал ут олган эди,
баттар ловуллиар.
Синган кулчани элтар лабимга
жилмайиб жонон,
Лабим куйса-да тишладим, чунки
азиз ишқу нон.

1980

О Ҳ У

Тоққа чиқдим, тараларди чуққидан ёғду,
Ҳушим олиб, кунинди бир дилрабо оҳу.
Қанот боғлаб учдим уша ёғдуга томон,
Қалбим дерди, билармисан, қандайин моҳ у.
Талпинардим, харсангларни айланиб, шошиб,
Жилмаярди тош ортига беркиниб гоҳ у.
Яқин борсам, нари туриб, ноз билан қараб,
Қабутардек қанот ёзар нигоҳи жоду.
Етиб, боқсам қуёш эди шахло кўз оҳу,
Оҳ тортдимү шошиб дедим: «қаерда, оҳ, у»
Оҳимни ҳис этиб дилбар, кулиб бепарво,
Бошин илғаб деди: «Жойим — олис даргоҳ у».
Чақирардим мулоқотнинг шодлик чоғига,
Тоғ гўзали териб лола деярди: «о, хув!...»
Таъзим айлаб аста юриб келсам ёнига,
Гуллар тутди ташлаб менга ўтли нигоҳ у.
Лолазорда танишдик биз, баҳордай яшнаб,
Чаманлардан олиб юрди, бўлиб ҳамроҳ у.
У гул эди, қулимда кўп гуллар бўлса-да,
Қалбим дерди, гулинг-ку гул, ягона, оҳ, у.
Хайрлашдик баҳор чоғи гуллар фаслида,
Изларини излар эдим мисли паноҳ у.
Тоғлар эса такрорларди ажиб бир садо:
«Севги мендай баланд эрур, машаққат роҳ у».
Юрагимда қолди лола — тошқин шалола,
Ёдга келур соғинтириб, севганим, оҳ, у...

1980

БАҲОРИМ

Номинг баҳор, баҳорим,
Гуллар ичра гулнорим,
Кетиб дилдан қарорим,
Соғиниб ой жамолинг,
Куйлагайман висолинг.

Севгинг эрур ҳаётим,
Васлинг эрур қанотим,
Меҳринг эрур нажотим,
Соғиниб ой жамолинг,
Куйлагайман висолинг.

Гуллар этганда ханда,
Куриб сени чаманда,
Бирга юрсанг ёнимда,
Таъриф айлаб жамолинг,
Куйлагайман висолинг.

Баҳор келди базмга,
Гуллар чиқди таъзимга,
Нигоҳим зор изинга,
Соғиниб ой жамолинг,
Куйлагайман висолинг.

Қулим тутсин қулларинг,
Чаман бўлсин йулларинг,
Элтай севги гулларинг,
Соғиниб ой жамолинг,
Куйлагайман висолинг.

1980

СЕНИНГ КАМОНИНГ

Тошкентнинг икки минг йиллигига

Нагун шуд сари шоҳи Яздонпараст,
Бияфтад чочи камонаш зи даст.

Фирдавсий

«Яздонпараст шоҳнинг боши эгилди,
Чоч¹ камони қўлдан тушиб, йиқилди».
Шундай ёзган «Шоҳнома»да Фирдавсий,
Маҳв этилган шуҳратпараст бир осий.
Қизиқтирмас мени шоҳнинг хор жони,
Хаёл тортди қўлда тутган камони.
У ишланган Чочда — қадим Тошкентда,
Аҳли моҳир ҳунарманд бир ёш кентда.
У на Чиндан, на бошқа бир заминдан,
На бир ёдгор шоҳу моҳу парвиндан.
Яратилган у шу элнинг меҳридан,
Яроқланган моҳир қўллар сеҳридан.
Ёвлар қурққан у қадимий камондир,
Бугун яна у машҳури жаҳондир.
Мен ҳам эслаб камонингни, Тошкентим,
У буронли тарихингга шеър битдим.
Салор буйи, Мингуриқда камонсоз
Яшаб қўйган уз касбига зур ихлос.
Уйи бўлган утли устахонаси,
Тўхтамаган элда уруш ваҳмаси.
Жангга кетган тонгда туриб йигитлар,
Жонга теккан ҳар кун уру йиқитлар,
Босқинчилар тупланишган ҳар ёнда,
Пайдо бўлган шунда камон майдонда,
Ўткир ёйи учган қушдай олисга,
Довруқ солган қанча элу улусга,
Толе истаб қўлга олган посбонлар,
Ўзига зеб бериб гердайган хонлар.
Ғурур кезган жойда омон топмас жон,
Соғ қолмаган ҳатто Рустами дoston.
Нуноқ қўлда камон қанотсиз қушдир,
Зафар қучмоқ мисли бекорчи тушдир.
Усталарнинг меҳри сингиб камонга,
Оқ каптардай учирганлар жаҳонга.
Тоғлар кезиб овдан ўлжа кутганлар,

¹ Тошкентнинг қадимги номи.

Тоққа камон расмин чизиб кетганлар.
Беллашувлар, сайилларда учқур ей,
Қушган мардлар шуҳратига шон, чирой.
Уста булса чиқиб тоққа, довонга,
Сурх еғочлар излаган у камонга.
Ният қилган осойишта ризқи рўз,
Сарҳадларда камонлари айтган сўз.
Истаган у тинчлик, омон диёрга,
Қон тукмасин деган камон бекорга.
Камонсозлар кўрсатишиб санъатин,
Сайилларда кутишган шон, шуҳратин.
Мардлар унга очганида қулочиң,
Эслаганлар устасин ҳам юрт — Чочин.
Асрларга ўтсин деган камоним,
Ёвузларни ютсин деган камоним.
Шунданми у маҳоратда байроқдор,
Беллашувда фарзандларга мадақдор.
Шунданми у эъзоз она юртида,
Қанот ёзар мардлар маҳоратида.
Чиқди бугун элдан унга толиблар,
Жаҳон буйлаб донғи кетган голиблар.
Тарих эрур кўҳна умринг — камонинг,
Ардоқлигинг, ҳар жабҳада камолинг.
Қитъалардан келур сенга меҳмонинг,
Тинчлик, меҳринг бу оламга эҳсонинг.
Чоч камони, қадим Тошкент камони,
Билар сени башарият жаҳони.
Билар элим, билар диёрим бахтин,
Икки минг йил умр кўрган пойтахтин.

1983

У ЙИГИТЛАР, У ҚИЗЛАР

У йигитлар, у қизлар,
Жангда эди ёнма-ён,
Ботир эди ой юзлар,
Бир-бирига қадрдон,
Ёдда жасоратлари,
Ёдда муҳаббатлари.

Портлаганда ер, жанггоҳ,
Эшитилди ундан оҳ,
Ишқ аҳдида бор улар,

Эл ёдида бор улар,
Уққа учган муҳаббат
Фарёдида бор улар.

Олам нури муҳаббат,
Унга ҳар дил етишсин,
Ишқ қудратин жасорат,
Азмига тенг этишсин,
Ишқни асранг бурондан,
Гуллар терсин жаҳондан.

О, муҳаббат қудратвор,
Қуёшмисан оламга,
Аёзмисан, ё баҳор,
Йулдошмисан одамга,
Берма ошиққа озор,
Йулинг булсин гулбаҳор,
О, муҳаббат қудратвор,
Йулинг булсин чаманзор,

1984

ЁР БИЛИНАР САДОҚАТДА

Ёр, қошингдан олганми қалдирғочлар қанотин,
Яшил тоғлар асаллари бол лабингдан тоғларин,
Ул қайрилма қаро қошинг жоним кўкин ҳилоли.
Лабинг эса бол кавсари, ширинпазлар хаёли.

Паривашлар жамолинга қиёслайди зотларин,
Боғлар эса олур сендан навбаҳор бисотларин,
Ёр билинар садоқатда, булса меҳру вафоли,
Сен эрурсан муҳаббатнинг буюклиги тимсоли.

Тингла, эй гул, Назарматнинг нола, муножотларин,
Дил дунёсин наволари, ашъору ижодларин,
Бағишланган сенга улар, орзуим, ёр, висолинг,
Соғинчим ул, қувончим ул, гузал олам жамолинг.

Ёр билинар садоқатда, булса меҳру вафоли,
Шахло кўзинг муҳаббатнинг тонг юлдузи, иқболи.

1996

ОЛТИН ВОДИЙСАН

Баланд тоғлар виқор бошингда,
Чирой танлар баҳор қошингда,
Чаман яшнар хоки тошингда,
Дилрабосан мангу ёшингда,
Гул дунёсин гули Фарғона.

Асли номинг нурдан яралган
Фасли кўркинг дурдан яралган,
Неки унган — дилдан яралган,
Меҳри вафо куйи Фарғона.

Сен диёрда олтин водийсан,
Қува, Қуқон, Марғилонисан,
Кумушларнинг хонадонисан,
Чулпонларнинг сунмас ёдисан,
Сен Фарғоний юрти, Фарғона,
Буюк элнинг кўрки, Фарғона.

1997

ЧОРБОҒ

1994 йил 31 октябрда Буюк Ғалаба-нинг 50 йиллиги олдидан тўрт қардош республика — Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон уруш ва меҳнат фахрийларининг Тинчлик юриши Тошкентдан бошланиб, Пахтаорол, Хужанд, Лайлак заминларидан утиб, 3 ноябрда Фарғонанинг Қувасой шаҳрида яқунланди. У ерда Ғалаба боғи яратилди.

Қувасойда бир табаррук чорбоғ бор,
Уни бунёд этган қардош тўрт диёр,
У тўрт диёр фарзандларин бунёди,
Қадим дўстлик меҳрин абадий ёди.
Кузак атлас, ҳаво салқин, мусаффо,
Она замин гузал эди, гул дунё.
Боғ яратди эзгу тинчлик юриши,
Кучатларнинг гуркираб гул туриши,
Ёндош, қондош эллар рамзи эди у.
Яхшилардан қолар шундай боғ мангу,
Турар ўрик, олма, ёнғоқ, нок, хурмо,

Бирин эжди қозоқ Муҳамбет оғо,
Тожик адиб Боқизода сунг бирин,
Кекса қирғиз Тўқташ ота дўст ерин
Эъзоз тутиб кучат ўтказди шу дам,
Зикир, Самиг, Азиз¹ устозлар ҳам.
Дўстлар меҳрин она ерда бир кўрдим,
Бундай бирлик олам кўрки деб турдим.
Инсон учун дунё мангу боғ бўлсин,
Дўстлик йўли доим оқ, порлоқ бўлсин.

1996

СИНМАГАН ҚАНОТ

Уруш ногирони бекободлик
Холтура Курбоновнинг айтганлари

Холтураман, Қурбон ўғлиман,
Бекободлик деҳқон ўғлиман,
Сир соҳили, қадим Мирзачул,
Булган менинг ҳаётимга йул.
Йигит эдим, ун саккиз ёшда,
Ишқ бор эди у қалам қошда.
Ун еттида эди Тожихон,
Унинг билан гул эди жаҳон.
Шундай дамда ишқни тўсди ғов,
Пайдо бўлди чегарада ёв,
Замин ёнди, бошланди уруш,
Жанг домига дуч келди турмуш.

Икки таёқ икки қўлтиқда,
Юрай десам оёғим йўқ-да,
Тутай десам йўқ икки қўлим,
Четлаб ўтган шу хилда ўлим.
Малол келур менга ҳар қадам,
Лекин гузал менга бу олам.
Қишлоқ чети, яшил майсалар,
Шабадалар юзимни силар,
Ёнда аёл — Тожихоним у,

¹ Артист Зикир Муҳаммаджонов, мусаввир Самиг Абдуллаев,
олим Азиз Қаюмов.

Оёқ, қулим, тану жоним у.
Сигир, қуйлар утлар ёнимда,
Жангдан қолган уқ бор танимда.
Мен отаман, бор олти болам,
Еттинчимаан хотинга мен ҳам.
Мени билар Волга, Днепр,
Кукка чанги кутарилган ер.
Мени билар мағлуб булган ёв,
Фашистларни қирдим беаёв,
Ёв ажратди оёқ, қулимдан,
Асраб қолдим элни улимдан.
Мажруҳ бўлиб қолдим майдонда,
Мендақалар озмас жаҳонда.
Ҳеч ким мендай майиб булмасин,
Умидлари гойиб булмасин.
Ачинмайман мажруҳ ҳолимга,
Ватан гамхур истиқболимга.
Мен урушни эслайман бот-бот,
Мен — дунёда синмаган қанот,
Мен — жангоҳдан қолган бир гувоҳ,
Булсин дунё сүзимдан огоҳ,
Оёқ, қулсиз қолмасин инсон,
Оёқ, қулсиз қолмасин жаҳон!

1985

АКАДЕМИК ОСИМИЙНИНГ СУНГГИ СУЗИ

Қушни мамлакат — Тожикистонда бўлаётган нотинчликлар у ердаги зиёлилар бошига ҳам қулфатлар ёғдирмоқда. Яқинда миллат душманлари томонидан тожик халқининг азиз фарзанди, Тожикистон Фанлар Академияси академиги, халқаро Жавоҳарлал Неру мукофоти нишондори Муҳаммад Осимийнинг отиб кетилиши ҳам тинчликсевар инсонлар қалбида огир жароҳатлар қолдирди.

Мен бугун йиқилдим тоғлар бағрида,
Мен ерга бош қуйдим боғлар бағрида,
Менга кутарилди номарднинг қули,
Элимда чанг тузгир, у ёвнинг йули,
Мен нурга интилдим, нур эдим фанда,
Нур бўлиб яшадим она Ватанда.

Лекин тусди менинг йулимни ёвлар,
Қайирди маърифий қулимни ёвлар.
Нур яшар зулматда, дарду кулфатда,
Ҳатто тўзон сўнмаган мамлакатда.
Сир соҳили эди туғилган жойим,
Покиза йўлларда борарди пойим,
Камол Хужандийнинг пайванди эдим,
Ботир Темур Малик фарзанди эдим. -
Рудакий дўстликдан сабоқ берарди,
Қунглим Ибн Сино меҳрин терарди.
Самарқанд илм берди, Душанбе юртим —
Тинчлик фани эди ҳаётим, кўрким.
Бу ниятим ёқмай қолди ёвларга,
Она Ватаним дуч келди ғовларга.
Мен ногоҳ йиқилдим тоғлар бағрида,
Мен ерга бош қўйдим боғлар бағрида,
Менга қутарилди номарднинг қули,
Элимда чанг тўзғир, у ёвнинг йули.

1997

ТОШДА УНГАН ГУЛ

Табиатнинг ажиб саҳри бор,
Тошни ёриб чиққан митти гул,
Ҳаёт ҳисси бўлгач устивор,
Қудратига бўйсундирган ул.

Парчаланиб заранг тош бағри,
Ундан гунча интилган нурга,
Гуё юмшаб қоқ харсанг сағри,
Замин булган янги умрга.

Узгартирган яйдоқ аксини,
Уйнар нафис гул баргин шамол,
Кўрдим унда ёғду рақсини,
Унутмайди бу ҳолни хаёл.

Гул ундирган харсанг ёнидан
Шошиб ўтди бир лоқайд одам,
Уриниб гул узилди бирдан,
Ажралди бир кўркидан олам.

1968

ДУНЁ КЕЗАР ЧИРОЙ

Халқ рассоми Малик Набиевга

Дунё кезар чирой муйқаламингиздан,
Йул олур етти ранг нур қадамингиздан.
Қалбингиз қатида буюк орзулар,
Оламга таралур ундан ёғдулар.
Чаманлар интилар сизга таъзимкор,
Буюк Беҳзод йулин сизда сеҳри бор.
Сиз Ватан куркининг жонбахш мафтунни,
Нафосат даргоҳнинг улкан устунни.
Илоҳий истеъдод сизга мададкор,
Гузалик дунёсин сунмас нақши бор.

1996

ГУЛХАН

Қишлоқ гавжум тоғ этагида,
Томошага чиққан эл бутун,
Пастда майдон, чинор тагида,
Карнай, сурнай авжида бугун,
Бахмал кийиб сеп ёзган баҳор,
Гунчалардан гулгун ҳамма ёқ,
Эшитилар олисдан «ёр-ёр»,
Никоҳ тўйга йигилган қишлоқ.
Келин келар, эл кузи йўлда,
Гурунг, завқда атроф-теварак,
Куёв пешвоз чиқар, гул қўлда,
Янграр бирдан «Тўйлар муборак».
Куёв жўралари бир томон,
Келин, дугоналар ёнма-ён,
Эл меҳрида янги хонадон,
Ёнар гулхан уртада шу он...
Кухна удум, қадимий юртдан,
Келин, куёв айланар утдан,
Аста сўзлар келинга куёв:
«Ут эслатди утмишни бирров,
Курдим унда бувим руҳини,
Гулхан бўлган юрак оҳини,
Паранжини ёндирган бунда,
Чиққан қуёш йулига бувим,
Сунмас руҳи яшар учқунда,
Ҳалок этган ёв, қонли ҳужум...

Едга келар бувим тақдири,
Бунда учмас энди ҳеч олов.
Нурли булсин одамзод ери,
Булсин ҳаёт бехатар, беёв».
Келин тутар куёв қулини,
«Бизни қураб бувим...» дейди у,
Айланишар туй оловини,
Эзгуликнинг йулида орзу.

1990

ВИСОЛ ГАШТИ

Бир мен эдим, бир сен эдинг,
шод эди диллар,
Меҳримизни куйлар эди,
боғда булбуллар,
Висол фаслин баҳоридир
чаманлар даври,
Эзгу ишқнинг қудратини
эслатур гуллар.
Дедим бирга сайр этайлик
гуллар водисин,
Дединг кулиб: «Қайси боққа элтар
бу йуллар?»
Дедим: «Улар элтар дилни
висол боғига»,
Жилмайдингу, аста дединг:
«Қунглинг не тилар?»
Висол дедим, иқбол дедим,
гул жамол дедим,
Уялдингми, тутди аста
қулимни қуллар.
Дедим хурсанд: «Висол гаштин бирга сурайлик».
Дединг: «Бизга насиб булсин бахтли манзиллар».
Бир мен эдим, бир сен эдинг, шод эди диллар,
Меҳримизни куйлар эди
боғда булбуллар...

1985

ДУСТИМ БОҒЛАРИ

Турсунбой Улжабоев хотирасига

Сир соҳилин кезиб юрибман,
Ёдга келур болалигимиз,
Унут бўлмас, сезиб турибман,
Ёшлигимиз — лолалигимиз.
Дарё ғамгин шовуллаб оқар,
Сени ёдга оларми бу он,
Хотирангга мангу ўт ёқар,
Унутмайди элинг ҳеч қачон.
Бургут каби ёздинг кенг қанот,
Обод бўлди етган қадаминг,
Она диёр, бу гулшан ҳаёт
Булди сенинг топган оламинг.
Ҳужранг бўлди тўртинчи қават,
Душанбенинг шимол қўйнида,
Эл дардини уйлардинг фақат,
Шу бахт дердинг азму ўйингда.
Келгиндилар тўсди йўлингни,
Хизматингни олдилар қўлдан,
Унутмадинг она элингни,
Содиқ қолдинг, қайтмадинг йўлдан.
Гарм тоғлари сўзлар номингни,
Вахш сувлари бизнинг мироб дер,
Сўзлар боғлар гул айёмингни,
Меҳрин берган бизнинг офтоб дер,
Сендан қолди тоғларда боғлар.
Оби кийик, Даҳаникийик,
Сени юртда бобо дердилар,
Ҳурмат ила каттадан кичик.
Бирга юрдик, ям-яшил қирлар
Ебон эди, дединг, бу жойлар,
Саркор булдинг, чулқувар мардлар
Очди қирда гулшан чиройлар,
Норак суви тоғлар остидан
Сени куйлаб чашмасор букун,
Элга сўзлаб бахмал ҳуснидан,
Бир антиқа чаманзор букун.
Қирлар ошиб, довоңлар ошиб,
Етганинда ёбон боғига,
Гул ундириб, боғбони бўлиб,
Бошинг қўйдинг сўнг тупроғига.

1988, май.

Душанбе—Даҳаникийик.

ҲАБИБНОМА

Бастакор Ҳабибуллога

Муסיқа, сен мангу нур,
Нафосатга сен йулдош,
Сени севса қари, ёш,
Яшаради бир умр.
Элни билмоқ булганлар,
Тинглар қушиқ, куйларин,
У куйларда қолдирган
Утганлар дард, уйларин.
Муסיқа, сен дунёсан,
Дунё ичра зиёсан,
Сенда севги, ҳикмат бор,
Сенда буюк қудрат бор.
Муסיқа, ишқ, орзусан,
Мададкорсан оламга,
Қушиқ булиб мангусан,
Тараласан оламга.

1997

ЖИНЧИРОҚ

Сенга тушар нигоҳим,
Аслинг қора муридан,
Энди сени қурарман
Қуҳна тарих туридан.
Кургазмада мункайиб,
Бағринг қақшаб турарсан,
Кечалари тепангда
Чарақлаб нур қурарсан.
Сен қадимий ошнамсан,
Дустинг булиб обжувоз,
Бошлар эдинг ел эсса,
Қурум пуркаб, тунлар ноз.
Сен билан ҳам утиб биз,
Интилдик ёрқин нурга,
Элда қуёш кутиб биз,
Етдик буюк меҳрга.
Қуҳна чироқ уйимда,
У тарихни варақлар,
Кечалари уйимда
Янги қуёш чарақлар.

1997

СУҲБАТ

Еш йигит ва кекса отахон улфат,
Имон туғрисида қуришди суҳбат.
Еш йигит дер: — Элнинг одоб сузи у,
Ота дер: — Инсоннинг ақл кузи у.
Суҳбат чузилиб, у булмасди тамом,
Имон узи дилга келтирди калом:
Мен Оллоҳ неъматини инсон зотига,
Яшайман нур булиб пок ҳаётига.
Йулимдир қуешдай мангу мунаввар,
Авлоддан авлодга маърифат йулар.
Башарий виждонман, бурч ва садоқат,
Эътиқод меҳриман, мангу қадрият.
Дилларда дуоман, имон номим бор,
Бебурдлар мулкидан қилгум ҳазар, ор.
Мен инсон қалбининг тафаккуриман,
Оламни ёритган ҳаёт нуриман.

Еш йигит ҳаёлга берилар шу он,
Ота тилар унга эътиқод, имон.

1993

ШАҲИД ШОИР

Жангоҳда синди най, бўялди қонга,
Йиқилган шоирдан қолди у наво,
У эркнинг нидоси нотинч жаҳонга,
Фидойи қалбларда яшар доимо.
У қора булутлар йулида қалқон,
Мусаффо сабоҳ у, Ватан гулшани,
Ёвга даҳшат солар найда қотган қон,
Дилида сақлайди ғолиб Ватани,
Тиз чукиб айлаймиз биз унга таъзим,
Жонфидо фарзанд у, мангу посбон у,
Дер, қолган сарҳадда сергак қалб, изим,
Дил тутинг гулханга, муқаддас қон у.

1993

МУҲАББАТ РАМЗИ

Чаманлардан сенинг учун элтганимда гул,
Куксинг тулиб, висолингга етганимда, гул,
Севинчларинг тошқин бўлиб мушки бустондан,
Биттасини танлаб дединг: «Қандай гузал бул».
Дедим, барча бу гуллардан узинг барносан,
Гул ҳуснингдан чирой опти, қара, гуллар ул,
Муҳаббатим рамзи эрур нафис бу гуллар,
Дединг кулиб: «Севги рамзи асли у кўнгил».

1993

ОТА ОЁГИ

Ҳалолданми ё у ҳаромдан,
Сирти купчиб, ошиб-тошганди,
Ошин ошаб, ёшини яшаб,
Узлат томон умри шошганди.
Ётиб қолди, етди сўнгги кун,
Отам оёгига қўйинг дер,
Тиригида тутмади қадрин,
Керак энди ота ётган ер.

1993

ҚУШИҚ ДУНЁСИ

Миршакарга

Сарин саболардан гаштли субҳидам,
Олмос чўққиларда уйнар заррин нур.
Водий сайридан сўнг тоғда олдим дам,
Салқин шабадалар бағишлар ҳузур.
Қуёшни табриклаб симобий тусда,
Товланар самодан унғир, даралар,
Шабада тиндию шу дам олисдан
Қушиқ куйлаб келди шўх шаршаралар.
Қанотли зилолдан илҳом олдим шод,
Дилимда бошланди бир жушқин наво.
У сенинг қушигинг, Миршакар устод,
Дерди у: «Боғларга, қани, марҳабо».
Хаёлим тоғларга қуш бўлиб учди,
Гуллардан эшитдим қалбинг садосин,
Сарбаланд чаманлар қалбимни қучди,

Тинглардим боғлардан қушиқ дунёсин.
Ҳар дара туюлди бир олтин қишлоқ,
Ҳар чуққи ортидан боқарди чаман.
Мадҳингни сузларди ҳар чаман, ҳар боғ,
Боғлар-да гузал дер шу она-Ватан.
Эсладим табаррук сузингни, дўстим,
У сенинг боғларинг, дилрабо наво.
Қутлайман у қутлуғ созингни, дўстим,
Бор булсин боғларинг яшнаб доимо.

1981

КУЛОБЛИ ДИЛБАР

Кулобли дилбар,
Эй ноёб гавҳар,
Дилда ой юзинг,
Марҳабо сузинг,
Келдим йироқдан,
У гул яноқдан,
Эрурман шайдо,
Куйимсан, барно.

Кулобли дилбар,
Эй ноёб гавҳар,
Юришларинг гул,
Кулишларинг гул,
Қулларингда гул,
Боғланди кунгил,
Эрурман шайдо,
Куйимсан, барно.

Эй гули жаҳон,
Висолинг армон,
Парвона этдинг,
Девона этдинг,
Айт сени, жонон,
Курарман қачон,
Эрурман шайдо,
Куйимсан, барно.

Кунглимда ҳижрон,
Йулингда сарсон,
Назарга назар

Айла, эй дилбар,
Сен жонимга жон,
Кутарман ҳамон,
Эрурман шайдо,
Куйимсан, барно,
Эй гули жаҳон,
Висолинг, армон,
Айлама сарсон.

1981

ЧАЙҚАЛАР ҒАЛЛА

Адирларда чайқалар ғалла,
Ҳар донаси ширмон нонимиз.
Унинг билан нонушта палла
Очилади дастурхонимиз.
Азиз деймиз ардоқлаб уни,
Кўз нурига тенгдир увоғи.
Кафтга олсак оқ буғдой унин,
Едга келар Ватан тупроғи.
Қувватини унга бергандай
Салобат-ла булар намоён.
Дон денгизи тўлқин ургандай
Туюлади синдирилса нон.
Нон-насиба, дони дурдона
Хирмон бўлиб, тўлади омбор.
Дастурхоннинг устида шунда
Эсланади сахий ғаллакор.

1965

СЕНИ КҮРДИМ

Сени кўрдим навбаҳор фасли,
Гуллар аро гул эдинг асли,
Адирларда териб гул-лола,
Уйнар эдинг мисли шалола.

Сенинг шўх-шўх ўйнаб яйрашинг
Лолаларга бағишларди жон,
Оҳулардек қирдан қарашинг
Кутарарди қалбимда туғён.

Дилда жушқин орзу, куйларим
Йулларингда айлайди нола,
Муҳаббатим, эзгу уйларим
Адирларда очилган лола.

Гулдек ёниб лола терарсан,
Баҳор каби чирой очибсан,
Майин шамол каби эларсан,
Дилга мангу олов ёқибсан.

Сени кўрдим навбаҳор фасли,
Гуллар аро гул эдинг асли,
Адирлардан териб гул-лола,
Уйнар эдинг мисли шалола.

1980

УЧ МИНГИНЧИ ЙИЛГА ҚАДАМ

Янги асрим уч мингинчи йил,
Нафасингни сезиб турибман,
Эзгу ҳаёт йўлин уйлар дил,
Боғларингни кезиб юрибман.

У боғларда унган ҳар ниҳол,
Сенга етиб бўлгуси чинор,
У дилларда жой олган иқбол,
Ҳар нафасин қодир изми бор.
Олис эрур нурли манзиллар,
Қуёш йўли элнинг ҳаёти,
Бир-бирига қўл тутса элар,
Насиб бўлғай унга умр тоти.
Эзгуликни эслатиб олам,
Ҳар лаҳзамни азиз тутинг дер,
Тарихларни варақлаб ҳар дам,
Истиқболни раво этгай ер.
Лочинларинг учиб кафтингдан,
Олис Марсга етгуси бир кун,
Эллар қалбин қуёш тафтидан
Булғай замин нурафшон, гулгун.
Кўҳна асрим, ошарсан довон,
Буронларда утди ҳаётинг,
Янги асрим, сен янги жаҳон,
Нурли йўллар бўлсин ниятинг.

1993

СОҒИНЧ

Рафиқам хотирасига

Келдим яна изларингни излаб гулжаҳон,
Тентирайман қирлараро, таниш хиёбон.

Изларингни кўрсатай деб беқарор еллар,
Йулақлардан дилим ўртаб супурар хазон.

Сени кўрса рақс тушарди яшил япроқлар,
Энди улар сарғайибди, хомуш, заъфарон.

Дарахтлардан тушар кузги етим япроқлар,
Улар менинг дил дардларим, охирги армон.

Сўнмагай дард, сўнмагай дил соғинч замони,
Сен йўқсану, руҳимда гул ҳуснинг намоён.

Кўзинг бўлиб йилтирайди олис юлдузлар,
Қани унга етолсам, дил бўлса нурафшон.

Бу оламда Назарматга қолган изларинг
Япроқларни ёқишарлар, йиғлаб ёнар жон.

1993

ИНТИЗОР

Куриниб хаёлда
 оразинг, дилдор,
Соғиниб сен учун
 гул тердим наҳор.
Гулларни саралаб
 қулимга олсам,
Кунглим дер, сеvimли
 ёрга олиб бор.
Бағримда тула гул,
 қурай деб келсам,
Эшикдан мўралаб
 боқмадинг бир бор.
Қанча вақт турганим
 сезмай, деярдим:

Уйидан чиқарми
у моҳи рухсор.
Қарардим мен ҳамон,
кузим нигорон,
Мулоқот, меҳрга
эдим интизор.
Ул таниш даргоҳинг
очилмай, охир,
Висолинг ҳажрида
тортди дил озор.
Дилбарим, азиз тут
висол қадрини,
Сен уни улуғлаб,
булгин вафодор,
Муҳаббат туғилгай
қуёшдан азал,
Садоқат боғига
бул мангу баҳор.

1967

ҚАРАМА ОРТИНГГА, БАРНО

Қарама, қарама ортингга, барно,
Олдинда сен кутган умидли дунё.

Умидли дунё у муқаддас севги,
Нур бўлиб қалбингда булар муҳайё.

Соялар судралаб изингдан борур,
Сен нурга интилинг, у меҳру вафо.

Сен кунгил қароғим, нур чироғимсан,
Айлама мунаввар васлингдан жудо.

Дилрабо малаксан, жамолинг нури
Еритгай ҳаётим йулин доимо.

Оҳ, нега қарайсан соявор ортга,
Олдинда сен кутган умидли дунё.

1997

И М О Н

Ҳар ким ҳам узини имонли дейди,
Топган нарсасини ҳалол деб ейди.
Лекин билмас асли нима у имон,
Динми у, эътиқод, ёким пок виждон?
Ҳар ким ҳам имонни узича уйлар,
У ҳақда сўз кетса, билганин сўйлар.
Баъзилар унутар юрган йўлини,
Номаҳрам ишларга урган қўлини.
Унутар курашга ёлғиз қолганин,
Узин эл ишидан четга олганин.
Имоннинг бош сўзи бу она Ватан,
Ватансиз имонни топмас жону тан.
Сен унга жонингни имон этдингми?
Меҳр боғида бир гул инъом этдингми?
Гул унар Ватанда имон меҳридан,
Чанг тузгир ёмоннинг нопок еридан.
Бировни камситиб, узини доно
Билганнинг кўзини очар бу дунё.
Ҳа, дўстлар,
Имоннинг бош сўзи бу она Ватан,
Эрку тинчлиги у имон, жону тан.

1993

ЖАНГЧИ НИДОСИ

Қўлимда варақа, окопда чиққан,
Ҳилвираб, саргайиб ҳарфлари учган,
Жангу жадаллардан портлаб чақнаган,
Мардликка чақириб қўлма-қўл кучган.
Жанговар дўстимнинг зарбли қўларин
Тутгандай авайлаб қарайман унга,
Эслатар бурунли зафар йўлларин,
Юрагим йўл олур ўтли у кунга.
Оддий бир варақа, улуғ жангнома,
Унда не-не мардлар қўлин тафти бор,
Аламли чекиниш, зафарли ҳамла,
Ҳам олға чорлаган жангнинг зағти бор.
Унда бор гумбурлаб ўкирган майдон,
Дарахтлар қарсиллаб синиб тушгани,
Дарёлар отилиб мисоли вулқон,
Ўт сочиб туну кун қайнаб тошгани.

Унда бор ёрини соғинган ботир,
Фарзандига мактуб йўллаган ота,
Унда бор интиқом, ут ичра тақдир,
Тонгда бошланувчи сўнгги атака.
Саҳифа эслатар марди майдонни,
Оловли йўлларни, жасорат, шонни,
Унутманг дейди у жангчи қурбонни,
Бахш этган бу ёруғ жаҳонга жонни.
Қулимда варақа, жанггоҳда чиққан,
У оддий варақа эмас, дўстларим,
Асрангиз сиз уни, тарих битилган,
Ундаги жасорат ўчмас, дўстларим.

1980

ГУЗАЛ ҚУШНИМ

Тожик қизига

Гузал қушним, тожик қизи, қоши, кузи, зулфи сиё,
Ҳар тонг чоғи ишга утар аста боқиб менга қиё.

Кузим тушса, ибo бирлан, иффат бирлан салoм айтар,
Куришай деб дейман унга, яқин келгил, наздик бие.

Шу сўзимдан шўх жилмайиб, таъзим айлаб
Йулин тезлаб, мен томонга боқар яна бир бор қиё.

Тилим сўйлар, дилим куйлар, бошда ўйлар,
Ширу шакар сўз айтаман, дейман гузал, шўхи барно.

Бир дарахтнинг остида биз бир томирдай улғайганмиз,
Қайтар қачон ишдан дейман қоши, кузи, зулфи сиё.

Гузал қушним тожик қизи, дилим олдинг, этма жафо,
Бу дунёда муҳаббатдан не бор буюк, айт, дилрабо.

Бир шодланиб, бир толпиниб боргум мен ҳам
Юрт ишида бирга биз ҳам, севгида ҳам бир доимо.

1993

ЛОЛАГИНАМ

Лолагинам, раъногинам,
Гуллар ичра танҳогинам,
Қушиқ куйлаб сен томонга,
Интилади юраккинам,
Қаердасан, барногинам,
Ўзим суйган раъногинам.

Қирга чиқсам, қир долазор,
Лолаларнинг авжи-бозор,
Дейман менинг ҳам шу қирда
Жондан севган бир гулим бор.
Йулларига дил интизор,
Қулларига гул интизор.

Қирдан сенга гул элтаман,
Гул ўрнидан дил элтаман,
Гулларимни олмасанг, ёр,
Ошиқ дилни не этаман.
Қурсатмасанг менга дийдор,
Бу қирлардан тоқ утаман.

Лолагинам, раъногинам,
Нурли висол-паноҳимсан,
Долазорда яшнаб кулган
Гулчеҳрали нигоҳимсан,
Муҳаббатнинг гулшанига
Етаклаган ишқ роҳимсан.

Лолагинам, раъногинам,
Гуллар ичра танҳогинам,
Қушиқ куйлаб сен томонга,
Интилади юраккинам,
Қаердасан, барногинам,
Гуллар ичра танҳогинам.

1968

ҒАЛАБА БАЙРОҒИ

Ёддадир буронли, шинелли йиллар,
Ёддадир сарҳадда йиқилган мардлар,
Ёддадир қиличга айланган беллар,
Ёдда жанг, зафар ҳам, ут олган дардлар.
Ёддадир қор кўрпа, уй бўлиб ўрмон,

Тулқинлар устига уприлган қирғоқ.
Ёддадир омонлик кутган кенг жаҳон,
Рейхстаг устига қадалган байроқ.
Шу байроқ ҳилпираб қадим Волганинг
Метин соҳилида мажақланди ёв,
Шу байроқ чуғ булиб ёвуз душманнинг,
Жирканч қалъасига кетди ут-олов,
Ўтдик биз оловли, қонли йуллардан,
Аланга дунёси кетмас диллардан,
Эрк туги ҳилпираб қанча эллардан,
Бонг урар тинчликдан, утли йиллардан.
Ғалаба байроғи порлаб нур сочур,
Заҳматкаш замин дер, шу нур муродим,
Фарзандлар Ватаннинг қудрати эрур,
Бор булсин доимо тинчлик, илоҳим.
Ёддадир буронли, шинелли йиллар,
Ёддадир сарҳадда йиқилган мардлар,
Ёддадир қиличга айланган беллар,
Ёдда жанг, зафар ҳам, ут олган дардлар.

1958

ЧУМОЛИ ВА ЧУМЧУҚ

Куча беткайида, ариқ буйида
Чумоли уяси кўринар эди.
Ёзда жамлаб донни, қишда уйида
Хотиржам яшашга уринар эди.
Тинмасди тонгдан то оқшомга қадар,
Мавсумнинг қадрига етарди чунон,
Муғомбир бир чумчуқ дарахтдан қарар,
Унинг уй олдида йиғиларди дон.
«Пир» этиб дарахтдан тушди заминга,
Тупланган донларни чуқилай кетди.
Чумолилар бирдан чумчуқ танига,
Ёпишди, жазонинг чунг зарби етди.
Ловуллаб бадани учди осмонга,
Чидолмай ўзини урди тупроққа.
Ҳаётда қонун бор: зарб элгар жонга,
Ким агар йул олса текин томоққа.

1992

СИР БҮЙИ — НУР БҮЙИ

Сир буйи — нур буйи, шахло куз улкам,
ГЭСлар нигоҳи-ла кулиб қарайсан,
Онамдай азизсан, баҳордай кўркам,
Жонажон келиндай тулиб қарайсан.
Далалар товланур, атласингмасми,
Гузалик булганда шунча булур-да.
Сирдарё мавжлари нафасингмасми,
Эл кўрки у билан шунча тулур-да.
— Йўқ, — дейсан жилмайиб, шахло куз улкам, —
Тингла, — деб, — эркам,
Уйимни тортасан кумуш тасмангга,
Қалбимда бор дейсан қуввату кўклам,
Чулларни буркайсан ям-яшил рангга.
Йўлингга қарайман: чаман манзилгўҳ,
Уфқдан-уфққа қалқиб утасан.
Фарҳоду Қайроққум абадий ҳамроҳ,
Тунларни ёритиб балқиб утасан.
Қадимий изингдан чиқиб, чул буйи
Тик, баланд қирларда сайқалинг бордир.
Сен билан бошланур чаманлар буйи,
Тоғу тоғ олгиндан ҳайкалинг бордир.
Сен буйлаб йўл олсам, сарбаланд тоғлар,
Абадий посбондай бошингга турар.
Паст, баланд қирларда гуркираб боғлар,
Атласдай товланиб қошингга турар.
Кўкўпар чўққилар мангу меҳрибон,
Эмизик кўксидан сут берар сенга,
Сен бўлсанг водийнинг томирида қон,
Жилғалар қўл берар куч-қувватингга.
Шунда сен ўтарсан қўшиқлар куйлаб,
Қадимий қон-қардош эллар юртидан,
Қатрангни сочарсан ҳар ниҳол буйлаб,
Сўнг куйлаб боқарсан гунча кўркидан,
Шунданми, хизматим кўп дейсан ҳали,
Азамат мардларнинг меҳрига қониб,
Шунданми, эл ошиқ сенга азали,
Сир буйи — нур буйи дейди қувониб.

1959

ЭСКИ СУРАТ

Муъжазгина хира хонада
Юзга кирган она яшайди,
Эски сурат кичик рамкада,
Ҳар кўрганда кузин ёшлайди.
Чегарада ёнганда бурон,
Портлаганда момақалди роқ,
Йулга чиқди отланиб уғлон,
Кутар эди оловли қиргоқ.
Кузин артиб эшиқдан она,
Юзларидан унди сунгги бор,
Асра, деди, хавфдан ягона
Уғлимни, эй парвардигор.
Қучди маҳкам жангчи фарзандин,
Қуйса мангу кетгудай йироқ,
Боқди она, дилдаги дардин
Аён айлар соч толаси—оқ.
Кетди олис, ут олди жангтоҳ,
Кукрагини айлади метин,
Қизил байроқ яшнадию, оҳ...
Бошин қўйди қиргоққа кейин.
Олга юрди тутган байроғи,
Ўзи эса қолди қиргоқда.
Эски сурат айрилиқ доғи,
Адо айлар кексайган чоғда,
Она дейди: «Мунчасан йироқ,
Қани у нур, қани у нигоҳ,
Оҳ, чирогим сўнмоқда чироқ,
Кутар сени бу ғариб даргоҳ».
Қора тола қолмаган сочда,
Мурт дарахтдай чуққан бемадор,
Эски сурат рамка-ёғочда,
Дийдорига она интизор.
Ҳар жума кун шу аҳвол тақрор,
Туғилганди фарзанди шу кун,
Ва жангтоҳга кетганди шу кун,
Кутар йўлин ҳамон умидвор.

1984

ТАБИАТ ЙУЛИ

Инсон табиатдан мадад кутмаган,
Ўзин асраб келган сув балосидан,
Ёвуз ҳамласини четлаб утмаган,
Ерга гул излаган нур, ҳавосидан.

Тошқинлар чанг солса, чоҳлар қурилган,
Ташламалар гувлаб, қад тутган тўғон,
Ўту сув ҳамласи четга сурилган,
Ваҳший оқинларин даф этган инсон.

Жасорат кўркидир унган ҳар гули,
Гуллардан она ер ясанар мангу,
Фалакнинг измида табиат йули,
Гоҳ селин, гоҳ дўлин айлар рўбару.

Бўронлар шиддати синов инсонга,
Еру кўк нафаси ҳокими мутлақ,
У нафас қодирми улкан жаҳонга,
Ҳар куни очилар ундан бир варақ.

Табиат туташдир, курашдир азал,
Ул ваҳший кучларни айлаб забт, қамал,
Башарий толеъга йул очиб инсон,
Она табиатга берар имтиҳон.

1985

ОҲИСТА

Дилбар борур тонг чоғида
Гулбоғ томон оҳишта,
Порлаб қуёш ёноғида,
Бўлур ширмон оҳишта.
Кузи учқун, юзи гулгун,
Кулгуси шуҳ беомон,
Қараб маҳваш, келур якка,
дилбари жон оҳишта.
Чиқсам пешвоз, ул сарвиноз
ийманиб ташлар нигоҳ,
Юзи гулдан, илҳақ дилдан
олур дармон оҳишта.
Яқин келсам, салом берсам,
Қулин қўйиб куксига,
Таъзим айлаб, дилни бойлаб,
Айлар аён оҳишта.

Қули олтин, йўли ойдин,
Музаффар эл қизи деб
Таърифини сўзлар яшнаб
боғу бўстон оҳиста.
Ҳар тонг чоғи, дилбар боғи
йўлга чорлар дилимни,
Куз нигорон, дилда армон,
Васли ҳижрон оҳиста.
О, муҳаббат, сенда қудрат,
Таърифингга йуқ қиёс,
Айт-чи, сенга асир тушмас
қайси инсон оҳиста.

1985

САМАРҚАНД САЙРИ

Келинг, дўстлар, куйлашайлик Самарқандни
сафар айлаб,
Ул қадимий раста, равон гузарларин назар айлаб.

Куча-куйи гавжум, обод, қурган киши бўлур мафтун,
Сайр этайлик салқин, сафо оқшомларин саҳар айлаб.

Зарафшоннинг зулфи Дарғом, жушқин Сиёб
заркокили,
Сахий, кўркам хоку покин қучар гулгун самар айлаб.

Регистону Улуғбекнинг қуббалари эл ганжидир,
Афросиёб кошнлари келинг дейди гузар айлаб.

Асрлардан салом йўллар бу азим кент фарзандлари,
Дил меҳрини қасрларга этган жило, гуҳар айлаб.

Ҳар гиштию тошу эрур варақланган мангу китоб,
Ҳар гулида ёғду уйнар мисли қуёш, қамар айлаб.

Нақш сўзларин бир-бир уқиб, иқболига куйлар туқиб,
Юргинг келур сайру гаштин ёру дўстга хабар айлаб.

Она шаҳрим, Назар куйлар кўрку бахту утмишингни,
Асраб уни оламга сен курсатурсан асар айлаб.

1984

ОҚ ҚАЙИН

Шимол қизи, оқ қайин,
Эсланурсан йил сайин,
Посбон эдим пойингда,
Олис сарҳад жойингда,
Шивирлардинг бошимда,
Шух ун саккиз ёшимда.
Салом дердим, оқ қайин,
Сенга сирим айтайин.
Камзулинг бор кумушдан,
Эртагинг бор севишдан.
Нозик қаддинг тебранур.
Сарвиқад ёр эсланур,
Япроқларинг илгимдан
Тутиб, посбонлигимдан
Хурсанд булиб уйнардинг,
Ишқдан қушиқ куйлардинг.
Ишқ дилимни эларди,
Ёр ёдимга келарди.
Шундай чоқда оқ кийиб,
Тебранарди вужудинг,
Ҳамон қанча йил утиб,
Ёдга келур ҳудудинг,
Шимол қизи, оқ қайин,
Эсланурсан йил сайин,
Сен юракда қолгансан,
Сен тилакда қолгансан.

1994

АСКИЯ

Сайилгоҳда бугун қаҳқаҳа,
Суз пирлари давра қуришган,
Қаримаиди дейдилар асло,
Доно сузлар айтиб кулишган.
Икки ёндан икки сухандон,
Бир-бирини чақирар сузга,
Аскиянинг шух завқи бирдан
Ухшаб кетар ою юлдузга.
Инсон қалби мисли кенг олам,
Эзгу сузлар нурафшонидир.
Зол буларми шунчалар одам,

Ҳар пайрави гавҳар конидир.
Ашуладан бошланар пайров,
Маржон булар ҳофизлар куйи,
Тагдор сўзлар учар беаёв,
Қандай теран инсоннинг уйи.
Сайилгоҳда бугун қаҳ-қаҳа,
Суз пирлари давра қуришган,
Қаримайди дейдилар асло,
Доно сузлар айтиб кулишган.

1968

ЧУЛИ ИРОҚ

Кунглим ойнасида шивирлар ўрмон,
Сирли оҳанглари тортади уйим,
Менга чалар эди у мулки олмон
Жонбахш «Чули ироқ», у менинг куйим.
Қирқ бешинчи йил, тонг, олов сунган жой,
Ғарбий уфқда ҳали ёнарди оташ,
Энг баланд дарахтда жой изларди ой,
Унга салом айтиб чиқарди қуёш.
Шундайин фаслдан оромбахш маврут...
Таралди ўрмондан дилрабо наво,
Тухтаб қолдим бир зум, жанг бўлди унут...
Ўт эмас, куй билан дил кезар наво,
Кетдим шошиб уша дилбар куй томон,
Қайдан у, кимдан у, жанггоҳда нечун,
Излардим куй жойин, куйларди ўрмон,
Олис ўзга элда мавҳум мен учун.
Сўқмоқлар ўтдиму сокин яланглик,
Ҳарбий шифохона бўлди намоён,
Куй янграр бир уйда болахоналик,
Иккинчи қаватда эшитдим шу он.
Майсазор пастда жим бемор бир талай,
Жони-ла тингларди неча тур миллат,
Бир ўзбек шифокор чалар эди най,
Куй эди мумиё, буюк муҳаббат.
Олдинг юрагимдан дарду чарчоғим,
О, қандай буюксан, буюксан, наво,
Янгрардинг жанггоҳда, «Чули ироғ»им,
Сен соғинч дилларга нурли бир дунё.

1992

НЕГА МУНЧА ЙИРОҚСАН?

Дилга яқин, бироқ сан
Нега мунча йироқсан?
Билармисан, ойжамол,
Зор жонимга қандоқ сан.

Кузим йўлда, эй малак,
Нега сендан йўқ дарак?
Айлаб жонимни ҳалак,
Қийнама кўп мундоқ сан.

Муҳаббат у оташми,
Хаддан зиёд синашми?
Куйдиришми, ё гаштми,
Этма сарсон фироқ сан.

Сен барнолар сарвари,
Ишқ оламин анвари,
Мафтун дилнинг гавҳари,
Элтма унга қийноқ сан.

Гул оразинг дил сўзим,
Йўлларингга зор кўзим,
Кел кулбамга юлдузим,
Булгин унга чироқ сан.

1991

АНОР УЗАР АНОРХОН

Анор узар Анорхон, ойдаи жамоли,
Ҳилпирайди бошида шойи румоли,
Курарми деб қарайди, лекин хаёли
Анорзорда, мен томон тушмас нигоҳи.

Яқин бориб боғига яна қарайман,
Хабар бер деб еллардан висол сўрайман.
Буюк севги риштасин дилга урайман
Олам менга мунаввар, тушмас нигоҳи.

Йўлга бошлар муҳаббат ҳижрони, дўстлар,
Манзилимдир анорзор жаҳони, дўстлар,
Дилни уртар мулоқот армони, дўстлар,
Булармикин паноҳим дилбар нигоҳи.

Висол истаб боғига утгайман ҳар он,
Анор узган қулини тутгайман қачон?

1990

МЕН КУЙЛАЙИН, СЕН УЙНАГИН

Мен куйлайин, сен уйнагин, ёр,
Сен уйнагин, мен куйлайин, ёр.

Даврага туш, дилбар, мархабо,
Гуллар билан гузалдир дунё,
Нафосатдан булиб маҳлиё,
Бу латофат, дейман, кимда бор.
Мен куйлайин, сен уйнагин, ёр,
Сен уйнагин, мен куйлайин, ёр.

Олам гузал инсон азмидан,
Олур сайқал санъат сеҳридан,
Куйлар газал севги меҳридан,
Шу газалнинг гулисан, дилдор.
Мен куйлайин, сен уйнагин, ёр,
Сен уйнагин, мен куйлайин, ёр.

Элда дилбар раққосалар бор,
Рақс олами сен ўзинг, дилдор,
Куйлай сенинг гул рақсингни, ёр,
Гулдан пайдо бўлур чаманзор.
Мен куйлайин, сен уйнагин, ёр,
Сен уйнагин, мен куйлайин, ёр.

Рақс — муҳаббат, мафтуни диллар,
Кутар уни оламда йўллар,
Оро олур сеҳридан гуллар,
Назар куйлар меҳрингни, дилдор.
Айт-чи, рақсда қандай сеҳринг бор?
Мен куйлайин, сен уйнагин, ёр,
Сен уйнагин, мен куйлайин, ёр.

1983

АҲДУ ВАФОЛАР

Сени кўрдим субҳидам, йўлинг эди саҳролар,
Юзи гулгун барнонг деб, куйлаб ўтди саболар.

Сўз тополмай васфингга, йўлга чиқсам сайр этиб,
Такрор айлар номингни чўлда яшнаб раънолар.

Бу гулшанда ягона раъно гулим сен десам,
Изларингдан қарайди йўлда тўхтаб барнолар.

Ҳаёт завқин тотибсан, элга қушиқ айлайин,
Юракларни янгатган асли меҳру вафолар.

Чеҳранг нури дилимда тулин ойдек порлайди,
Йуларимни ёритгай муҳаббатбахш зиёлар.

Бу оламда муҳаббат ҳар дилда бир баҳордир,
Унинг билан мунаввар мангу еру самолар.

Таърифингни, жонгинам, қушиқ айлай оламга,
Аҳли олам қалбини забт айласин наволар.

Қушиқ — севги гуллари, боғбони — дил, садоқат,
Бу оламда яшнасин доим аҳду вафолар.

1984

ҲУРРИЯТ

Боғлардан эсади оромбахш еллар,
Қуёшга барини тугади ерлар,
Наврӯзи оламни кутади эллар,
Бу эзгу саодат—хуррият, дӯстлар.

Хуррият нигоҳи тарих қалбида,
Жонфидо элларнинг мангу аҳдида,
Зулматлар тарк бўлур қуёш олдида,
Бу эзгу саодат—хуррият, дӯстлар.

Широқнинг чироғи хуррият бўлган,
Темурнинг яроғи хуррият бўлган,
Элларнинг байроғи хуррият бўлган,
Улар нур, эрк йўли, хуррият, дӯстлар.

Хоразмий ал-жабри, Шайх Кубро хуни,
Навоий навоси, Сино қонуни,
Беруний, Улугбек дониш очуни,
Улар нур, эрк йўли, хуррият, дӯстлар.

Нур бўлиб туғилар гудак онадан,
Гул унар заминда киндик қонидан,
Эмизик сут унар она жонидан,
Бу эзгу саодат—хуррият, дӯстлар.

Наврузда турналар келур фалакдан,
Қаноти асрайди уни ҳалокдан,
Интилуր қадрдон жойга юракдан,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Боғларнинг нафаси ҳаёт чиройи,
Етилса меваси — дастурхон жойи,
Боғбонлар тухфаси булса киройи,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Болалар шодлиги бир жаҳон булса,
Қанотин ёзмоққа кенг имкон булса,
Ватани мураббий, меҳрибон булса,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Инсоннинг идроки қанотли булса,
Аҳдига вафоли, саботли булса,
Яратган дунёси ҳаётли булса,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Одамзод яшайди эрк, орзу билан,
Қадрият улчови-тарозу билан,
Дили пок, эли пок эл ёғду билан,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Ўзаллар чиройи эркидан булур,
Карвонлар омади юкидан булур,
Ҳаётнинг мазмуни уқувдан булур,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Вояга етганда кутарсан иқбол,
Топган ризқ, насибанг булмасин увол,
Боғбонсан, қолса гар сендан бир ниҳол,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Ёрдамга қулинг чуз ожизни кўрсанг,
Йулдош бул сафарда ёлғизни кўрсанг,
Азиз бул элингда азизни кўрсанг,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Тарихлар доимо довон ошади,
Тафаккур янгилик, имкон очади,
Ҳамкорлик жаҳонда жаҳон очади,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Оламда инсондан қолар ёдгорлик,
Заҳмат-ла ундираб боғ, чаманзорлик,
Чин ҳаёт маъноси эрк, бахтиёрлик,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Иулингни ёритган нур Ватан эрур,
Дилингда сўнмаган нур Ватан эрур,
Азмингдан унган нур ҳур Ватан эрур,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Инсоннинг измига қулоч етмасин,
Ерин тақир-у яланғоч этмасин,
Ўзганинг қулига муҳтож этмасин,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Буюк ипак йули — карвонлар йули,
Қизилқум, Қорақум, армонлар йули,
Чулларда унган гул боғбонлар йули,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Дунёда эллар куп, байроқлар ҳам куп,
Ватаним мустақил, тенгқур эл булиб,
Ҳилпирар байроғинг нурларга тулиб,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Шаҳарлар, қишлоқлар курк олиб, барқли,
Истиқбол йуллари гавжум, ярақли,
Биз узбек элимиз, ҳур қадим шарқли,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Она ер очмоқда сахий бағрини,
Биз унинг эгаси, очган баҳрини,
Кенг олам билмоқда элим қадрини,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Заҳматкаш қулларга гул тутар баҳор,
Имонли дилларга толе булар ёр,
Инсоннинг эрк, бахти мустақил диёр,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

Хуррият, нақадар азизсан, ҳурсан,
Ўзлигин билганга нурли умрсан,
Бу ёруғ дунёда илоҳий нурсан,
Бу эзгу саодат—хуррият, дустлар.

1997

ЗАМИН ЖАМОЛИ

Дала айланади кекса миришкор,
Уғил невараси юрар ёнида,
Мола айланади, дон кутар шудгор,
Баҳор гашти бола ҳаяжонида.
Гуриллар моторлар, текисланар ер,
Кенг дала барига чигит тушмоқда.
Қушлар учиб келиб донин топиб ер,
Бир жойда тухтамай, қўниб учмоқда.
Далаларда, олис қирларда одам,
Заминда ҳамманинг ую ҳаёли,
Бир ажиб илиқлик касб этган олам,
Қуёшга интилул замин жамоли,
Она ер чиройи очиб навбаҳор,
Кеч қолиб, дам олиб туролмас асло,
Ортида чўғ пуркар иссиқ ёзи бор,
Сеп ёзиб олдинга шошар доимо.

1997

ИССИҚ НОН ЁПИЛУР

Уйнар еллар елпини,
Ғаллазорлар мавжида,
Миришкорлар экини,
Айни урим авжида.


Уйилмоқда хирмонлар, —
Қир, адирлар эҳсони,
Келур йулда қарвонлар,
Улар элнинг ризқ, нони.

Тандирларда гупиллаб,
Иссиқ нонлар ёпилур,
Нақш олмадай нурланиб,
Саватларга олинур.

Бўртиб мағзи иссиқ нон,
Диёр ҳидин келтирур,
Ёзилганда дастурхон,
Азиз номи айтилур.

Ниятига эл етгай,
Замин бўлур донга коё,
Ғалласин ҳам пахтадай
Уяр ҳур Ўзбекистон.

1997



ТУРТЛИКЛАР

* * *

Муҳаббат аслдир чиндан, англасанг,
Қалбинга бол каби қуйилар бутун,
Астойдил азм этиб кунгил бойласанг,
Муҳаббат бобида келарсан устун.

* * *

Бахтим нашъаси кунглимга тўлса,
Элимда мангу гулбаҳор кулса,
Нега қуйламай ҳаёт боғимни,
Унинг тақдири тақдирим бўлса.

* * *

Табаррук сўз борми она сузидан,
Ёгилар оламнинг нури кузидан,
Фарзандлар бошидан гар утса булут,
Силқийди томчиси она кузидан.

* * *

Савоб эт элингга, у улугъ эҳсон,
Шафқатнинг меҳридан нур қучар инсон,
Заминда яшайди ҳиммат, оқибат,
У билан муътабар, обод бу жаҳон.

* * *

Чин дустнинг амалда сўзи кўринур,
Меҳридан нуруний юзи кўринур.
Ёнида қўл тутиб мушкул дамларда,
Хаёлда жонланиб узи кўринур.

* * *

Қадринг йули ёниқ дилингдан утар,
Умринг йули она элингдан утар,
Заҳмат чексанг унар заминда гуллар,
Яхши, ёмонлигинг феълингдан утар.

* * *

Шундайлар бор — дилни дилдан айирурлар,
Узиш учун гулни гулдан қайирурлар,
Аҳли дунё тотувлигин кўролмай,
Зимдан қондош элни элдан айирурлар.

* * *

Диерлар бор — ери абадий баҳор,
Диерлар бор — ёзида ҳам ери қор,
Юртим, сени йилу фаслинг бетакрор,
Нозли қишинг, сўлим гулбаҳоринг бор.

* * *

Мушкул дамда чин дуст булур мададкор,
Шундайлардан бу дунёда ҳиммат бор.
Олам ую, одам унинг гулшани,
Қадриятлар дунёсида ҳикмат бор.

* * *

Ҳеч кимнинг насибу оти учмасин,
Ундирган гули-ю ҳаёти сунмасин,
Нур бўлиб унади ҳар гунча ердан,
Оҳ, ёмон кўз тегиб бевақт сўлмасин.

* * *

Дунёнинг диловар малаги кўпдир,
Муътабар зотларнинг палаги хўпдир,
Эҳтиёт бўлинглар, гули раънолар,
Чиройли гулларнинг капалаги кўпдир.

* * *

Вафосиз деб йиғлама, қиз, йиғлама,
Алданиб, дил тиглама, қиз, тиглама,
Булур содиқ, марду номард ҳам, ҳаром —
Ишққа меҳринг булғама, қиз, булғама.

* * *

Инсон гоҳ доно-ю, гоҳида нодон,
Нодонлик йулида туради шайтон,

Ножуя бир қадам элтади чоҳга,
Хушёр бул, эй инсон, булма пушаймон.

* * *

Яхшилик йуригинг дунёлигингдандир,
Чин сизинг маърифти маънолигингдандир,
Кишини жаҳонга ақли етаклар,
Бахт қучсанг, тахт қучсанг донолигингдандир.

* * *

Оламнинг ойинаси одамнинг кўзи,
Тарози палласи айтилган сўзи,
Уйламай гапирса адашгай йулдан,
Саробга дуч келур охири узи.

* * *

Камтар одам дунё посбони эрур,
Меҳнати — тақдири, имони эрур,
Ватанга хавф тушиб сафда турганда,
Курашга чорловчи виждони эрур.

* * *

Наврузнинг нафаси келур бўстондан,
Ниш урган ям-яшил, тилсиз ҳар жондан,
Ҳар дилга гул тутиб, кўрк дунёсидан,
Нақш кутар камоли қодир инсондан.

* * *

Заррада қуёшу осмонни кўраман,
Томчида денгизу уммонни кўраман,
Йўл юрсам, қадамда жаҳонни кўраман,
Аввало олий қадр инсонни кўраман.

* * *

Дунё бу беқиёс шиддатли ҳаёт,
Элтар гоҳ қанотсиз, гоҳ берар қанот.
Ҳар ким ҳам насиба йўлида яшар,
Бир учар юлдуз у — муддатли ҳаёт.

* * *

Кечаю кундузнинг вақти бир келса,
Эл уни Навруз дер, порлаб гул унса,
Шу она заминнинг туйидир туйи,
Қанийди дунёнинг аҳли бир булса.

* * *

Ўзбекнинг юраги мисли тинч дарё,
Тубида қудратли оқин доимо,
Лекин шу оқинга дуч келса тусиқ,
Уни тўхтатолмас ҳеч қандай дунё.

* * *

Курмасин биз қурган урушни жаҳон,
Деймиз ҳеч қайтмасин уша қонли он,
Бехатар яшасин дунёда одам,
Тинчликда ер яшнаб бўлсин гулистон.

* * *

Тил бўлмасин ҳасад алами,
Ё ёғлама, ё қилич дами,
У ақлнинг содиқ посбони,
Унга боғлиқ инсон қадами.

* * *

Эшик очилади уйғонса инсон,
Кутади янги кун мунаввар жаҳон,
Юмуш йўлларида қолар излари,
Изларидан билинар насиба, имкон.

* * *

Ғаним уйлар бошга ёнғоқ чақишни,
Дустни ҳам ёмонлаб ёвга чақишни,
Дунёда ёнғоқ куп, тегар унга ҳам,
Номардлар уйлайди бетга чопишни.

* * *

Оддий жангчи эдик биз қаламкашлар,
Фидойи бўлди куп жангли тенгдошлар,
Шеър ҳам жангчи эди қуролдан уткир,
У тарих йулида нур булиб яшар.

* * *

Ортиқ боқма ўзингга,
Эрк бермагин сузингга,
Дунё йўли нотекис,
Қараб юргин кўзингга.

* * *

Донолар отани ҳурматланг деган,
Таълим, тарбиясин унутманг деган,

Ота меҳрин қиёс айланг қуёшга,
Нурафшон йулига доғ элтманг деган.

* * *

Тўшларга тил кириб ёнмасин замин,
Низолар элтмасин оташ нафасин,
Тиф эмас, тил бўлсин ҳоким дунёда,
Унда кўрсин эллар нурли эртасин.

* * *

Гурунчининг ичидан чиқади курмак,
Баъзи бировларга бу дунё эрмак,
Дустини, қушнисин йуқотмак хатар,
Бу демак ганимга жойини бермак.

* * *

Ўзбегу тожикнинг бир хил палаги,
Бир она зурёди, бир хил малаги,
Сир, Аму яратган улар аслини,
Шу она ер меҳри улар юраги.

* * *

Ўзбегу тожикнинг уйлари туташ,
Қуда, қудагайли, туйлари туташ,
Чулу тоғлар бағрин гулистон этган
Бунёди, ободи, уйлари туташ.

* * *

Ўзбегу тожикнинг тоғлари баланд,
Ундирган боғларин ҳосили баланд,
Тошда ҳам, қумда ҳам чаман яратган,
Мардларин диллари мангу бир пайванд.

* * *

Помирдан йул олиб Оролга қадар,
Неча юртдан утар икки чунг дарё,
Бириси онаю бириси падар,
Шулар дер, бизларни гуллатган дунё.

* * *

Кезинг тожик элин сиз ҳамма ерда,
Кезинг узбек элин сиз ҳамма ерда,
Курарсиз ёнма-ён бу икки халқни,
Бир хилдир заҳмату азму тақдирда.

* * *

(Жомийдан)

Хуш ул дамки, сени куриб хайратдан,
Шошиб, билмам, қандай салом дегайман,
Ҳамма жойда ҳаром дерлар шаробни,
Ғар сен тутсанг, қандай ҳаром дегайман.

* * *

Баҳор келса порлар юлдузлар,
Чеккасига гул тақар қизлар,
Ер безаниб, гуллар шивирлар,
Ғузаликнинг ҳамроҳи бизлар.

* * *

Қуёш меҳрин сезганда замин,
Порлаб чиқар лолалар гулгун,
Журлар куйлаб баҳор фаслини,
Куйин бошлар ер кўрки учун.

* * *

Дехқон чиқар баҳорга пешвоз,
Ерга ёзар ризқи рузини,
Ер ҳам айлаб деҳқонга ихлос,
Тутар унга нону тузини.

* * *

Ризқи рузнинг марди дерлар деҳқонни,
Гулга бурқар ҳар парча ер майдонни,
У баҳордир, замин неъматини ундан,
Тутар азми нону тузда жаҳонни.

* * *

Пойтахт десак элтарди ҳар он,
Ҳамма йулар Москва томон,
Элим бўлиб мустақил букун,
Бош пойтахтим Тошкент дер бу он.

* * *

Милтигим жангоҳда булди ҳамдаммим,
Ғалаба кунда қолди қулимда,
Қуксимда янграган каломим эса
Қаламга айланиб борур йулимдан.

* * *

Буз йигит, бузлигинг замин титратар,
Она ер сенга гул куксини тутар,
Ўтма топтаб унинг унган гулларин,
Йуқса сенга ҳазон тусини тутар.

* * *

Насиб булди унга туғма истеъдод,
Илми маърифидан эли эди шод,
Лекин етмади у толеъ қадрига,
Охири сунди у яратган бунёд.

* * *

Ҳасрат майдонида тутун чиқади,
Тугайди-ю ёнмас ўтин чиқади,
У бор жойда айнир мусаффо ҳаво,
Оқибатда ундан афъюн чиқади.

* * *

Олқор, сендан бахмал води кўринур,
Қорли чўққиларда ўйнар олмос нур,
Салқин сабо елпиб ўтар юзларинг,
Курди сенда бир антиқа гул умр.

* * *

Ҳеч ким ёридан бевақт жудо бўлмасин,
Ёлғизлик дардидан адо бўлмасин,
Умрига нур берган чироғи сўниб,
Етимдек нур излаб, гадо бўлмасин.

* * *

Куклам жилваларин куйлар водийлар,
Ўлкам гунчаларин ўйнар ёғдулар,
Жушқин ирмоқларни кучар дарёлар,
Улардан яралур буюк дунёлар.

* * *

Чўққисан, онасан, куксинг гувиллар,
Оқ, шаффоф сувингни водига йўллар,
Шўх, учқур шаршаранг минг кокил ёзиб,
Заминга ёйилиб, тушайди гуллар.

* * *

Кунгил дийдор йулин соғинч посбони,
Замин баҳор гулин боғу бўстони,
Гулшан аро яшар мангу муҳаббат,
Ҳаёт кўрки унинг қувонч жаҳони.

* * *

Эй мард, оширмагин шўхлигингни сен,
Ошиб-тоширмагин тўқлигингни сен,
Ҳаёт доим яшар тарози билан,
Тортса қисмат дема йўқлигингни сен.

* * *

Дил доно мактабинг бўлсин,
Қўл фидо хизматинг бўлсин,
Меҳнат-ла унган насибанг,
У қутлуғ неъматинг бўлсин.

* * *

Нуқта — қопқоқ гап учун,
Зураймас урғу билан,
Кўрсатади у кучин,
Дилкушо туйғу билан.

* * *

Гунча тонгда очилар,
Кун нурига шошилар,
Капалаклар хуштори,
Атри ҳарён сочилар.

1985—1996



БОЛАЛАРГА

ТОҒ БАҒРИДА

Баланд тоғнинг таърифин
Эшитардик қишлоқда,
Унинг оппоқ чуққисин,
Қураар эдик узокда.
Ёзнинг иссиқ кунлари
Узгармасди чуққиси,
Келар эди ҳамманинг
Тоғ устига чиққиси.
Келди каникул вақти,
Тоққа борамиз дедик,
Раҳбар булди мураббий,
Қирқ укувчи йигилдик.
Алпинистдай тизилиб,
Саёҳатга йул олдик,
Адирлардан утиб биз,
Дарага келиб қолдик.
Ҳамма ёқда тоғу тош,
Қорли тоғ эса йироқ,
Роса қиздириб қуёш,
Юриш булди қийинроқ.
Мураббий «Тухтанг!» деди,
Харсанларга утирдик,
Турт томонга тарқалиб,
Ҳар хил тошлар келтирдик.
Тоғ бағрида ранг-баранг,
Турли гуллар куп экан,
Ҳатто худди гул каби

Гуллаб җибли тикан.
Гербарийлар танлашга
Шошилардик югуриб,
Ҳаммасини мураббий
Тушунтирарди юриб.
— Қорли тоққа биз қачон
Борамиз, — деб сўрадик,
Юрган билан қорни биз
Узоқларда қўрардик.
— Уч кунлик йўл қорли тоғ, —
Бориш унга кўп қийин,
Катта бўлганингизда,
Бориб кўрасиз кейин.
Кулиб қарар мураббий,
Оқ чўққини кўрсатар,
— Бизнинг Оқсой шу тоғнинг
Тепасидан бошланар.
Ўлкамизнинг ҳар ерин,
Ўрганамиз албатта.
Тоғни бориб кўрасиз
Булганингизда катта.
Ўқитувчи сўзини
Тинглар эди болалар.
Тоғ сувида чумилиб,
Ўйнаб-кулиб дам олар.

1955

МИНГ БИР ҲИКМАТ

Ўқиб қолдим бир куни,
Минг бир ҳикмат китобин,
Нурга ўхшар ҳар сузи,
Кўрдим билим офтобин.
Эгаларин ахтарсам,
Доно боболар экан,
Улар ёзган китоби,
Гавҳар маънолар экан.
Китобларин билмайман,
Ўқимаганман ҳали,
Тоғиб барин ўқийман
Имкони бор маҳали.
Минг йиллардан буён у
Доно сузлар яшайди,
Кишиларни қуёшдай

Нурли йулга бошлайди.
Яхши суз ва яхши иш
Улмас экан ҳеч қачон,
Яхшиликнинг меҳри-ла
Улғаяркан ҳар инсон.

1969

ТОШКЕНТДА ЯШАЙМАН

Мен яшайман Тошкентда,
Хадрада, цирк ёнида,
Гоҳи туриб бир четда,
Боқсам, кенг майдонидан —
Машиналар гизиллаб,
Қатор-қатор ўтишар,
Сайёҳлар-чи, «Интурист»
Машинадан тушишар.
Қарашади атрофга,
Кукалдошга ўтишар.
Гоҳ қизиқиб бозорга,
Сурат олишга тушар.
Танибман-ки ақлимни,
Шаҳримизда шу аҳвол,
Гоҳ уларни кўрганда,
Суриб кетаман хаёл.
Дунё қизиқ жой экан,
Ҳамма ери томоша,
Шундай бўлмаса, улар
Келармиди йўл оша.
Бизникилар ҳам кетар
Ҳиндистонга, Мисрга,
Ҳатто баъзи бирлари
Ундан ҳам олис ерга.
Қадим Тошкент шаҳримиз
Тарихларга бой экан,
Шарқда машғал ном олган
Таърифи зур жой экан.
Шаҳримизни қадимда
Шош деб аташган экан,
Уруш бошлаб куп хонлар,
Халқни талашган экан.
Икки минг йил туйини,
Биз яқинда утказдик,

Яна гузал булсин деб,
Гул, кучатлар утқаздик.
Шаҳримизда музей куп,
Тез-тез бориб тураман,
Ҳар борганда бир китоб
Уқигандай буламан.

1966

ЖАЖЖИ ҚИЗАЛОҚ

Кумуш жажжи қизалоқ,
Энди тулди еттига.
Кучамизда қари-ёш
Қойилдир гайратига.
Узи тенги қизларни
Туплаб, бошлар уйинни,
Уй-ҳовлини супириб,
Боқар қушни қуйини.
Қушнилар чақалоғин
Кучада олиб юрар,
Буза биров тартибни,
Энг аввало у қурар.
Ҳамма ҳарфни танийди,
Яхши чизар расмни,
Ургатмасам уқишни,
Берар у таъзирирни.
Иккичи деб отимни,
Чиқаради ялқовга.
«Яхши бола, — дейди у, —
Ёрдам берар бировга».
Уйлаб курсам, Кумушнинг
Гапи туғри, фойдалиқ,
Кишиларга ёрдамни
Биз сира унутмайлик.

1970

ВЕЛОСИПЕДЧИ БОЛА

Велосипедчи бола,
Ҳовлиқмагин йулингда,
Копток эмас, рулни куп —
Уйнама бир қулингда.
Сени қурдим кучада,

Шамолдан тез учардинг,
Автобусларни қувиб,
Қушдай енгил кучардинг.
Йулга чиқсанг қараб юр,
Рулингни-чи, тугри бур!

1967

ОЛТИН ТАНГАЛАР

Мақтабимиз ёнида
Эски бино бор эди,
Спорт майдони учун,
Мақтаб саҳни тор эди.
Эски бино ўрнида
Спорт майдони булар,
Чумилишга ҳовузи,
Чопишга равон йўллар.
Эски бино ўрнида
Қазиш ишлари кетди,
Йулчи билан Ғайбулло
Ишда ғайрат курсатди.
Ҳовуз ўрнин қазишда
Улар топишди хумча,
Хумча ичида муштдай
Бир ғалати тугунча.
Йулчи очди тугунни,
Чиқди ичидан тилло.
«Яшир тиллони дарров»,
Шошиб деди Ғайбулло.
Сунг дер: — Акам тиш
дўхтур,
Тез унга оборамиз.
Эвазига каттакон
Мукофотлар оламиз.
Йулчи олди тиллони,
Ҳар бирида бор сурат.
Тарихи зўр нарсадир,
Бордир уларда ҳикмат.
Йук, деди у дўстига
Тиш бўлмасин тангалар.
Тил бўлгани яхшироқ,
Сўзлар олтин тангалар.

1968

КУКЛАМ БИЗНИКИ

Каникул бошланди,
Олам бизники,
Тоғларда гул ёзган
Куклам бизники.
Бизники иссиқ ёз,
Илиқ сувлар ҳам,
Соҳилда поёндоз
Тошу қумлар ҳам.
Қолар мактабимиз,
Туғилган жой ҳам,
Ёзар йулимизга
Ёз яшил гилам.
Бизга маҳталдир тоғлар,
Мевазор боғлар,
Бизга маҳталдир дарё,
Кул ва ирмоқлар.
Бизга маҳталдир қирлар,
Кенг экинзорлар,
Буламиз оталарга
Биз дастиерлар.
Қарашамиз экинга,
Булар бизнинг ҳам пахта,
Шу она заминга,
Боғбонмиз ҳар вақтда.
Узгарар дашт, чўллар ранги,
Унда кўпаяр гуллар,
Пайдо булар янги,
Кенг, равон йуллар.
Бизникидир боболар
Экиб қолдирган ниҳол.
Каникул ҳам ўқишдир,
Бу сўз мағзин чақиб ол!

1967

ПАРВОЗ

Синфдошим Турсуной
Ашулачи ҳаваскор,
Жимиб қолар ҳаммаёқ
Қўлга олса у дутор.
Зап овози бор дейди

Уни билган ҳар киши.
Лекин узи уятчан,
Емон эмас уқиши.
Аъло баҳо оҳанги
Булсин, дейди, овозим.
Яхши билим олганда,
Қушиқ булар парвозим.

1969

УҚИ ШУНДАЙ

Китоб уқиб уйда утирсам,
Карим қайтди мактабдан хурсанд,
Жилмаярди ҳол сураб боқсам,
Ийманарди айтишга ҳарчанд.
— Уқишларинг дурустми? — дедим,
Кулиб менга узатди дафтар.
Варақладим — арифметика,
Ёзувлари хушхат нақадар.
Ҳар варақда ўқитувчиси
Қизил рангда ёзган «5» баҳо.
Раҳмат айтдим. Сунг: «Шундай уқиб,
Шундай яша, — дедим, — доимо».

1967

ДАФТАР ЧИЗИҒИ

Жамол дафтар варақлар,
Чизиклари ярақлар.
Ёзиб кетди бетоқат
Чикмади ҳеч ҳусни хат.
Ҳарф жужадай тарқалди,
Бири четга тақалди.
Тушганидан бу ҳолга
Чизик ҳайрон Жамолга:
«Нега йулга кирмайди,
Туғри йулни билмайди?»
Сўзлар яна чизиклар,
Койиб Жамол қўлидан:
«Юролмасанг чизикдан, —
Юролмайсан йулингдан».

1969

КИММАН УЗИМ?

Мени дейди амаким,
Тулқин бола «ҳотамтой»,
Йулда эса аллаким,
Кулиб дейди «кичкинтой».
Билолмайман ким узим,
кичкинтойми, ҳотамтой.
Ойижоним дер «қузим»,
Кимман узим, айтинг, ҳой?

1984

МЕҲМОН АМАКИЛАР

Меҳмон амакиларим,
Сизлар ҳозир қаерда,
Сиз турган жой олисми,
Гул буларми у ерда?
Агар булса чаманзор,
Ким гул терар сиз учун?
Гул берсалар, битгасин
Олиб юринг биз учун.
Эсингиздадир Тошкент,
Аэропортда куз куни
Гул ушлашиб турардик,
Сизлар учун деб уни.
Келиб қунди самолёт,
Гул тутишдик биттадан,
Келган эди меҳмонлар
Шу кун ҳамма қитъадан.
Юзимизни силашиб
Гулимизни олдингиз,
Бизга толеъ тилашиб,
Меҳмон булиб қолдингиз.
Беш қитъанинг гард, нури
Элимизда қолгандир,
Беш қитъанинг сўз дури
Дилимизда қолгандир.
Биз шуларни гул этиб,
Элда чаман қилганмиз,
Дустлик меҳрин юракка
Эзгу Ватан қилганмиз.
Меҳмон амакиларим,

Сизлар ҳозир қаерда,
Сиз турган жой олисми,
Гул буларми у ерда?
Агар булса чаманзор
Ким гул терар сиз учун?
Гул берсалар, битгасин
Олиб юринг биз учун.

1970

УҚИБ ИЛҒОР БУЛАМИЗ

Маҳалламиз каттакон,
Уни Илғор дейдилар,
Бир юз ўттиз иккинчи
Мактаби бор дейдилар.
Майдонлари дарахтзор,
Кучалари кенг, обод,
Ҳовлилари боғ, гулзор,
Аҳли тотув, тинч ҳаёт.
Ота, онамиз ҳар дам,
Яхши уқинг дейдилар,
Устозлар таълимин ҳам
Дилдан уқинг дейдилар.
Мактаб чорлар уқишга,
Уқиб илғор буламиз,
Она Ватан ишига
Доим тайёр буламиз.

1978

ЧАВАНДОЗ

Келди яйловга
Шаҳардан Омон,
Минмоқ бедовга
Кунглида армон.
Тоғаси элда
Машҳур чавандоз,
Ёзилган қирда
Яшил поёндоз,
Салқин шабада
Гир-гир эсади,

Кушлар ҳавода
Уйнаб учади.
Истайди Омон
Учмоқни отда,
Юрар яйловда,
Шундай ниятда.
Тоға жиянин
Ниятин қутлар,
Қирда йилқилар
Яйрашиб утлар.
Тоға дер: — Жиян,
Сенга бу учқур
Зотли от жийрон,
Қани миниб қур.
Омон қир буйлаб
Учмоқ орзуси,
Қарар эгарга —
Зур узангиси.
Учқур жийронга
Минади аста,
Етиб армонга,
Юрар ҳавасда.
Юганни тортар,
Йурғалар оти,
Тезлиги ортар,
Бордай қаноти.
Тоғаси ортдан
Шод қараб турар,
Дер: — Бундай жиян
Чавандоз бўлар.
Айланиб келиб,
Тухтайди Омон,
«Чавандоз бўлиб,
Қолдим, тоғажон.
Биламан, юртда,
Чавандозлар куп,
Булай бу отда
Мен ҳам, айтинг хуп».
Тоғаси хурсанд,
Юганни тутар,
Омон раҳмат деб,
Отни етаклар.

1997

БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди, болалар,
Очилди гул-лолалар,
Паст-у баланд адирлар,
Тоғу дашту ва қирлар
Бўлди яшнаб чаманзор,
Гулга бурканди диёр.

Лола ухшар чаноққа,
Ранги қизил байроққа,
Соғинганмиз, кўрайлик,
Адирларда юрайлик,
Гул ҳидлари муаттар,
Еллар уни таратар.

Баҳор гули лолалар,
Яшнаб дейди: болалар,
Бу гузаллик сизники,
Бахтли ўғил-қизники.
Салом, деймиз, навбаҳор,
Дилда сўнмас меҳринг бор.

Қирга кучган чўпонлар,
Боғ оралар боғбонлар,
Баҳор бонги жаранглар,
Ерда минг хил гул, ранглар.
У гулларни асрайлик,
Баҳор гаштин сурайлик.

1968

«5» БИЛАН «2» СУҲБАТИ

Жаранглади қўнғирок,
Синф бўш қолди шу чоқ.
Диктант ёзилган дафтар
Партада очиқ ётар.
Варақларда икки хил —
Бири кўк, бири қизил
Қалам билан ёзилган
Баҳо кўринди бирдан,
Бир варақдан «5» рақам,
Бошқа бетдан «2» ҳам.

Суҳбат кетди уртада,
Чеккадаги партада:
— Нега рангинг қизилдир?
Сабабини тушунтир.
Мен ҳам худди байроқдай
Яшнаб қип-қизил булай.
«5» курсатди ёнини,
Ҳуснихат томонини:
— Мен турган шу варақда,
Ҳатто кичкина нуқта
Текис, чиройли, бир хил,
Курса қувонар кунгил.
Сен турган у варақда,
Қара, нуқта қаёқда.
Чизиқдан пастга тушган,
Ҳарфлар қийшиқ-буришган,
Маънолари аниқмас,
Киши яхши тушунмас.
Сунг перога илиниб —
Чиққан қуйқум билиниб,
Варақ буйлиб сочилган,
Эҳтиётлик бўлмаган.
Шунинг учун бош эгиб,
Ёмон жойда зерикиб,
Огир хаёл сурасан
Ва қўқариб турасан.

1965

ЧИМЁН ЛАВҲАЛАРИ

Чимён, Чимён, оромбахш гуша,
Хаёлимда кезар боғларинг,
Бошинг узра оппоқ қор ўша,
Чирчиққа ном берган тоғларинг.
Қоматини кўтариб баланд,
Гул водийга қарайди хурсанд.

Кокил-кокил ўралиб тушган,
Харсанглардан буралиб тушган,
Ойна каби жилғалар шаффоф,
Бир-бирига қўл бериб ўйнар.
Қатрасида ярқираб офтоб,
Кучга тўлиб олдинга бўйлар.

Олача тун дарага боқиб,
Ариқ куйин келтирдим ёдга,
Чуққида қор эриб, сув оқиб,
Шошар узоқ йўлга — ҳаётга.
Шунданмикин, қад кутариб тоғ,
Узоқлардан қарайди ҳар чоқ.

* * *

Уғлим, уртоқларинг Алишерларга,
Қушилдингу чопдинг ям-яшил тоққа,
Лочин тезлигида чиқдинг қирларга,
Кулиб боқдинг ортга, қия сўқмоққа.
Хол бўлиб кўриндинг ўнгирларда сен,
Хушбўй утлоқларда менга тердинг гул,
Изингдан шод қараб, дедим шунда мен:
Ўйнай бер, кўз нурим, бахтли ёшлик шул.

1956

ТОШКЕНТ ГЎЗАЛИ

Набирам Иродага

Боқчага қатнайсан жажжи набирам,
Қушнилар сени дер Тошкент гузали,
Шух, зийрак, ёқимтой, митти гунчасан,
Бахшида сенга бу бобонг газали.
Кўринсам кўчада, келиб шод, хуррам,
Суровга тутасан сен авваламбор,
Кўринар сенга ҳар нарса бир олам,
Уларни бирма-бир сўрайсан ҳар бор.
Мунча кўп суровинг десам, куларсан,
Жилмайиб сўрайсан боз янгиларин,
Бу шошқин дунёни билмоқ бўларсан,
Оҳ, дейман, улгайсанг биларсан барин.
Эшикдан бошланур ҳаётга кенг йўл,
Ҳар босган қадаминг чўмсин гулларга,
Улгайиб Ватаннинг доно қизи бул,
Донолик-барнолик у нур умрга.

1983

МЕНИНГ ДАДАМ КРАНЧИ

Менинг дадам бинокор,
Қурилишда кранчи,
Машинаси зап буйдор,
Полвон филдан зур кучи.

Қават-қават иморат
Устида у айланар,
Минг одамнинг хизматин
Бажаришга шайланар.

Мана, силжиб урнидан,
Хартумини узатди,
Арқон каби симларни
Дадам бир-бир кузатди.

Шунғиб пастга кутарди —
Кажавада бетонни,
Сунг қаватлар устига
Қуйди цементли томни.

Бир машина тахтани
Тевага даст кутарди,
Қаватларнинг устидан
У авайлаб утарди.

Сунг тахтани бушатди
Уста курсатган жойга,
Ишин куриб: — «Қойил-е!» —
Дедим бу кранвойга.

Шу пайт баланд тепадан
Жаранглади қунғироқ,
Бош кутариб қарасам,
Дадам имлар: «Чиқ тезроқ!»

Темир зиналардан мен
Чиқавердим юқори,
Чиққан сари кетгандай,
Оғимнинг мадори.

— Эҳтиёт бул, — дер дадам, —
Паст ёққа ҳеч қарама,
Тикка юру бул бардам,
Ен-верингга анқайма.

Чарчаб, чиқиб утирдим,
Мен дадамнинг ёнига,
Чиққан каби ҳис этдим,
Худди тоғ довонига.

Атрофимда паст-баланд
Иморатлар ярақлар,
Ёнгинамда бир гала
Қаптар учиб ўйноқлар.

Тункарилган қозондай,
Турар бошимда осмон,
Бундай баланд жойга мен
Чиқмаганман ҳеч қачон.

Узоқ-узоққа қараб,
Дадам билан турардим,
— Анов баланд уйларни,
Ким қурган? — деб сўрардим.

— Биз қурганмиз уларни, —
Дерди севиниб дадам.
Шунда, буламан, дедим,
Сиздек қранчи мен ҳам.

1964

КИМ НИМАГА МОЙИЛ

Аҳмад билан Миржалол
Кучада тўп уйнарди,
Ҳасса тутган кекса чол
Йул четидан утарди.
Елкасида бўз қопчиқ,
Унда тўпдай нарса бор.
Салом берар Миржалол,
Аҳмад қилмас эътибор.
Бориб чолнинг юкига,
Қул узатар Миржалол.
— Элтиб берай, отахон,
— Раҳмат болам, майли, ол...
Қулга олиб қовунни,
Қузғалди чол кетидан.
Аҳмад бўлса кўз олмас,
Коптокнинг чарм бетидан.

1968

ҚАЛБИ ДАРЁ

Амакимни одамлар
Қалби дарё дейдилар,
Билимини мақташиб,
Чексиз дунё дейдилар.
Келиб гоҳо амаким,
Уйда бўлсалар меҳмон,
«Қалби дарё нима?» деб
Сурай дейман ҳар қачон.
Уяламан сурашга,
Чувалади хаёлим,
Юрагимда ечилмай,
Қолиб кетар саволим.
Сурадим ўқитувчидан,
Қалби дарё маъносин,
Тушунтирди: «Айтилур,
Кишиларнинг доносин.
Мана, сенинг амакинг
Асли касби шифокор,
Лекин унинг қишлоқда
Катта хизматлари бор.
Одамларга меҳрибон,
Юртга нафи кўп теккан.
Қишлоқни обод қилиб,
Боқчаларга гул эккан.
Бирор киши бошига,
Тушса мушкул иш агар,
Ёрдам бериб амакинг,
Олар ҳолидан хабар.
Шунинг учун уларни
Қалби дарё дейдилар,
Ҳурматини улуғлаб,
Чексиз дунё дейдилар.
Мен ҳам ўқиб, улгайсам,
Қалби дарё буламан,
Яхшиликнинг қулидан
Ушлаб, ҳамроҳ буламан.

1968

ОҚСОЙ КУЙЛАЙДИ

Иссиқ ёз чоғи
Уйнаб оқизоқ,
Қулимга олдим
Бир қоғоз — оппоқ.
Уни беш буклаб
Қайиқ ясадим.
Ариққа аста
Қуйиб, қарадим.
Шух сув устида
Қалқир оқизоқ.
Қулогимга сув
Қуйлайди шу чоқ.
Майин шилдираб
Сўзлаб борарди,
Уйнаб, пилдираб
Бузлаб борарди.
Оқизоғимни
Оқизиб кетди.
Гулзорга элтиб
Аста беркитди.
Шилдираб бирдай
Оқар эди сув,
Икки соҳили
Майса, гул сулув.
Гуллар баргида
Асаларилар,
Виз-виз учишиб
Асал туплашар.
Майсадан ризқин
Излар чумоли,
Келиб салқинлар
Сахро шамоли.
Ҳовучга олдим
Ариқ сувини,
Қулимда уйнаб
Ариқ тубини
Мулжалга олдим
Тоғлар тошини,
Завқим оширди
Шухлик тошқини.
Ҳовучдан тушган
Сув оқиб кетди,

Қайси бир гулга
Умрин бахш этди.
Сувни шопириб
Утириб қолдим.
Ариқ куйларин
Тинглаб, дам олдим.
Бир маҳал бобом
Келиб қолдилар.
Ишлар қалай деб
Сураб қолдилар.
Ариқ буйига
Тайёрладим жой.
Дастурхон езиб
Келтирдим нон, чой.
Бобом қишлоқда
Энг кекса мироб.
Саволлар бериб
Сурадим жавоб:
«Айтинг, ариқлар
Нега куйлайди?»
Бобом, ариққа
Қараб суйлайди:
«Помир тоғидан
Оқиб келар бу.
Ҳар томчисини
Халқ дейди инжу.
Қишлоқ четидан
Оқсой утади.
Унинг тарихи
Узоқ кетади.
Неча минг йиллар
Сой булиб оққан.
Фойда келтирмай
Халқ дилин ёққан.
Сунгги манзили
Булган шух дарё,
Шу билан умри
Тулаган гуё.
Лекин биз уни
Бекор қуймадик.
Йулини тусиб
Туғон тикладик.
Сен турган шу жой
Тақир чўл эди.

Гармселларга
Бу ер йул эди.
Оқсой сувидан
Чаман яратдик.
Неварам, ундан
Гулшан яратдик».
Оқсой боғларга
Йул олар эди.
Уз қудратидан
Лол қолар эди.
Йулида минг хил
Чаманни куриб,
Суви боғларга
Куйлар югуриб.

1967

ҚУЛИ ТАМҒАЛИ БОЛА

Унутмоқ мумкинмас уруш дардларин,
Жанггоҳ... Германия... Қирқ бешинчи йил,
Фашист уйи, белорус фарзандларин
Курдик унда, бари ногирон, дардчил.
Урадан чиқишди бир туда бола,
Талпиниб турарди бизга ҳаммаси,
Билагин курсатди мурғак бир бола,
«15000» рақами, фашист тамғаси.
Куз — нурсиз, қоқ суяк, танда йуқ мажол,
У тонгдан тонггача тиним билмаган.
Тепилган, калтақдан йиқилган беҳол,
Қийноқдан узига гоҳи келмаган.
Турса ер ҳайдаган, гоҳ йиққан гарам,
Тунлари қамалган совуқ оғилга.
Тонг-ла яна турган югур-югурга,
Охири йиқилган, шунда замбилга
Ташланиб, элтишган кейин жар — гурга,
У ерда икки кун ётган ҳолсиз, оч,
Эртаси хужайин курунган жарда,
Елкада арқони — сиртмоқ бир қулоч,
Жун босган, қон теккан қули ханжарда...

Ҳовлида янгради шу чоқ автомат,
Ханжар тутган фашист беркинар эди.
Жардан норасида қарар, йуқ қувват,

Биз ёққа қул чузиб талпинар эди.
Билагин кўрсатди — «15000» рақам...
Нақадар даҳшатли тамғали қули.
Қон ва ёш оқади ёв босса қадам,
Хатарда қолади келажак йули.
Болани зах чоҳдан кутариб олдик.
Урнига ирғитдик золимни шу чоқ,
Шундай қилмасак у истаб ёвузлик,
Янги қурбонларга тайёрлар сиртмоқ.
У қули тамғали бола ёдимда,
Унутмоқ мумкинмас уни ҳеч қачон.
Турар норасида кўзим унгида,
Тамғачи йуқ булиб, тинч бўлсин жаҳон.

1985

ГУЛ КЕЛТИРИБ ҚУЯМАН

Боғимга гул эккандим,
Усиб чаман булибди,
Эшик олди — сув бўйи
Яшнаб гулшан бўлибди.

Ял-ял ёнар қизил гул,
Худди оловнинг ўзи,
Завққа тулар ҳар кўнгил,
Унда утганнинг кўзи.

Боғ ичида ҳайкал бор,
Милтиқ тутган қаҳрамон,
Уни кўрсам мард бобом
Ёдга келар ҳар қачон.

Жангчи ботир бобомни
Доим эслаб юрарман,
Боғдан ҳайкал ёнига
Гул келтириб қуяман.

1969